


33.3/59
3-00

Ҳамид Зиёев

СИБИРЬ, ВОЛГА ВА УРАЛ БЎЙЛАРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР

(Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача)



IV



УЎК: 94(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

Зиёев, Ҳамид

Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача) «Янги аср авлоди», 2014. - 576 бет.

ISBN 978-9943-27-300-9

УЎК: 94(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

*Ўзбекистон фанлар академияси Тарих институти қошидаги
«Тарихий асарларни нашрга таёрлаш ва чоп этиш бўйича
эксперт гуруҳи» томонидан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-27-300-9

© Ҳамид Зиёев Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. «Янги аср авлоди», 2014 йил.

КИРИШ

Ўтмиш замонларда Ўрта Осиё минтақасидан бошлаб Каспий денгизи, Днепр дарёси, Қора ва Азов денгиз қирғоқлари, Волга ва Урал бўйларидан Сибирь орқали Мўғулистон ва Хитой деворигача бориб тақалган бепоён ерлар Туркистон замини деб юритилган¹. У ерларда қадимий даврлардаёқ қудратли давлатлар ва юксак маданият марказлари юзага келиб, умумжаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшилган. Мазкур минтақалар ўртасида милодий бир минг йилликда сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиб, самарали натижалар берган. Улар ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди учун муҳим тайёр маҳсулотлар бозори сифатида ҳам катта аҳамият касб этган. У ерларга ип газламалари, кийим-бошлар, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа хилма-хил моллар олиб борилган. Бу жараён Ўзбекистонда ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Шу боис ўзбек савдо-ҳунарманд доирасининг вакиллари Сибирь, Волга ва Урал бўйларида ўз мавқеи ва манфаатларини таъминлашга қаттиқ ҳаракат қилганлар. Ўз навбатида маҳаллий жамоа аҳли ўзбек савдогарларига хайрихоҳлик ва меҳрибонлик билан қараганлар, чунки уларнинг ўзбек молларига эҳтиёжи катта эди.

Ўзбекларнинг фаолияти XIII асрнинг 30-йилларида Волга бўйида барпо этилган Олтин Ўрда давлати даврида ҳам кенг кўламда ривожланди. Пировардида, Олтин Ўрда Астрахон, Қозон, Сибирь ва Қримдан иборат бир нечта мустақил хонликларга парчаланиб кетади. Бу вақтларда Рус давлати ўз мустақиллигини тўла-тўқис тиклаб, қаддини ростлаган ва кучга тўлган эди.

XVI асрнинг 50-йилларида Рус давлати Астрахон ва Қозон хонлигини, кейинчалик Сибирь ва Қримни босиб

¹ Маҳаммад ибн Вали. Море тайн. – Тошкент, 1977.-С. 32.

олди. Шундан кейин ҳам Ўзбекистоннинг Сибирь, Волга ва Урал бўйлари билан тарихан шаклланган алоқаси узилмади. Чунки Рус давлати қўлга киритган янги ерларнинг аҳолисини газлама, кийим-бош ва бошқа моллар билан таъминлаш имконига эга эмас эди. Бунинг устига рус савдогарларининг тил билмаслиги ва карвон йўлларидаги хавф-хатарларнинг кўплиги туфайли бевосита Шарқ мамлакатлари билан алоқа ўрнатишга қодир бўлмаганлар. Рус ҳукумати шуларни эътиборга олган ҳолда ўзбек савдогарларига имтиёзлар бериб, улар воситачилигида Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан савдони ривожлантиришга катта аҳамият берди. Ўз навбатида ўзбек хонлари Сибирь, Волга ва Урал бўйлари билан савдодан манфаатдор бўлганликлари учун Россия билан алоқа ўрнатиш ва жадаллаштиришга қаратилган зарур чораларни кўрдилар. Зеро, улар Россияга элчилар ва савдогарларни мунтазам юбориб турдилар.

Икки томонлама манфаатдорлик ва интилиш ўзаро савдо алоқаларининг тобора ўсишига олиб келди. Рус давлати ўзбек савдогарларининг моҳирлиги ва ҳалоллигига тан бериб, уларнинг фаолиятига шароит яратиш, иззат-ҳурматини ўрнига қўйиш, енгилликлар бериш ҳақида маҳаллий ҳокимият вакилларига фармонларни юбориб турди.

Ўзбек савдогарларига имтиёзлар берилганлиги ҳақида уларга махсус ёрлиқлар берилди. Ҳатто ўзбекларга Сибирь, Волга ва Урал бўйларида доимий яшаш учун ўз маҳаллаларини ташкил этишга ҳам расман рухсат этилди.

Натижада ўзбекларнинг алоҳида турар жой масканлари пайдо бўлди. XVIII асрнинг охирига келиб, Россияда уларнинг сони 20 минг кишига етди. Бу ерда шундай бир савол туғилади: хўш, ўзбеклар нима учун Ўзбекистондан иқлим шароити анча совуқ ва оғир, қолоқ ва обод бўлмаган Россиянинг чекка ўлкаларига кўчиб борганлар?

Ўзбек хонликларидаги тожу тахт учун олиб борилган қонли урушлар, нотинчлик ва беқарорлик ўзбекларнинг баъзиларини осойишта ҳаёт излаб, ўз ватанидан кетишля-

рига мажбур қилган. Шунингдек, савдони ривожлантиришга бўлган манфаатдорлик ҳам яна бир сабаб эди.

Сибирь, Волга ва Урал бўйларига узоқ йиллар мобайнида бу жойларга бориб савдо билан шуғулланган кишиларнинг авлодлари ҳам кейинчалик бориб ўрнашдилар. Улар кўрсатилган жойларни Россия босиб олгандан кейин ҳам кўрдиларки, савдо-сотик учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Бу ерда бошқа бирор давлатда бўлмаган имтиёзлар ўзбекларга берилган. Уларга ерлар ажратилиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқа истаган касб билан бемалол шуғулланишларига, ислом дини ва тил дахлсизлигини сақлаш имкони берилди. Масжидлар қуришга, мактаблар очишга, алоҳида бошқарув идораси – волостларини тузишга рухсат берилиши ҳам муҳим ўрин эгаллади. Ўзбеклар маълум имтиёзларидан унумли фойдаланиб, Россияни Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Хитой билан савдо-сотик ва дипломатик алоқаларида воситачилик қилдилар.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда тарихчилар, шу жумладан, мен ҳам Сибирь, Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар ҳақида оддий бир тушунчага эга бўлмай юрган эдик. 1951–1953 йилларда Ленинград ва Москвада номзодлик диссертацияси бўйича ишлаб юрганимда фавқулодда Сибирь ва Россиянинг бошқа жойларида ўзбеклар яшаганликлари ҳақидаги маълумотга дуч келиб, ишонмай қолдим. Чунки ўзбекларнинг ихтиёрий равишда узоқ ва совуқ жойларга бориб ўрнашиши ғайритабиий бўлиб кўринди. Аммо масала билан яқиндан шуғулланганимдан кейин унга ишонмасликка ўрин қолмади. Асримизнинг 50-йиллари ўрталарида қўлга киритилган дастлабки маълумотлар асосида «Сибирдаги ўзбеклар» сарлавҳаси остида «Ўзбекистон овози» (собикъ “Совет Ўзбекистони”) газетасида мақола эълон қилдим. Буни қарангки, жамоатчилик ўзбекларнинг узоқ Сибирдаги ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотларни ўқиб ҳайратланган ҳолда ушбу янгиликни катта қизиқиш билан қарши олди. Яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адиб Эркин Воҳидов билан суҳбатлашганимда менга шундай

деди: «Сизнинг «Сибирдаги ўзбеклар» номли мақола ва рисолангизни биз университет талабалари зўр қизиқиши ва мамнуният билан ўқиган эдик. У бизда турли фикр-мулоҳазаларни туғдирганди. Ота-боболаримиз жасоратига қойил қолган эдик».

Мақола юзасидан олимлар, ўқитувчилар, ҳатто оддий кишилар ҳам учрашувларда ва телефон орқали менга саволлар билан мурожаат қилдилар. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти И.М.Мўминов ва тарихчилар устози Яҳё Ғуломов тарихнинг янги саҳифалари очилди, яъни кашфиёт қилинди, дея илмий ишни давом эттиришим кераклиги тўғрисида тавсия бердилар. Улар ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар Академияси президиуми мен учун алоҳида маблағ ажратди. Чунки Россиянинг бир қанча шаҳарларига бориб, архив маълумотларини тўплаш лозим эди. Мавзу бўйича олиб борилган илмий ишим жараёнида бошимдан кечирган қийинчиликлар беҳуда кетмади. Чунончи, қуйидаги архивлардан катта ҳажмдаги ноёб маълумотлар қўлга киритилди:

1. «Россия қадимий ҳужжатлар Марказий давлат архиви (Москва).
2. Тарих музейининг архиви (Москва).
3. Россия ҳарбий тарих Марказий давлат архиви (Москва).
4. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг архиви (Москва).
5. Россия Марказий давлат тарих архиви (Санкт-Петербург).
6. Россия Фанлар Академияси тарих институтининг Санкт-Петербург филиалининг архиви (Санкт-Петербург).
7. Россия Фанлар Академияси архиви (Санкт-Петербург).
8. Салтиков-Шедрин номли кутубхонанинг қўлёзмалар фонди (Санкт-Петербург).
9. Қозоғистон Республикаси Марказий давлат архиви (Алмати).
10. Оренбург вилояти давлат архиви (Оренбург).

11. Татаристон давлат университетининг қўлёзмалар бўлими (Қозон).

12. Татаристон Республикаси давлат архиви (Қозон).

13. Бошқирдистон Республикаси Марказий давлат архиви (Уфа).

14. Свердловск вилоятининг давлат архиви (Екатеринбург).

15. Ирбит давлат архиви (Ирбит).

16. Тюмень вилояти давлат архиви (Тюмень).

17. Тобольск давлат архиви (Тобольск).

18. Тобольск ўлкашунослик музейининг қўлёзмалар фонди (Тобольск).

19. Омск вилояти давлат архиви (Омск).

20. Томск вилояти давлат архиви (Томск).

21. Томск давлат университети кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими (Томск).

22. Пермь вилояти давлат архиви (Пермь).

23. Нижнийновгород вилояти давлат архиви (Нижнийновгород).

24. Астрахон вилояти давлат архиви (Астрахон).

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Тошкент).

Кўрсатилган архивлардан Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбекларга, савдо ва карвон йўлларига доир маълумотлар олинди. Шунингдек, мен Сибирдаги ўзбеклар авлодлари билан учрашиб, уларнинг кўплаб хотираларини ёзиб олдим.

Шуни айтиш лозимки, ўзбеклар ўша давр удумига кўра, расмий ҳужжатларда ва адабиётларда туғилган жойлари бўйича бухоролик, тошкентлик, қўқонлик, наманганлик, ва шунга ўхшаш номлар билан қайд қилинган. Асарда ўша номларни ўзгартирмаслик мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўрта Осиё минтақасида Бухоро хонлиги салмоқли ўринни эгаллаганлиги учун Россияда ўзбеклар умумлаштирилган ҳолда бухороликлар деб ҳам юритилган, масалан, «Бу-

харцы», «Бухарский двор» ва «Бухарский волост» атамалари шулар жумласидандир.

Ушбу асар яна шу ҳақида гувоҳлик берадики, ота-боларимиз қаерларда бўлмасин, бари бир ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, бунёдкорлиги ва тадбиркорлигини намойиш этиб, тили, дини ва турмуш тарзига содиқ қолганлар. Улар Сибирь, Волга ва Урал бўйларида динни, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва деҳқончиликни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Маълумки, ўзбеклар фақат юқорида айтиб ўтилган жойлардагина эмас, балки, Ҳиндистон, Туркия, Арабистон, Афғонистон сингари мамлакатларга ҳам ўрнашиб, яшаб ўзларининг қобилияти ва уддабуронликларини намойиш этган эдилар.

СИБИРДАГИ ЎЗБЕКЛАР

ҚАДИМГИ ДАВРДАН ТО XVI АСР ОХИРИГАЧА КЕЧГАН АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон ва Сибирнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари илдизлари чуқур тарихий даврларга бориб тақалади. Археология маълумотларига кўра, Сибирга аҳоли неолит даврида Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдан келиб ўрнашган¹. Жанубий Уралда Ўзбекистон маданиятига хос мезолит ёдгорликлари топилди. Шунга ўхшаш топилмалар Байкалорти ерларида ҳам кўплаб топилган. Фарбий Сибирь ва Минсун ўлкасида топилган тарихий ёдгорликларнинг кўриниши Тошкент ва Чу дарёси атрофидаги ёдгорликлар билан бир хиллиги билан ажралиб туради. Сибирнинг бронза даврига тегишли ёдгорликлари ҳам Ўзбекистон билан алоқа ўрнатилганлиги ҳақида далолат беради. Шуниси диққатга сазоворки, Сибирдаги аҳолининг жисмоний тузилиши ҳам ўзбекларга ўхшаган². Енисейдаги Татар оролидан топилган милоддан аввалги VII–IV асрларга тегишли маданий ёдгорликлар, айниқса, катта аҳамият касб этади. Бу ерда археологлар томонидан қўлга киритилган бронзадан ясалган отларнинг ҳайкалчалари Фарғона водийсидаги отларни эслатади. Бу отлар Ўзбекистондан Енисейга олиб келинган деб айтиш мумкин³. VIII–IX асрларда Сибирь билан алоқа янада кенг қулоч ёйди. Бу вақтларда ўзбек маданиятининг унга таъсир қилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат, айниқса, архитектура ва қурилишларда яққол намоён бўлган. Хусусан, қалъалар, мудофаа миноралари ва узун деворларни қуриш тартиблари ҳамда хом гиштдан фойдаланиш VI–XIX асарлардаги Тошкент, Етгисув ва Сунддаги кўринишларга жуда ўхшайди⁴. Сибирь билан савдо алоқаларининг ривожланиши у ерда ўзбекларнинг турар жой манзилларини юзага келтирган. Чунончи, маҳаллий ҳоки-

¹ «Материалы по древней истории в Сибири». Улан-Удэ, 1964. С. 58.

² Ўша жойда, 275-бет.

³ Ўша жойда, 284-бет.

⁴ Ўша жойда, 419-бет.

мият 757 йилда сўғдлар (самарқандликлар)га Селенг дарёсининг қирғовида Бойбалиқ шаҳрини қуришларига рухсат берди¹. Шунингдек, манихей дини ҳам у ерга Ўзбекистонда сўғдлар орқали кириб келган эди. Айни пайтда сўғд ёзуви ҳам ишлатилди². Қўрилаётган даврда ҳар икки томон ўртасида савдо алоқалари кучайиб, унда ўзбеклар муҳим ўрин эгаллади. Археология топилмалари Ўзбекистон ва Шарқий Сибирь ўртасида ҳам алоқа ўрнатилганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Ангара дарёсининг атрофида топилган шиша идишлар, суратли муҳр, Ўзбекистонда муомалада бўлган муҳрга ўхшайди. Шарқий Сибирнинг санъати ҳам Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм бадий санъатининг акс садосини англатади³.

XII–XIII асрларда ўзбеклар Тувада савдони давом эттириб, савдо уюшмасини тузадилар. Улар Сибирнинг турли жойлари билан бир қаторда, Шарқий Европага ҳам бориб, савдо билан шуғулланганлар.

Олтин Ўрда давлати даврида ҳам Ўзбекистон ва Сибирь ўртасидаги савдо-сотик алоқалари давом этди. Бу вақтларда Сибирдан у ерга турли мўйна моллари келтирилган. Маълумки, Олтин Ўрда давлати парчалангандан кейин бир нечта хонликлар, шу жумладан, Сибирь хонлиги ташкил топади. Даставвал унинг пойтахти ҳозирги Тюмень шаҳрининг ўрнидаги Чингизтур шаҳри ҳисобланган. Кейинчалик пойтахт Иртиш дарёси бўйидаги Қишлиқ (Искар) деган жойга кўчирилган. Сибирь хонлиги Олтин Ўрдадаги Шайбонийхонлар сулоласи билан маҳаллий татар зодагонлар ўртасидаги кураш майдонига айланди. Тахминан XIV аср охирларига келиб, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон Жануби-Ғарбий Сибирни эгаллади. Кейинчалик Сибир Шайбонийлар давлатининг таркибига киритилди, Шайбонийлар сулоласининг йирик вакили Абулхайр Тюменда хон этиб

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда. 438-бет.

сайланди¹. Шу тариқа даставвал бу шаҳарда Шайбонийлар давлатига асос солинган эди².

XIV асрда Баҳоуддин Нақшбанднинг 366 кишилиқ издошлари 1700 кишилиқ қўшин билан биргаликда Сибирга бориб Иртиш дарёси бўйида маҳаллий аҳоли билан қаттиқ жанг қилган ҳар икки томондан қўплаб одамлар ҳалок бўлган³. Катта талафотларга қарамай, Ислом дини тарқатувчиларининг маълум қисми Ғарбий Сибирда қолиб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Бу савобли тадбирда ўзбек аёллари ҳам фаол қатнашиб, Ислом динини маҳаллий аҳоли ўртасида ёйишда бор куч-қайратларини аямадилар. Масалан, Оқилабиби, Анипабиби, Ҳадичабиби, Солиҳабиби ва бошқа жасоратли аёллар шулар жумласидандир⁴. Сибирга ислом динининг киритилишидан кейин, – дейилади манбада, – Ўзбекистон дин пешволари ва савдо карвонларининг келишига кенг йўл очилган⁵. Улар Ислом динини янада кенг кўламда ёйилишига хизмат қилиб, катта обрў-эътиборга мушарраф бўлишди ва авлиё сифатида ҳаётлигида ҳам, вафотидан кейин ҳам уларнинг қадри-қиммати ўз ўрнига қўйилган⁶.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хони Абдуллахон (1557 – 1598) Ўрта Осиё ерларини бирлаштириб, қудратли давлатни барпо этди. Савдо-ҳунарманд доиралари манфаатини кўзлаб, Сибирь хонлигида ўзининг таъсирини ўрнатишга ҳаракат қилди. У бу мақсадга эришмоқ учун Сибирь хонлиги тахтига ўз одамини ўтказиш чораларини кўрди. Чунки 1555 йилда Сибирь тахти маҳаллий татарлар вакили томонидан эгалланган эди. Бундай ҳолат Бухоро

¹ Тизенгаузен В. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. – М, 1884. С. 236.

² Бахрушин С.В. Научные труды. – Т VI., 1959., с. 198.

³ Саади Вақоси ибн Раджаб Маматқулов. Сибирда ислом динининг тарқалиши (ўзбек тилида). - Рукоспись Тобольского краеведческого музея, б/н.

⁴ Ўша жойда. 2-бет.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша жойда.

хонлиги манфаатларига путур етказиши турган гап эди. Шу боис Абдуллахон Сибирь тахтига ўтирган Ёдгорга қарши уни тахтдан маҳрум қилиш чораларини кўради. 1563 йилда Шайбонийхонлар сулоласига мансуб Кучумхон, Бухородан қўшин билан келиб, Ёдгорни тахтдан ағдариб ташлаб, ҳокимиятни қўлга киритган¹. Буни тарихчи С.В.Бахрушин ҳам таъкидлайди². Шунингдек, Кучумхон вақтида (1563–1598) Сибирь хонлиги ҳукмрон доираси орасида бухороликларнинг бўлганлигини³ ва кейинчалик мавлубият туфайли ўз оилалари билан «Бухорога Абдуллахон ҳузурига хизмат қилиш учун кетган»лигини⁴ ҳисобга олсак, Кучумхон Абдуллахон ёрдами туфайли ҳокимиятни эгаллаганлиги янада ойдинлашади. Илгари Бухоро хони Абдуллахоннинг расмий хизматида бўлиб, кейин Сибирга юборилган ва у ердан ўз ватанига қайтган Абдуллахон одамлари ҳақида сўз боради.

Кучумхоннинг Ўзбекистон билан яқинлиги яна шундан иборат эдики, унинг хотинларидан бири туркистонлик бўлган. Кучумхоннинг Аҳмад Гарой номли акаси эса Бухорода турган ва у кейинчалик Абдуллахон томонидан ҳарбий қисм билан Кучумхонга ёрдам бериш учун Сибирга юборилган.

Абдуллахон ва Кучумхоннинг бир авлоддан, яъни Шайбонийлар хонадонидан эканлиги ҳисобга олинса, уларнинг бир-бирига қариндошлиги ҳам Абдуллахоннинг ҳарбий мадад беришига асосий сабаблардан бири эди. Шубҳасиз, Абдуллахон Сибирда ҳокимият, яъни Шайбонийлар сулоласи қўлида бўлишига ва бундан Бухоро манфаатлари учун фойдаланишга ҳаракат қилган.

Кучумхон ҳам Бухоро хонлигига таяниш орқали ўз хавфсизлигини таъминлашни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Чунки Сибирь хонлигида аҳвол оғир бўлиб, Астрахон ва Қозон хонлигини босиб олган Рус давлати ҳамда маҳаллий

¹ Миллер Г.Ф. История Сибири. – Т. 1. М. -Л., 1937. с. 196.

² Бахрушин С.В. Ўша асар, 199-бет.

³ «Народы Сибири», с. 475.

⁴ Миллер Г.Ф. Ўша асар. – Т. 2. М-д, 1941, с. 168.

татар юқори табақа вакиллари унга хавф солмоқда эди. Бу ҳол хонликни тез муддатда ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб қиларди. Лекин бунга Сибирь аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги тўсқинлик қилган.

Сибирда ишлаб чиқаришнинг қолоқлиги давлатни, жумладан, ҳарбий қўшин, руҳонийлар, зодагонлар ва умуман хонликни кийим-кечак, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, зеби-зийнат ва бошқа моллар билан етарли даражада таъминлай олмас эди.

Сибирнинг бундай ҳаётий нарсаларга эҳтиёжини Ўзбекистон қондириши мумкин эди. Шу боис, Бухоро хонлиги Сибирь хонлиги учун ягона иттифоқчи ва ҳомий бўлиб қолди. Шунинг учун Кучумхон тахтни эгаллагандан кейин ҳам ёрдам сўраб Бухоро хони Абдуллахон ҳузурига ўз элчиларини юбориб турди. Афсуски, бу алоқага доир ҳужжатлар тўла сақланмаган. Баъзи маълумотларга кўра, Кучумхон 1572 йилда Шайх ва Сайидлар сингари дин пешволарини юборишни сўраб, Бухорога элчиларни жўнатган. Сибирь элчиси Абдуллахон томонидан қабул қилиниб, махсус фармон билан Урганч шаҳрига юборилган. Фармонга мувофиқ, Урганч ҳокими Сибирь элчиларини қабул қилиб олиши ва уларга дин пешволарини қўшиб юбориши лозим эди.

Хусусан, Абдуллахон фармонида шундай дейилган: “Бухоро муфтиларининг кўрсатмасига мувофиқ, Урганчдан Ярим Сайид (Мулла Якуб) ва Шарбат Шайхни сафдошлари билан Сибирь элчиларига қўшиб жўнатилсин. Улар ҳурмат-иззат билан кузатилиб, сарф қилишадиган харажатлар хазина ҳисобидан ундирилсин. Уларнинг сони 10 кишидан ошмасин ва ўрта ёшли бўлсинлар”.

Урганчда Сибирга боришга хоҳиш изҳор қилганларнинг сони 500 кишига етди. Улар Ярим Сайид ва Шарбат Шайх бошчилигида Бухорога келишганда, Абдуллахон томонидан ҳурмат билан қарши олинди. Бу ерда уларнинг сони 1000 кишини ташкил этиб, Сибирга йўл олдилар. Кучумхон Иртиш дарёсини кечиб ўтиб, элчи ва дин пешволарини ҳурмат билан кутиб олди. Улар Сибирда

Испом динини тарқатиш билан шуғулландилар. Кучумхон Ярим Сайидга ҳокимлик вазифасини бажаришни таклиф қилди. Аммо Ярим Сайид икки йилдан кейин вафот этди. Шарбат Шайх эса Кучумхоннинг Абдуллахонга ёзган хатини олиб, Бухорога жўнади. “Бизнинг ёнимизда, – дейилган хатда, – диний уламолар қолмади, шу боис сайидлар ва шайхларни юборишингизни сўраймиз”.

Бу гал ҳам Сибирь элчилари Абдуллахон томонидан қабул қилиниб, улар Урганч ҳокими номига ёзилган ёрлиқ билан жўнатилди. Хон ёрлиғида Сибирь элчиларига уламоларни қўшиб юбориш кўрсатилган эди. Урганчда Дин Алихўжа ва бошқа шайх уламоларини Сибирга жўнатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундан кейин Сибирь элчилари ўша шайхлар ва уламолар билан Бухорога қайтиб, яна Абдуллахон билан суҳбатлашди.

Фикримизча, бу суҳбатда элчилар Кучумхоннинг Сибирь хонлигига ҳарбий ёрдам бериши тўғрисидаги илтимосини баён этган бўлсалар керак. Чунки Абдуллахон суҳбатдан сўнг Бухорода яшаётган Кучумхоннинг акаси Аҳмад Гаройни ҳарбий қисм билан элчилар, уламоларга қўшиб Сибирга жўнатган¹. Улар Сибирь хонлиги пойтахти Искер (Тобольск)да шахсан Кучумхон ва унинг нуфузли кишилари томонидан тантанали равишда қарши олинади. Аҳмад Гаройни Сибирга юборилиши, хонликни мустаҳкамлаш ва бу билан у ерда Бухоро хонлигин таъсирини кучайтиришга қаратилган навбатдаги ҳаракат эди.

Аҳмад Гарой Сибирь хонлигини бошқаришда етакчи ўринни эгаллаган. Ҳатто Кучумхон унга ўз тахтини топширганлиги ҳақида ҳам маълумот бор. Яна бошқа маълумотга кўра, Кучумхон ва Аҳмад Гарой хонликни биргаликда бошқарганлар². Бу ҳар икки маълумотнинг қайсиси ҳақиқатлигидан қатъи назар, у шуни кўрсатадики, Аҳмад Гаройга Абдуллахон томонидан катта ваколатлар берилган.

¹ Ходи Атласий. Сибирь тарихи. – Қозон, 1918, 89-бет.

² Миллер Г.Ф. Ўша асар. – Т. 1 с. 200.

Кучумхон билан Аҳмад Гарой Қозонга қарши юриш қилганларида Бухородан олиб келинган ҳарбий қисмдан ҳам фойдаланганлар¹. Бухоро хонлигидан руҳонийлар, ҳарбий қисмлар, савдогарлар ва бошқа кишиларнинг Сибирга ўрнашгани эътиборга олинса, у вақтда Абдуллахон Сибирь хонлигини ўз таъсир доирасига киритишга эришганлиги ҳақидаги тушунчага эга бўламиз. Бу вақтларга келиб, хоразмлик ва бухороликларнинг Сибирь хонлигидаги мавқеи янада ошди. Ҳатто Кучумхон Нолишхоним исмли қизини юқорида кўрсатилган урганчилик дин пешвоси Дин Алихўжага никоҳлаб беради².

Кўрилаётган йилларда Рус давлати Қозон хонлигини босиб олгандан кейин бугун Кама дарёси ҳавзасини эгаллаб, Уралнинг ғарбий этакларида бир неча аҳоли турар-жой масканларини барпо этди.

Босиб олинган ерларда рус савдогарлари ва саноатчилари ўрнашиб олиб, бойликларига бойлик қўшдилар. Булар орасида XVI асарда Строгановлар сулоласи шуҳрат қозонди. Улар Кама дарёси бўйларидаги бепоён ерларнинг мутлоқ эгалари бўлиб қолган эдилар. Аммо Строгановлар бу билан қаноатланмай, Сибирдаги ерларни ҳам эгаллашга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун 1573 йилда Кучумхон ўз укаси Маматқул бошчилигида Строгановларга қарши қўшин юборди. Натижада Строгановлар қўл остидаги кўпгина аҳоли турар жойлари хонавайрон этилиб, кўплаб кишилар асирликка олинди. Аммо бундай талафот Строгановлар ҳаракатини тўхтата олмади, аксинча уни тезлаштирди. Чунончи 1574 йилда Строгановлар ҳукуматдан Тоболь, Обь ва Сибирдаги бошқа дарё бўйларида шаҳарчалар қуриш учун расмий ижозат олдилар. Ҳатто уларга бухороликлар билан божсиз савдо қилиш ҳуқуқи ҳам берилди³. Строгановлар

¹ Андрейвич В.Ф. Истории Сибири, часть. 1, СПб., 1889, с. 7.

² Миллер Г.Ф. Ўша асар 201-бет. Ходи Атласи. Ўша асар, 89-бет.

³ Карамзин Н.М. История государства Российского. Т. IX. СПб., 1834, с. 374.

Волга бўйи ва Дондан қочиб келган казаклардан иборат ҳарбий қисмларни туздилар. Улар Дон казаки Ермак Тимофеевич бошчилигидаги қуролли кишиларни Сибирь хонлигига қарши юборди. 1581 йилдаги қаттиқ жанглардан сўнг Ермак Сибирь хонлиги пойтахти Искерни эгаллади ва бу билан Сибирнинг Россия ҳудудига қўшиб олинишига замин ҳозирлади.

Кучумхон эса Ишим томонга чекиниб, Ермакка қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб борди.

У укаси Маматқулни Ермак билан жанг қилиш учун жўнатди. Бўлиб ўтган қонли тўқнашувлардан сўнг Ермак ғалабага эришиб, Маматқул аскарларини мағлубиятга учратди. Унинг ўзи асир олиниб, Москвага подшоҳ ихтиёрига жўнатилди. Бу мағлубият Кучумхонга қаттиқ зарба бўлиб тушди. 1583 йилда чор ҳукумати Ермак ғалабасини мустаҳкамлаш учун Сибирга 500 кишидан иборат аскар сафарбар этди. Бу вақтда Искерда очарчилик ва турли касалликлар авж олиб, кўп одамлар ҳалок бўлган эди. Ермакнинг ҳарбий қуввати кундан-кунга заифлашди. Айниқса, озик-овқат, газлама, кийим-кечак ва бошқа моллар билан таъминлаб келаётган Ўзбекистон билан алоқанинг узилиши Сибирь ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Буни Ермак яхши англаган эди. Шу боис у 1584 йилда Сибирга келаётган бухоролик савдогарларнинг йўлда Кучумхон томонидан ушлаб қолинганлиги ҳақидаги хабарни олиши биланоқ, уларни ўз томонига жалб этиш мақсадида дарҳол йўлга отланди¹. Шу вақтда Вагай дарёси атрофида пистирмада турган Кучумхон Ермакка ҳужум қилиб уни тор-мор этади. Ермак ярадор ҳолда Иртиш дарёсига чўкиб, ҳалок бўлади. Бу воқеа 1584 йилнинг август ойида юз берди. Сибирь солномаларида Ермакнинг охириги юришига бухоролик савдогарлар тўғрисидаги хабар сабаб бўлиб, унинг ҳалокати шу туфайли юз берганлиги баён қилинади².

¹ Сибирские летописи, СПб, 1907, с. 82.

² Ўша жойда.

Ермак ўлимидан кейин рус қўшинлари Кучумхон кучларига бардош бермасликларини англаб, Сибирдан Россияга қайтишга мажбур бўлди. Шундан кейин пойтахт Искер Кучумхоннинг ўғли Али томонидан эгалланди. Афтидан, Кучумхоннинг дастлабки мағлубияти Бухорода айрим гуруҳлар орасида унга нисбатан бўлган умид ва ишончни бирмунча сусайтирган. Чунки Али Искерни эгаллаган вақтда, Кучумхон томонидан қатл қилинган татар хони Ёдгорнинг ўғли Сайид унга қарши курашиш учун Бухородан Сибирга келган. Баъзи хабарларга кўра, Ёдгорнинг ҳомиладор хотини Бухорога қочиб келиб, бу ерда Сайидни туққан. Сайид бир йирик дин пешвоси тарбиясида ўсган¹. Сайидга бундай муносабат шуни кўрсатадики, Бухородаги айрим гуруҳлар пайти келганда Сайидни отамерос тахтига хон қилмоқчи ва бундан ўз мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлганлар.

– Худди шу нуқтаи назардан Кучумхоннинг мағлубияти маълум бўлиши билан Сайид ҳарбий қисмлар билан таъминланган ҳолда Бухородан Сибирга юборилди². Натижада Сайид Алининг қўшинларини тор-мор қилиб, Искерни эгаллайди. Аммо кўп ўтмай, яъни 1588 йилда Сайид қайта юборилган рус қўшинлари томонидан мағлубиятга учратилиб, Искер босиб олинади. Шундай қилиб, Сибирь хонлигининг тақдири узил-кесил ҳал қилинди. Бу вақтларда Кучумхон Ишим қирғоқларида, яъни Нарзайкан кўли атрофида яшаб, хонликни тиклаш мақсадида рус қўшинларига қарши бир неча маротаба ҳужумлар уюштиради, лекин яна мағлубиятга учрайди. Шундан кейин Кучумхон Бошқирдистонни босиб олиш ва бу ерда куч тўплаб, Сибирга ёриб кириш ҳаракатига тушди. У шу мақсад билан бошқирд ерларига ҳарбий юришлар қилди. Кучумхоннинг бундай ҳаракати Рус давлатининг Бошқирдистондаги ҳукмронлигига хавф солганлиги учун унга қарши алоҳида бошқирд ҳарбий қисмлари тузилди. 1586 йилда ҳарбий қалъа сифатида Уфа

¹ Миллер Г.Ф. Ўша асар, 196-бет.

² Ўша жойда, 200-бет.

шаҳри барпо этилди¹. Бу шаҳар Кучумхон ҳужумини қайтаришда ва умуман, Бошқирдистонда Рус давлати мавқеини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллади. Кучумхоннинг Бошқирдистонни эгаллаш ҳаракати ҳам кутилган натижани бермайди, қайтага унинг кучи кундан-кунга заифлашиб борди. Бу вақтларда (1595/96 ва 1598 йилларда) Кучумхон билан Абдуллахон ўртасида элчиларнинг қатнаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Дастлабки элчи ҳарбий ёрдам сўраб келган. Аммо Абдуллахон Кучумхон элчиси орқали юборган ёрлиғида «биздан аскар сўраган экансан, биз бўлсак у вақтда урушда эдик, шунинг учун аскар юбора олмадик»², деб хабар қилган. Ҳақиқатан ҳам Абдуллахон ички зиддият ва курашларни бартараф этиш ва ҳарбий юришлар билан банд бўлганлиги учун Кучумхонга ҳарбий ёрдам бериш имкониятига эга эмас эди. Аммо у Сибирь хонлигини ўз таъсирида ушлаб туришдан ва савдони ривожлантиришдан ҳамон жуда манфаатдор бўлган. Шу боис Сибирь хонлиги ҳар доим Абдуллахоннинг диққат марказида турган. Буни унинг Кучумхонга ёзган ёрлиғида «Бизнинг фикри-зикри-миз сенда бўлиб, соф-саломатлигингни эшитишга интизор-миз» дейилиши ҳам исботлайди.³

Абдуллахон Кучумхонга нисбатан ўз хайрихоҳлиги ва ҳурматини изҳор этиш мақсадида унга ҳарбий ноғора, тўққизта ўқ-ёй, духоба ва газламалардан иборат кўплаб совғалар юборди. Кучумхондан эса сув—сар, оқсичқон, тулки, олмахон ва шу каби қимматбаҳо мўйналарини юборишни сўрайди⁴. Айрим маълумотларга кўра, Кучумхоннинг Абдуллахонга юборган элчиси ўз мақсадига эриша олмай қайтган эди. Бу ҳол унинг аҳволини янада ёмонлаштириб руҳсизлантирди. Бунинг устига Бухорода Кучумхонга нисбатан муносабат ўзгариб, ҳатто савдогарларнинг айрим вакиллари

¹ Очерки по истории Башкирской АССР, Уфа. 1956, с. 86-87.

² МИУГТ, с. 296.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Сибирь билан савдо алоқаси узилиб қолишидан ташвишланган ҳолда Кучумхонни ўлдириш ва ўрнига Сибирь хонлигини тиклашга қодир бўлган бошқа бир кишини тайинлаш пайига тушдилар¹. Аммо бу мақсад амалга ошмади.

1598 йилда Абдуллахон Кучумхон ҳузурига ўз элчисини юбориб, ўзаро келишмовчилик ва ички курашларни тўхтатишга ва душманга қарши жанг қилишга чақирди. Жўнатган ёрлиқ мазмунига қараганда, Кучумхон маҳаллий ҳокимият вакиллари билан бирининг ерини босиб олган. Абдуллахон буни қоралаб, бундай ўта зарарли ҳаракатни тўхтаташини маслаҳат беради: «...Биз эшитдикки, – дейилган ёрлиқда, – Сиз авлиё Мирзанинг ерини тортиб олиб, ўзингизники қилибсиз. Бунинг ўрнига ўзаро иттифоқлашиб, кофирлардаги ерларингизни тортиб олишингиз лозим эди. Агар шундай қилаверсангиз, кофирлар кучайиб кетади ва сизни шармандаю шармисор қилади. Агар биз билан биродар бўлишни истасангиз, у билан ярашиб, ерларини дарҳол қайтариб беринг. Бундан кейин бундай қилманг ва бизнинг фикримиз сизларга фақат яхшилик қилишдир. Ўша ерларда сизларнинг ота-боболарингиз ўтган, улар бир тан, бир жон бўлиб яшаган, ҳозир эса бу ерлар сизларга қолган. Сиз авлиё Мирзани кичик укангиз ҳисоблаб, ерни унга қайтариб беришингиз керак. Бу сизнинг номингизга лойиқ иш бўлар ва бизга ҳам хуш келарди»².

Абдуллахон ўз ёрлиғида Сибирь хонлигидаги ўзаро келишмовчиликлар фақат Россияга фойда келтиришини, ҳамжиҳатлик эса ундан ерларини қайтариб олишига имкон беришини кўрсатади: «...У ерда, ҳозирда динимизнинг душмани – кофирлар туради, сизлар эса шундай вақтда ўзаро низо қўзғаяпсизлар. Бундай қилганингизда, ерлар кофирлар қўлига ўтиб кетади. Сизлар сулҳга келишингиз ва кофирлар қўлидан ерларини тортиб олишни ўйлашингиз керак эди. Агар ҳозиргидек ўзаро келиша олмай юраверсангиз, сизлар

¹ Бахрушин С.В. Ўша асар, 193-бет.

² ЦГАДА России, Ф. 131, Д. 6/н с. 13.

кофирлар олдида кучсиз бўлиб қоласиз. Мен авлиё Мирзага ҳам ўз ёрлигимни юбордим».¹

Бинобарин, Абдуллахон ички ўзаро келишмовчилик ва курашларни тугатиш йўли билан Сибирь хонлигини ҳалокатдан сақлаш ва бу билан рус ҳукумати томонидан босиб олинган ерларни қайтариб олишга Кучумхонни чақирди.

Юқорида шарҳланган ёрлиқлар Кучумхоннинг куёви ва дин пешвоси Дин Алихўжа орқали жўнатилган.

Афтидан, Кучумхон Дин Алихўжани Бухорога элчи сифатида юборган бўлса керак, чунки у орқали Абдуллахон жавоб тариқасида ўз ёрлигини юборган. Ёрлиқда: «Биз сенинг ҳузурингга Дин Алихўжани юбордик, у сенинг куёвинг, менинг эса диний саҳобам. Сен унга ишониб ва ҳиммат қилиб ана шу ёрлиқда кўрсатилган бизга керакли нарсаларни, яъни шунқор, яхши ўқ-ёйларни ҳамда бизга ёқадиган қимматбаҳо мўйналарни юборсанг, биз эса қизганмасдан бу ердан сизларга керакли нарсаларни юборамиз».²

Дин Алихўжа амалда Абдуллахоннинг Кучумхон ҳузуридаги вакили ва маслаҳатчиси бўлган. Рус ҳукуматининг Сибирь хонлигига қарши уюштирилган ҳарбий юриши муносабати билан, унинг Бухоро хонлиги билан давом этаётган тинч-тотув алоқалари бузилди. Абдуллахон рус подшоши Федор Иванович билан элчилик муносабатида дағаллик қилди. Бунга жавобан рус подшоши қозоқ хони Таваккални Абдуллахон билан уриштиришга эришди³.

Шунингдек, рус ҳукумати Кучумхонни Абдуллахон билан алоқа қилаётганлигини ва биргаликда Сибирга бостириб кириши мумкинлигидан хавфсираб айрим эҳтиёт чораларни кўрди. Чунончи, 1596 йилда подшоҳ Федор Иванович Тюмень воеводасига махсус фармон юборди. Бунда бухоролик савдогарлар орасида жосуслар бўлиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, уларнинг қалъаларни кўриш, умуман,

¹ Ўша жойда, 5-бет.

² Ўша жойда, 6-бет.

³ «История народов Узбекистана», 1947, том 2, с. 57.

айғоқчилик қилишига йўл қўймаслик ва тожирларни яширинча назорат остига олиш кўрсатилган эди. Шунингдек, бухороликларнинг қилич, қалқон ва бошқа уруш қуроллари билан савдо қилишларига рухсат берилмаслиги баён этилган. Лекин бу тадбирлар бухороликларнинг савдо-сотиқ фаолиятига ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаган ҳолда ўтказилиши буюрилди¹.

Кучумхон ва рус ҳукумати қўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1598 йилда бўлди. Рус манбаларига кўра, тўқнашув Обь дарёси атрофида юз бериб, Кучумхон аскарлари тор-мор қилинган. Унинг хотини ва болалари асирликка олинган. Баъзи ҳужжатларга қараганда Кучумхон шу жанг-да ҳалок бўлган, бироқ унинг ўғли Канай сўзича, Кучум «қалмоқ ерларида бухороликлар томонидан ўлдирилган». Аммо нима учун бундай қилингани номаълум. Умуман, Кучумхон ўлими масаласи жумбоқлигича қолди.

Хуллас, 1598 йилда Абдуллахон ҳам, Кучумхон ҳам вафот этгандан сўнг Бухоро хонлигининг Сибирдаги сиёсий таъсири тамомила барбод бўлди. Эндиликда Рус давлатига қарши тура оладиган куч қолмай, у Сибирда ўз ҳукмронлигини бемалол мустаҳкамлаб борди. 1586 йилда Тюмень шаҳри барпо этилиб, бу рус ҳукуматида Обь-Иртиш ҳавзасини, яъни Урал орқасига борадиган сув йўлларини эгаллаш имконини берди. 1587 йилда Искер ёнида вужудга келган Тобольск шаҳри эса Тинч океани томон борадиган сув йўлларини забт қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1594 йилда эса Тара шаҳри қурилди.

Сибирь савдо йўлининг узоқлиги ва ноқулайлиги туфайли Россиянинг Марказий жойлари билан алоқалар иқтисодий жиҳатдан яхши боғланмаган эди. Бунинг устига Россия ўзининг чекка ўлкаларини, жумладан, Сибирни зарур моллар, айниқса, газлама, кийим-кечаклар билан етарли даражада таъминлашга қодир эмас эди. Чунки Россияда тўқимачилик саноати у қадар ривожланмаганди. Шунинг учун ўзбек

¹ Архив АН России. Ф., 21. Оп. 4, № 8, Л. 7.

молларига Сибирда эҳтиёж катта бўлган. Сибирь аҳолисининг рус ҳукуматига юборган аризасида Бухоро билан савдо алоқаларини ўрнатиш илтимос қилинди. «Ҳозирда биз томонга, Сибирга, – дейилганди аризада, – ҳеч қаердан меҳмонлар ва савдогарлар келмаётирлар ва биз ҳамма нарсадан камчилмиз, агарда савдогарлар келса, биз ҳамма нарсадан мўл-кўл бўлар эдик. Воеводалар эса сени – буюк князь, оқ подшоҳ – рухсатингсиз элчилар юборишга ботинмайдилар. Агар сен, буюк подшоҳ Бухорога ва ноғай ерларига элчилар юборишга ижозат берсанг, еримизга фойдали бўлур эдики, буни сендан сибирлик таабаларинг – каттадан кичик ҳаммамиз илтижо қиламиз»¹. Бундан ташқари аризада «Шайхни, муллаларни ва Бабуазей номли кишини озод этиб, Бухорога юборилиши» сўралган. Шундай қилинса, Бухоро билан савдо алоқасининг яхшиланиши таъкидлаб ўтилган². Мазмунан кўрсатилган Шайх ва бошқа руҳонийларнинг вакиллари Кучумхон хизматида бўлганлиги учун ҳибсга олинган. Бу масала қандай ҳал этилганлиги ҳақида маълумот йўқ. Аммо уларнинг озод этилганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Рус ҳукумати Ўзбекистон билан савдони ривожлантириш мақсадида 1595 йилда Тара шаҳри аҳолисига бухороликлар билан эркин ва божсиз савдо қилиш ҳуқуқини бериб, уларни Сибирга жалб қилиш учун дўстона муносабатда бўлишни буюрди³.

1596 йилда рус ҳукумати Тюмен шаҳрининг бошлиғи княз Долгорукийга қуйидаги фармонни беради: «Бухороликлар моллари билан сизнинг қаршингизга, Тюменга келган тақдирда, уларга бизнинг фуқароларимиз бўлган руслар ва татарлар билан божсиз савдо-сотиқ қилишга ижозат берилсин. Келажакда уларнинг турли моллар билан яна келиб туришларини таъминлаш

¹ ЦГАДА России. ф. 131. Д. 1, Л. 13.

² Ўша жойда. Ф. Сибирский приказ. кн. 2. Л. 8.

³ Ўша жойда.

учун уларга катта иззат ва ғамхўрлик кўрсатилсин, ҳеч қандай тўсқинлик қилинмасин. Уларга шаҳардами ёки ташқаридами, ўзлари хоҳлаган жойларида савдо қилишларига рухсат берилсин»¹.

Бу фармонда Бухородан Сибирга келтирилган мол турларини, миқдорини ва эгаларини батафсил рўйхатга олиб Москвага юбориб туриш топширилди².

Ушбу фармон чиқарилгандан кейин кўп ўтмай, яъни 1599 йилда рус ҳукумати бухороликларни раббатлантирадиган яна бир махсус қарор қабул қилди. Бунга кўра Сибирга келган бухоролик савдогарларни муносиб кутиб олиш учун кетадиган харажатлар давлат хазинаси ҳисобидан сарфланиши керак эди³. Рус ҳукумати Сибирь орқали Ўзбекистон билан иқтисодий алоқани кучайтиришгина эмас, балки дипломатик муносабатларни ҳам ўрнатишни кўзлади. Шу нуқтаи назардан Бухоро элчилари билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида Сибирь маъмуриятига кўрсатма берилди. Унда Бухородан элчилар келган тақдирда уларни иззат-икром билан кутиш ва уларнинг сўзини тинглаб, ҳамма талабларини Москвага маълум қилиш баён этилган⁴.

Ўзбекистон савдогарларига берилган имтиёزلардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек хонликлари билан алоқани ривожлантириш рус ҳукуматининг давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифалардан бири ҳисобланган.

Ўзбекистон билан алоқадан Рус давлати қанчалик манфаатдор бўлса, ундан ўзбек хонликлари ҳам шунчалик манфаатдор эдилар.

Рус ҳукумати қанчалик кўп вақт ўтиши билан Сибирни шунчалик кўп эгаллаб борди. Обь дарёсидан Енисейгача, сўнгра Енисейдан Лена ва бундан Байкалгача, Амургача бўлган жойларни ўз ичига олган Марказий ва Шарқий Сибирь ерлари Рус давлати томонидан қўшиб олинди.

¹ Архив АН России. Ф. 21, оп. 4, № В, Л. 6.

² Ўша жойда.

³ ЦГАДА Россия. Ф. Сибирский приказ, кн. 2, Л. 184-185.

⁴ Ўша жойда, 8-бет.

Кейинчалик Жанубий Сибирь ҳам Рус давлати томонидан босиб олинди. Бир қанча янги шаҳарлар ва аҳоли турар-жойлари вужудга келди. Масалан, Томск (1604), Енисейск (1617), Кузнецк (1618), Маяковский осторг (1618), Красноярск (1628), Илимск (1630), Якутск (1654) ва Селингин (1666) кабилар шулар жумласидандир.

Рус ҳукумати томонидан ўзбек савдогарларига имтиёзларнинг берилиши, Сибирда уларнинг турар-жой манзилларининг юзага келишига олиб келди.

ЎЗБЕКЛАРНИНГ СИБИРГА ЎРНАШИШИ ВА ИМТИЁЗЛАРИ

Биз ҳозирги пайтда Кучумхон даврида Сибирга ўрнашган бухороликлар сони ҳақида аниқ бир ҳужжатларга эга эмасмиз. Аммо ўша даврларда уларнинг сони ҳали унчалик кўп бўлмаган. Чунки улар эндигина ўрнаша бошлаган вақтда Сибирни Рус давлати босиб олади. Шундан кейин бухороликлар Сибирга яна бора бошлаганлар. Чунончи, тарихчи Г.Ф.Миллернинг кўрсатишича, Кучумхон вақтида келган бухороликлар «Сибирда ўрнашиб қолишни бошлаб берганлар. Лекин бу дастлабки келгиндилардан жуда кам авлод қолган. Тобольск, Тара, Тюмень ва Томск шаҳарларида яшовчи жуда кўпчилик бухороликларнинг айтишича, уларнинг аجدодлари Сибирга кейинроқ, бу ерда руслар ҳукмрон бўлиб олган даврларда кўчиб келишган»¹.

Хўш, улар нима учун Сибирга келиб жойлашганлар?

XVI асрнинг биринчи ярмида Ўзбек хонликларида бошланган ўзаро урушлар узоқ давом этди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хони Абдуллахон (1557–1598 йй.) мамлакатда тарқоқликни тугатиш ва ягона давлат тузиш учун кураш олиб бориб, маълум бир муваффақиятларга эришган.

Аммо у ўз мақсадига эришмоқ учун бўйсунидан бош тортган вассалларини бутун «уруф-аймоғи» билан қириб

¹ Миллер Г.Ф. История Сибири, том 1, с. 201.

ташлаган. Шунингдек, унинг юришлари вақтида шаҳарлар бир ҳокимдан иккинчисига тез-тез ўтиб турган ва бунинг натижасида кўплаб кишилар қирилиб кетган¹.

Бундай ҳоллар кейинги асрларда ҳам давом этади. Масалан, Имомқулихон (1611–1642) Тошкентни қозоқлардан урушиб олиб, у ерга ўзининг Искандар исмли ўглини ҳоким қилиб тайинлайди. Аммо кўп ўтмай, жабр-зулмдан қийналган меҳнаткашлар қўзғолон кўтариб, Искандарни ўлдиради. Шундан кейин «Имомқулихон, – дейилади Ўзбекистон тарихи китобида, – отимнинг узангисигача қон чиқмагунча аҳолини қиришни давом эттиравераман, деб қасам ичади. Бир ой қамалдан кейин Тошкент олинади ва аҳолини шундай қирғин қила бошлайдиларки, ҳатто Имомқулининг қўшин бошлиқлари ҳам ҳеч бир гуноҳсиз одамларни бундай қирғин қилишни тўхтатишни ундан илтимос қиладилар, аммо у ичган қасамимни бузолмайман, деб жавоб беради. Шундан кейин Тошкент қонуншунослари ўлганларнинг қони билан бўялган, сув билан тўла ва хон отининг узангисигача чуқурликда бўлган ҳовуздан отда кечиб ўтишни хонга таклиф қиладилар»².

Бундай фожиали воқеаларни фақат Тошкентда эмас, балки бошқа шаҳарларда ҳам кўриш мумкин эди. Масалан, XVII асрнинг иккинчи ярмида Хива зодагонлари ҳам катта-катта ўлжаларни қўлга киритиш мақсадида Мовароуннаҳрга тез-тез ҳарбий юришлар уюштириб турганлар. Бундай ҳужумлар натижасида бутун мамлакат талон-торож қилинди, кўплаб кишилар қириб ташланди ва хонадонлар хонавайрон қилинди³.

Ўзбек хонликларидаги ўзаро қонли урушлар кейинги даврларда ҳам давом этган. Бунинг натижасида мамлакат мудофаа қобиляти заифлашиб кетган. Бу ҳол қозоқ, қирғиз

¹ «Ўзбекистон тарихи», 1-том, биринчи китоб. – Тошкент, 1957, 439-бет.

² Ўша жойда, 451-452-бет.

³ Ўша жойда, 453-бет.

ва қалмоқлар каби кўчманчиларнинг ҳужум қилиши учун шароит туғдирди. Қалмоқларнинг сиқуви остида қозоқлар ўз ерларидан бутун-бутун ўтовлари ва чорва моллари билан Самарқанд вилоятига кўчиб келдилар ва бу ердан то Бухорогача бордилар. Кўчманчилар Бухоро хонининг кучсизланганидан фойдаланиб, етти йил давомида бутун Зарафшон водийсини талаб, харобазорга айлантирдилар. Уларнинг чорвалари ўтроқ аҳолининг экин майдонларини пайҳон қилиб ташлади. Яшнаб турган ерлар харобазорларга айланди. Дон, сабзавот ва ҳўл мева жуда камайиб кетди. Энди аҳоли бу ерга қараганда хавфсизроқ ва ҳаёт кечириш учун осон бўлган жойларга кўчиб кета бошлади, лекин уларнинг кўплари очликдан йўлда ўлиб кетди ва қозоқларга асир тушди¹.

Ўзбекистон шаҳар ва вилоятларига қалмоқлар, туркманлар ва эронликлар ҳужум қилиб турдилар. Урушлар ва кўчманчиларнинг ҳужумлари натижасида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо издан чиқди. Ўзбекистонга келиб кетган элчилар ва савдогарлар қолдирган маълумотлардан бирида Хоразмнинг ички аҳволи ҳақида шундай дейилган: «Хиваликлар пул ва донга жуда муҳтож, у ерда дон ва ҳар қандай овқатни энг қиммат нарх билан сотиб оладилар, чунки уларда урушлар ва ўзаро низолар жуда кўп бўлиб туради»².

Ўзбек халқи тобора зўрайиб бораётган жабр-зулм ва чет эл босқинчиларига қарши қаттиқ кураш олиб бордилар, бироқ меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволи бу билан ўзгармай, урушлар давом этаверди. Натижада халқнинг ҳаёти ва тақдири доим хавф-хатар ҳамда азоб-уқубат остида қолди. Шу боис ҳам, халқ оммаси орасида тинч ва осойишта яшаш учун бошқа мамлакатларга кетишни истовчи кишилар пайдо бўлди.

Бундай кайфият биринчи навбатда савдогарлар орасида вужудга келди. Чунки мамлакатни идора қилишдаги но-

¹ Ўша жойда, 458-бет.

² Ўша жойда, 467-бет.

шудлик, тарқоқлик ва чет элликларнинг ҳужумлари савдогарларга ҳам катта зарар етказган эди. Шунингдек, хонлар давлат бюджетигаги етишмовчиликларни савдогарлардан қарз олиш йўли билан тўлдирганлар. Аммо улар ҳамма вақт ҳам олган қарзларини вақтида қайтариб беравермаганлар.

Бухоро хони Убайдуллахон (1702–1711) олинган қарзларни қайтаришга илож тополмагач, муомалага қиймати тўла бўлмаган пул чиқарди, бу пулда асл тангага қараганда, кумуш тўрт марта кам эди. Шу тариқа Убайдуллахон молиявий офир аҳволдан қутулмоқчи бўлди. Лекин бу тадбир савдо-ҳунармандчилик аҳлига катта зарар етказди. Натижада савдогарлар, ҳунармандлар ва майда дўкондорлар аҳли норозилик билдириб, «дўконларини ёпиб, савдо қилмай қўйганлар. Аҳоли, айниқса, камбағаллар офир аҳволда қолганлар. Минглаб одамлар исён кўтарди. Ҳамма ёқни бузиб, янчиб ташлаш хавфини солиб, аркка (саройга) томон йўл олдилар. Хон савдо қилмаганлар қатл қилинади, деб савдогарларга дўконларини очиб савдо қилишни буюрди. Бироқ бу умумий ғазабни юмшата олмади. Кенг халқ оммасининг норозилиги бориб-бориб жиддий ғалаёнга айланди»¹. Хон қўшини ғалаёни бостирган бўлса-да, лекин савдогару ҳунармандлар норозилигини тўхтатиш қийин бўлди. Чунки мамлакатда уруш ва молиявий қийинчиликлар давом этиб, савдо-ҳунармандчилик аҳли бундан кўп зарар кўрмоқда эди.

Ўзбекистонда ана шундай қийин аҳвол юз бериб турган бир вақтда Россияда ички ва ташқи савдони ривожлантириш учун шарт-шароит туғилган эди. Рус давлати ўз таабаларини чет эл босқинчилари ҳужумлари ва талон-торожидан сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш қобилиятига эга эди. Бу вақтда Россия дунёга Астрахон, Қозон ва Сибирь хонлигини ўз ичига олган йирик давлат сифатида танилди.

Рус ҳукумати Россияга келувчи кишиларга хайрихоҳлик билан қараб, уларнинг Сибирда турғун бўлиб қоли-

¹ Ўша жойда. 457–458-бет.

шига алоҳида эътибор берди. Сибирга келиб ўрнашишнинг ташаббускорлари биринчи галда савдо кишилари бўлган. Булар Россияда савдо билан хавф-хатарсиз, бемалол шуғулланиш мумкинлигини ва Рус давлатининг уларни тўла ҳимоя қила олишини билиб, Сибирга доимий яшаш учун кўчиб келганлар. Аммо бу ерда ҳам айрим тўсқинликларга дуч келишган вақтлари бўлган эди.

Бу ҳақда архив ҳужжатлари маълумот беради. Масалан, 1645 йилда Тобольскдаги бухороликлар Алим Сулаймонов бошчилигида ўзларининг Сибирга ўрнашганликларини қуйидагича баён этган эдилар: «Шоҳимиз, ўтган замонларда, аввалги подшоҳлар ва сенинг улус ҳукмдорлигининг вақтида биз ғариблар хотин, бола-чақаларимиз билан Бухоро ерларидан сенинг подшоҳлигинга – Сибирдаги Тобольскка, Бухоро еридаги ўз уруғ-аймоқларимизни ташлаб, кўчиб келдик»¹. Бу сатрлардан сўнг бухороликлар маҳаллий ҳокимиятнинг уларга нисбатан оғир солиқлар солаётганлиги ҳақида гапириб, бундай муносабат Сибирга ўрнашишни хоҳловчи бухороликларда ёмон таассурот қолдириши мумкинлигини маълум қиладилар: «Шоҳимиз, Бухоро ерларидан Сибирга, Тобольскка савдо-сотик учун келган биродарларимиз, – дейилган эди мактубда, – Тобольскда, сенинг подшоҳлигингда қолишни истасалар ҳам рус одамлари қилаётган қувғин ва солиқларни кўриб, Тобольскда, сенинг подшоҳлигингда қолмаяптилар. Шоҳимиз, агар сенинг воеводаларинг ва маҳкама хизматчиларинг бизга, бухоролик биродарларимизга солиқлар солиб, зарар келтирмаганда ҳамда рус кишилари томонидан зўрлик ва сиқувларга учрамаганимизда эди, биродарларимизнинг кўпчилиги Тобольскда, сенинг подшоҳлигингда қолган бўларди»².

Бухороликларнинг Сибирга ўрнашиш сабаблари уларнинг 1740 йилда рус подшосига ёзган иккинчи мактубида ҳам жуда равшан кўрсатиб берилади: «Ўтган узоқ йиллар-

1 ЦГАДА России, Ф. Сибирский приказ, ст-ц № 134, л. 194.

² Ўша жойда, 194-бет.

да бизнинг ота-боболаримиз ва қариндош-уруғларимиз, – дейилади унда, – буюк Россияда чет эл кишиларининг бемалол қабул қилинишини ва император олий ҳазратларининг ерларида чет элдан келган фуқароларнинг ҳам ҳимоя остига олинишини, савдо ва ҳунармандчиликдаги эркинлик, ихтиёрийликни эшитиб, ўзларининг ватани Бухорони, қариндош-уруғларини, уй-жой ва мол-мулкларини ташлаб, оилалари ва бошқа бухороликлар билан ихтиёрий равишда умумрус самодержавияси таабалилигига – Сибирь шаҳарларига ўтган эдилар»¹.

Бу мактуб қалмоқлар (жунғорлар) хони Галдан Чириннинг 1739 йилда Тобольскка элчи юбориб, Сибирга ўрнашган ва ўрнашаётган бухороликлар гўё унинг фуқаролари бўлганлиги учун уларнинг қайтарилишини талаб қилиши муносабати билан ёзилган эди². Қалмоқ хони Галдан Чирин Ўрта Осиё шаҳарларига ҳужум қилиб, катта ўлжаларини қўлга киритиб туришини Ўрта Осиёга ҳукмронлик деб билган бўлса керак. Тўғри, қалмоқ хонлари маълум вақт ичида Тошкент, Туркистон каби шаҳарларида ҳукмронлик қилганлар. Аммо ҳеч бир вақт бутун Ўрта Осиёда қалмоқлар ҳукмронлиги тан олинмаган. Шунинг учун ҳам Сибирга ўрнашган бухороликлар Галдан Чирин талабининг мутлақо асоссиз эканлиги ҳақида Сибирь губерния маҳкамасига ёзган мактуб орқали рус императорига маълум қилганлар: «Бизнинг ота-боболаримиз эса Бутун Россия самодержавияси қўл остига Бухородан ўз ихтиёри ва хоҳиши билан келган, у ер ҳозир ҳам бошқа хонлик ҳокимиятига қарайди. Бухоро ери жунғор ҳокими Галдан Чирин қўл остида ҳеч қачон бўлган эмас. Бизнинг ота-боболаримиз ва бизлар ҳам Тобольскда туғилганмиз»³.

Шундай қилиб, бухороликлар ўзларининг Бухоро хонлигидан келган кишилар авлоди эканликларини баён этиб,

¹ Ўша жойда, Сибирская губернская канцелярия, д. 15, л. 1.

² Ўша жойда, 1-2-бетлар.

³ Ўша жойда.

Мирназар Мирочиев, Д.Бобошев ва Солиҳ Шукурматов каби вакиллари масалани ижобий ҳал қилиш учун Ташқи ишлар коллегиясига юбормоқчи бўлиб, уларнинг Санкт-Петербургга боришига рус императоридан рухсат сўрайдилар¹. Вакилларнинг Санкт-Петербургга боришлари учун рухсат берилди² ва бухороликлар илтимоси қондирилди. Бу ҳақда Сибирь губернатори генерал-майор Шиповга шикоят қилган бухороликлар Бухоро хонлигидан Сибирга келган кишилар авлодлари бўлганлиги учун, уларни қалмоқларга бермаслик тўғрисида фармон берилди³.

Ушбу фармонда кўрсатилишича, қалмоқлар ҳукмронлик қилаётган шаҳарлардан ҳам Сибирга келиб ўрнашган кишилар бўлган. Шунинг учун 1736 йилда қалмоқ хони уларнинг ўз ватанларига қайтарилишини сўраб, Тобольска элчи юборган. Қалмоқ элчисининг талаби қондирилган. Бу ҳақда ўша фармонда қуйидагича дейилган: «1736 йилда Сибирь губерния маҳкамасига маълумот берилишича, жунғор элчиси Зундуй Замга... хотин, бола-чақалари ва турмуш ашёлари билан бир гуруҳ бухоролик берилган, уларнинг сўроқда кўрсатишларича, ўзлари чиқиб келган шаҳарлар жунғорларга қараган ва уларнинг ўзлари ўша ерга кетишга истак билдирганлар; қирқ олти киши эса қайтариб берилмаган, чунки уларнинг ота-боболари қалмоқ тарафдан бўлмай, балки Бухоро хонлигидан келган. Шунингдек, уларнинг ўзлари ҳам кетишни истамаган»⁴.

Кўриниб турибдики, қалмоқлар қўл остидаги шаҳарлардан ҳам анча кишилар Сибирга қочиб кетганлар. Бу, албатта, қалмоқларнинг зулми орқасида бўлган эди. Аммо бу кишиларнинг қайси шаҳарлардан келганлиги аниқ эмас. Уларнинг Тошкент, Туркистон шаҳарлари ва Шарқий Туркистондан келган бўлиши мумкин, чунки бу жойларда

¹ Ўша жойда, 3-бет.

² Ўша жойда, 10-бетлар.

³ Ўша жойда. 11-бет.

⁴ Ўша жойда.

қалмоқлар (жунғорлар) ҳукмронлиги анча вақтгача чўзилган эди.

Кейинги вақтларда ҳам қалмоқлар ҳукмронлигидаги кишилар Сибирга қочиб ўтган бўлсалар керак, шунинг учун қалмоқ элчиси иккинчи марта Тобольскка келади. Аммо бу гал элчининг талаби қондирилмайди. Чунки ўз ватанларига қайтишни хоҳлаган бухороликларга рухсат берилиши¹ ҳақида эълон қилинса ҳам, Сибирдан чиқиб кетувчи кишилар топилмаган.

1736 йилда бухороликларнинг қалмоқларга қайтарилиши ҳақида шуни айтиш лозимки, биринчидан, уларнинг ўзлари кетишга хоҳиш (сабаби бизга номаълум) билдирганлар. Иккинчидан, 1735 йилда қалмоқ хони ҳузурига юборилган рус элчиси Угрюмцов рус асирларининг бўшатилишини сўраган. Қалмоқ хони бунинг эвазига Сибирдаги бухороликларнинг ўз ватанларига қайтарилишини талаб қилган². Шунда рус элчиси Сибирда ҳақиқатан ҳам қалмоқларга тегишли бухороликлар топилса, уларни ўз ватанига жўнатиш тўғрисида ваъда берган эди³. Бу ваъдага биноан, бухороликларнинг бир қисми қалмоқ элчиси билан биргаликда Сибирдан жўнатилган. Бундай ҳол, биздаги мавжуд архив ҳужжатларига қараганда, фақат ўша кўрсатилган йили бир марта бўлган, холос.

Рус ҳукумати Сибирга бухоролик савдогарларни тобора кўпроқ жалб қилиш учун уларга бир қатор имтиёзлар берди. Масалан, 1645 йилда Сибирга ўрнашган бухороликларнинг Сибирдан Қозон, Астрахон, Архангельск каби шаҳарларга бемалол боришлари ва савдо-сотик қилишлари учун ижозат этилди ҳамда бу жойларга бухоролик савдогарларга кема, от-араваларни дарҳол тайёрлаб бериш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида маҳаллий ҳокимиятга фармон юборилди⁴.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда. 10-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ ЦГАДА России, ф, Сибирский приказ, д. 604873, л. 2.

Бу фармон бухороликларнинг Сибирдаги савдо фаолияти-ни ривожлантирди ҳамда Сибирнинг Россиянинг турли жой-лари билан иқтисодий алоқа қилиши учун катта имкон туғ-дирди. Мазкур фармон асосида бухороликлар Ўрта Осиё, Хи-той ва Сибирь моллари билан Россиянинг ичкарасига бориб савдо-сотик қилдилар. Бухороликларнинг бундай фаолияти самарали натижа берганлиги ҳамда уларнинг Сибирь ички ва ташқи савдосидаги муҳим роли ҳисобга олиниб, 1645 йил-ги фармон 1686 йилда янгидан тасдиқланди: «Рус шаҳарла-ри Қозон, Астрахон, Поморск ва Архангельска савдо учун борувчи Тобольскдаги бухороликларга шаҳар ва воевода-ликларда зарар келтирилмасин, улар йўлда ушлаб қолин-масин, суд қилинмасин, уларнинг қарзга ботирилишига ва таланишига йўл қўйилмасин; бухороликлар тездан ўтказиб юборилсин, уларга от-аравалар топиб берилсин... шаҳарларда бухороликларни ушлаб қолиш, ҳақорат қилиш каби ҳолларга йўл қўйилмасин, уларга зарар етказилмасин»¹.

Бу фармондан ташқари, Сибирдаги бухороликлардан со-лиқлар ҳамда уларнинг ерларидан давлат учун олинадиган дон йиғимини олмаслик ҳақида Сибирь маҳаллий ҳоқими-ятига махсус буйруқ берилди². Бу тадбир уларни Сибирга жалб қилиш учун қилинганлиги уқтириб ўтилди³. Тегишли ҳужжатларга қараганда, бухороликлар олдинги йилларда ҳам солиқ тўламаганлар. Аммо маҳаллий маъмурият бухо-роликлардан солиқларни ола бошлаган⁴. Шунинг учун бухороликлар рус ҳукуматига мурожаат қилганлар ва ҳуку-мат уларнинг солиқлардан озод эканлигини расмий суратда тасдиқлаган.

Шундай қилиб, бухороликлар XVII аср давомида турли мажбурият ва солиқлардан (жон солиғидан ташқари) озод

¹ Ўша жойда, 7-бет.

² Ўша жойда, ст-ц 134, л. 198. Государственный архив Омской об-ласти, ф. 2, д. 158, л. 2.

³ ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ, ст-ц, 134, л. 198.

⁴ Ўша жойда, 197-198-бетлар.

қилинган эди. Аммо 1698 йилда уларнинг экинзорлари ва пичанзорларидан солиқ олиш ҳақида махсус фармон чиқди¹. Фармонда мусулмон мамлакатларининг ўзида ҳам ҳеч ким бунчалик эркин ва солиқлардан озод ҳолда деҳқончилик ҳамда савдо билан шуғулланмаётганлиги бухороликларга эслатиб ўтилди². Фармонда солиқларнинг аниқ миқдори кўрсатилмаган эди. Шунинг учун рус ҳукумати 1701 йилда бухороликлардан қай тартибда солиқ олиш ҳақида Сибирь маъмуриятига махсус кўрсатма берди. Шунга биноан, ҳар йили улар жавдар экилган ҳар бир десятина ерга 5 олтин (15 тийин), баҳори бугдой экилган ҳар бир десятина ерга эса 5 тийин солиқ тўлайдиган бўлди³. Солиқнинг бу миқдори маҳаллий деҳқонлар тўлайдиган солиқ миқдоридан анча оз бўлган. Масалан, рус деҳқони ҳар бир десятина ерга 9–10 олтин солиқ тўлар эди⁴.

Демак, бухороликлар шу кўрсатилган оз миқдордаги солиқларни тўлаш билангина чегараланган. Улар бошқа турли мажбуриятлардан ҳамон озод бўлиб, бу ҳақда 1701 йили подшо Пётр I нинг махсус фармони чиқарилди⁵.

Шу тариқа, рус ҳукумати Сибирдаги бухороликлар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошира борди. Бухороликларга кейинги йилларда ҳам имтиёзлар берилди. Жумладан, 1724 йилда подшо Пётр I уларни ҳарбий хизматга чақирмаслик ҳақида фармон чиқарди⁶. 1725 йилда эса бухороликлар жон солиғидан озод этилди⁷.

¹ «Полное собрание законов». том III, Спб, 1830, с. 446..

² Ўша жойда.

³ ЦГИА Казахстана. ф. 338. оп. 1, д. 807, л. 3; «Полное собрание законов», том IV, 1830, с. 168; П.А.Словцев, Историческое обозрение в Сибири, кн. 1. М., 1830, кн. 2, Спб, 1844 с. 153.

⁴ Шунков В.И. Очерки по истории земледелия в Сибири в XVIII веке (рукопись докторский диссертации).

⁵ Государственный архив Омской области. ф. 2, д. 158, л. 2; ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1246, оп. 1, д. 213, л. 3.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Ўша жойда.

Ҳатто, улардан олдинги йилларда олинган жон солиғини ҳам қайтариб бериш Сибирь маъмуриятига топширилди¹.

Бухороликларга берилган имтиёзлар 1741 йилда² ва 1764 йилларда³ рус ҳукумати томонидан махсус фармонлар билан янгидан тасдиқланди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, рус ҳукумати-нинг Сибирь йўли орқали Тошкент билан бевосита алоқа-си жонланди. Ҳукуматга тегишли расмий ҳужжатларда тошкентликларни илгаридек бухороликларга қўшган ҳол-да эмас, балки уларнинг номлари алоҳида кўрсатиб ўти-ладиган бўлди. Лекин айрим ҳолларда бундан кейин ҳам Тобольск, Тюмень ва Тарага ўрнашувчи тошкентликлар ав-валгидек бухороликлар номи билан юритилаверган.

Сибирга оид ҳужжатларда, жумладан, ҳукуматнинг рас-мий фармонларида тошкентликлар номи, биздаги мавжуд ҳужжатларга қараганда, биринчи марта 1769 йилдан эъти-боран алоҳида қайд қилина бошланган. Чунончи, ўша йили чиқарилган фармонда: «Сибирга кўчиб келган ва кўчиб келаётган бухоролик ва тошкентликларга, бобомиз олий ҳазрат император Буюк Петр ёрлиғида кўрсатилганича ҳуқуқлар берилсин деб буюрамиз»⁴, – дейилган эди.

Рус ҳукуматининг 1785 йилги Россиядаги савдогарлар маблағини аниқлаш ва уларнинг савдо бўйича, бошқа фуқа-ролар билан бир қаторда шаҳар маҳкамасига бўйсунитла-ри тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Тобольск маъмурияти бухоролик ва тошкентликларни ҳам кўрсатилган қарорга амал қилишга мажбур этди⁵. Бунга қарши бухоролик ва тошкентликлар норозилик билдириб, рус ҳукуматига ари-за бердилар. Аризада уларни шаҳар маҳкамасига бўйсун-дирмаслик ҳамда уларнинг ўз судларини ташкил этишига

¹ Ўша жойда, 3-бет.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. I, д. 213. л. 2.

³ Ўша жойда.

⁴ Государственный архив Омской области, ф. 2, д. 158, л. 3.

⁵ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. I, д. 218. л. 3.

рухсат бериш тўғрисида рус ҳукуматидан сўралди¹. Бунга жавобан, 1785 йилда рус императори Екатерина II Сибирь генерал-губернатори Е.П.Кашкинга қуйидагича фармон юборди: «...улар у ерда янги асосда идора этиш барпо қилин-гунига қадар қандай ҳолда бўлган бўлса, шундай ҳолда қол-дирилсин, бундан ташқари Тобольскда ва маъқул топган жойларингизда уларнинг жамоа ва қозихоналарини тузинг, токи улар кўпайгунга қадар бизнинг губернияни бошқариш тўғрисидаги қоидаларимизга асосан, ўзларининг маҳаллий ҳокимият органларига эга бўлсинлар»².

Шу тариқа бухоролик ва тошкентликларга ўзларининг алоҳида бошқарув идораларини ташкил этиш каби муҳим имтиёзлар берилди. Бунга асосан кейинчалик бухоролик волостлари барпо этилди. 1800 йилда эса 1787 йилдаги бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзлар тас-диқланди ҳамда улардан 26 тийиндан иборат қўшимча жон солиғини олмаслик ҳақида кўрсатма берилди³. 1801 йилда бухоролик ва тошкентликларга «станицалардаги отларни боқиш ва ҳарбий отрядларга ўтин тайёрлаш ҳақидаги қарорларни» татбиқ этмаслик ҳақида Тобольск губерния бош-қармаси қарор чиқарди⁴.

Демак, бутун XVII–XVIII асрлар давомида рус ҳукума-ти давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда Сибирга бухоро-лик ва тошкентликларни жалб этиш учун уларга бир қатор имтиёзлар берган. Бу ҳол турли тоифадаги бухоролик ва тошкентликларнинг Сибирга ўрнашишида муҳим аҳамият касб этди. Бунини Сибирдаги бухоролик ва тошкентликлар ўзларининг рус ҳукуматига ёзган мактубларида очиқ баён қилганлар. Жумладан, уларнинг 1810 йилдаги мактубида

¹ Ўша жойда, ф. 1264, оп. I, д. 213, л. 3.

² Государственный архив Омский области, ф. 2, д. 158, л. 3; ЦГИА Рос-сии в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. I, д. 213, л. 9. ЦГИА Казахстана, ф. 478, д. 36, св. 4, л. 126.

³ Государственный архив Омской области, ф. 2, д. 158, л. 4.

⁴ Ўша жойда.

шундай дейилган: «Сибирнинг Россия давлатига қўшиб олинишидан сўнг кўп ўтмай, бизнинг оз сонли авлодимиз – осиёликлар билан савдо олиб бориш учун Бухородан бу ўлкага чақириб келтирилган эди. Шунинг учун ҳам улар ва Бухородан бундан сўнг кўчиб келганларнинг ҳаммаси турли солиқлардан ва ўлпонлардан озод қилинган эди»¹.

Баъзи архив ҳужжатларига қараганда, Сибирга жойлашиш ниятида келган бухоролик ва тошкентликларга, ҳатто, маълум миқдорда бир йўла моддий ёрдам ҳам берилган. Чунончи, бир ҳужжатда (1703) Тобольск губерниясига қарашли Тара округидаги Сабелков қишлоғига жойлашган 41 бухороликнинг ҳар бирига 20 сўм пул, валла, туз берилган ва улар Тарага жойлаштирилган². Шубҳасиз, Сибирга ўрнашувчи бошқа бухороликларга ҳам шундай ёрдам кўрсатилган.

Бундан яна шу нарса маълум бўладики, бухороликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Сибирга жойлашганлар. Буни иккинчи бир ҳужжат ҳам тасдиқлайди. 1740 йилда бир гуруҳ бухороликлар рус императорига мактуб ёзиб, унда ўз ота-боболарининг Сибирга ўрнашишларига тўхтаб, бундай деган эдилар. «Ота-боболаримиз ҳаммаси бўлиб етмиш тўққиз киши... Сибирь шаҳарларининг губернияларига жойлашганлар...»³.

Шуни айтиш лозимки, у вақтларда фақат эркаклар сони эътиборга олинарди. Агар хотин-қизлар сони ҳам ҳисобга олинса, бухороликларнинг катта-катта гуруҳ бўлиб, Сибирга кўчганликлари маълум бўлади. Одатда, Сибирга ўрнашувчи бухоролик ва тошкентликлар рус императори номига ариза беришлари лозим эди. Шундан кейин бу масала маҳаллий маъмуриятнинг махсус қарори билан амалга ошириларди. Бухоролик ва тошкентликларнинг Россия таабалигига ўтишга доир айрим ҳужжатлар архивларда мавжуд. 1791 йилда қўқонлик Бозорбой Ниёзмухамедовнинг Тобольскка ўрнашиш тартиби қуйидагича бўлган эди:

¹ Ўша жойда, 1-бет.

² Ўша жойда, ф. 2. оп. 1, д, 177, л. 903.

³ ЦГАДА России, ф. Сибирская губернская канцелярия д. 15 л. 1.

«Мен, Қўқон хонлигидаги Қўқон шаҳрида яшовчи Бозорбой Ниёзмұхамедов ҳазрати олий ҳокими мутлақ улур император Екатерина Алексеевнадан қуйидагиларни илтимос қиламан:

“Мен авлиё Петр қалъасига (Петропавловск – Ҳ.З.) келдим ва у ердаги турли савдогарлардан билдимки, Сиз император олий ҳазратларининг империянгизда чет эл кишилари қабул қилиниб уларга савдо қилиш ҳақ-ҳуқуқлари ва имтиёзлар берилар экан, шунинг учун мен ҳам Сиз император олий ҳазратларининг Бутунроссия аҳлингиз қаторида бўлишни, Тобольск шаҳрида истиқомат қилишни истайман”.

Сиз император ҳазрати олийларидан шу илтимосномага мувофиқ, мен, қўлингизни Бутунроссия аҳлингиз қаторига қўшишингизни ва Тобольск шаҳрида истиқомат қилишга рухсат этишингизни сўрайман...»¹.

Петропавловскда ёзилган бу ариза Сибирь линиясининг бошлиғи генерал-майор Штардманнинг бу ҳақдаги ахборот² билан биргаликда Тобольск маҳкамасининг йиғилишида кўриб чиқилди ва Бозорбой Ниёзмұхамедовнинг илтимоси қондирилди³.

1788 йилда Соли Алимовнинг шу тарзда Тарага ўрнашганлиги ҳақида ҳам маълумот бор. Соли Алимов ҳам Сибирда бухороликларга берилган имтиёзни эшитиб, Россия таабалигага ўтиш истагини билдирган ва рус подшосига ариза берган⁴.

У ўз аризасида бошқа бухороликлар сингари, пичанзор ва ўрмонзорлардан фойдаланишга ҳам ижозат берилишини сўраган⁵.

Муаллифлардан бири шундай ёзган: “Бухоро ва Тошкентдан жуда катта савдо карвони Тарага қатнаган. Улар савдо

¹ Государственный архив Тобольска, ф. 431, оп. I, д. 209, л. 2-2.

² Ўша жойда, 1-бет.

³ Ўша жойда, ф. 341, оп. 1, д. 209, л. 5-5.

⁴ Ўша жойда. 341, оп. 1.д. 15, л. 6.

⁵ Ўша жойда.

алоқаларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида оила билан доимий яшаш учун Тарага ўрнашганлар. Уларнинг савдогар ва ҳунармандлардан иборат авлодлари ҳозирда ҳам ўзларининг алоҳида волостларини тузиб яшамоқдалар¹.

Сибирга ўрнашувчи бухоролик ва тошкентликларга уй-жой қуриш ва ер эгаллаш каби имтиёзлар берилган бўлиб, бу, шубҳасиз, улар сонининг кўпайишида муҳим роль ўйнаган. Бухоролик ва тошкентликлар фақат Тобольск, Тара ва Тюмендагина эмас, балки Сибирга ҳам жойлашиб, Россия қарамоғига ўтганлар. Жумладан, Петропавловск, Семипалатинск ва Усть-Каменогорскка тошкентликлар XVIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан кўплаб ўрнаша бошлаганлар. Рус ҳукумати бухоролик ва тошкентликларнинг Сибирь линиясида турғун бўлиб қолиши учун бир қатор тадбирларни амалга оширди. Масалан, 1789 йилда Давлат кенгаши бир гуруҳ бухоролик ва тошкентликларнинг Сибирь линиясига ўрнашиши ҳақидаги илтимосини қондириб, уларни Россия таабалига қабул қилди ҳамда уларга ер ажратиб бериб, масжид қуришга рухсат берди².

Бухоролик ва тошкентликларнинг масжид қуриш учун ижозат берилишига қараганда, уларнинг сони анча кўпайган. Ушбу фармонга асосан тошкентликлар Усть-Каменогорск шаҳрига жойлашганлар³.

Сибирга ўрнашувчи кишилар ҳам кўрсатилган тартиб асосида Россия таабалигига қабул қилинган. 1788 йилда тошкентлик Султонхўжа Муҳамедовнинг Петропавловскка ўрнашиши қуйидагича бўлган эди:

«Олий ҳазрат ҳокими мутлақ Улуф император Екатерина Алексеевна – Бутунроссия шоҳига. Тошкентлик Султон Муҳаммадхўжа Муҳамедов илтимос қиламан. Илтимосномам қуйидагилардан иборат:

¹ Колмогоров Гр. Город Тара и его округ Тобольской губернии. Журналъ МВД, часть 20, СПб, 1856, с. 7.

² Архив государственного совета, том I, СПб., 1869, с. 264.

³ ЦГИА Казахстана, ф. 478, с. 4, д. 36, л. 20-21.

Мен 1788 йилда савдо қилиш учун Тошкентдан Россияга келдим ва авлиё Петр қалъасида бўлганимда, Сиз, император ҳазрати олийларининг Россияга кўчиб келган барча бухоролик ва тошкентликларга уй-жой қуришга, ер-мулкка эга бўлишга, эркин савдо қилишга рухсат беришингизни билдим, шунинг учун Сиз ҳазрати олийларидан Россия империяси фуқароси бўлишимга ва авлиё Петр қалъасида Россиядаги бошқа динлиларга берилган ҳуқуқларга мувофиқ яшашимга рухсат этишингизни илтимос қиламан...»¹.

Бундан кўринадики, Россия фуқаролигига қабул қилинишга оид ҳужжатларга қараганда, ҳар бир кишидан ёзма равишда қасамёд олинган.

Қасамёдда Рус давлатига, императорига содиқ бўлиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи қўйилар эди². Лекин қасамёдда Россия фуқаролигига ўтувчи кишилар учун ҳеч қандай оғир мажбурият юкланмас эди. Шунинг учун ҳам кўпгина тошкентликлар ҳеч қандай қийинчиликсиз Сибирь линиясига ўрнашдилар. Натижада Петропавловск, Семипалатинск ва Усть-Каменогорск каби жойларда тошкентликлар яшайдиган алоҳида маҳаллалар вужудга келди. Баъзи архив ҳужжатларига қараганда, Иртиш дарёсига яқин жойдаги ҳарбий истеҳкомлар орасида «Тошкент слободкаси» ташкил этилган³. Бу ерда ҳам анчагина тошкентликлар яшаган⁴. 1792 йилда наманганлик Турсунмамат Ниёзов⁵, 1795 йилда бухоролик Обидхўжа Ашуров⁶, 1833 йилда Бухоронинг Ғиждувон туманидан келган Ҳисомиддин Холидов оиласи билан⁷ Сибирь линиясига ўрнашганлар.

¹ Государственный архив Тобольска, ф. 341, оп. I, д. 15, л. 15.

² Ўша жойда.

³ ЦГИА Казахстана, ф. 338, оп. 1, д. 735, л. 9, 16.

⁴ Ўша жойда, 2-бет.

⁵ Государственный архив Тобольска, ф. 341, оп. 1, д. 177, л. 2.

⁶ Ўша жойда, 8-бет.

⁷ ЦГИА Казахстана, ф. 338, оп. I, д. 209, л. 1.

Шунингдек, кўчманчилар томонидан асирликка олинган ёки уларнинг қўл остидаги шаҳарларда истеҳкомат килувчи кишилар яшаш учун қулайроқ шароит излаб, Сибирга ўрнашар эдилар. Чунончи, Иоган Готтлибнинг кўрсатишича, Сибирь шаҳарларидаги бухороликлар у ерда қолиб кетган Бухоро карвонларидан тарқалган одамлар бўлиб, ҳозир ҳам бухоролик савдогарлар ва уларнинг гумашталари ҳисобига анча кўпайиб бормоқда, татарлар орасида тарқалган бухороликлар орасида қирғизлар (қозоқ)дан Россияга қочиб ўтган одамлар ҳам бор¹.

Бу масала ҳақидаги иккинчи бир манбада Сибирга ўрнашган бухоролик ва тошкентликлар орасида савдогарлардан ташқари, «муҳтожлик ёки ўз ватанидаги қувғинлик натижасида» Россия фуқаролигига ўтган кишилар бўлган², – дейилади.

Кўчманчилар асирлигидан Сибирга қочиб ўтган бухороликлар ҳақида ҳам айрим маълумотларга эгамиз. Масалан, 1791 йилда Сибирь линиясининг бошлиғи генерал-майор Штардманнинг Тобольск маҳкамасига юборган ахборотига қараганда, қозоқлардан қочиб келган бухоролик Рафиқ Абдулваҳобов Сибирга ўрнашиш истагини изҳор қилган³. Бу киши ўз аризасида шундай деган:

«Олий ҳазрат ҳокими мутлақ улуғ император Екатерина Алексеевна – Бутунроссия шоҳига қозоқ асирлигидан қочган мен бухоролик Рафиқ Абдулваҳобов илтимос қиламан. Илтимосим қуйидагилардан иборат: Мен ўн йилча аввал Бухорода яшар эдим, далага чиқиб ишлаб қайтиб келаётганимда қозоқлар ҳужум қилди. Олтита одамни асир қилиб олдилар ва мени Тўхтагул Ўрта Ўрдасидаги старшина Чибек Ботирга қарашли қозоқ Бокир тўрага сотдилар, у ердан

¹ Георг Иоган Готлиб. Ўша асар, 622-бет; «Географический словарь Российской империи, сочинено в настоящем оного виде», часть 1 СПб., 1801, с. 622.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге. ф. 1264, оп. 1, д. 218, л. 3.

³ Государственный архив Тобольска, ф. 341, оп. 1, д. 209, л. 7.

умримнинг охиригача шу ерда яшаш учун Россияга қочиб келдим. Ёшим йигирма бешда.

Тобольск шаҳрида Сиз – император ҳазрати олийларининг фуқароси бўлиб яшовчи қариндошим билан мен, бухоролик Рафиқ Абдулваҳобов бир умр Сизга содиқ фуқаро бўлиб яшашни истайман.

Император ҳазрати олийларининг олий фармонлари билан менинг шу илтимосномам қабул қилинса, деб...»¹.

Ариза Тобольск маҳкамасида кўрилиб, бухоролик Рафиқ Абдулваҳобовнинг Тобольскдаги қариндоши Курмашаков билан биргаликда яшаш ва Россия фуқаролигига ўтиш истаги қондирилди². Шунингдек, улардан ҳам қасамёд олинди³.

Бухоролик ва тошкентликларни Сибирга жалб қилишда у ерга олдин ўрнашган ва Ўрта Осиё билан мунтазам савдо қилаётган бухороликлар муҳим роль ўйнаганлар. Улар Ўзбекистон ва Шарқий Туркистонга борган пайтларида рус ҳукматининг бухороликларга берган имтиёзларини тарғиб қилиб, унинг қудратини тарғибот қилганлар⁴. Натижада улар Сибирга кетишга кўплаб кишиларни жалб қилишга эришадилар⁵.

Бундай бухороликларга Сибирь маъмурияти томонидан ҳатто махсус гувоҳномалар ҳам берилган⁶. Архив ҳужжатларига ва адабиёт маълумотларига кўра, бухоролик ва тошкентликлар, асосан, Тобольск, Тюмень, Тара, Томск, Семипалатинск, Петропавловск, Усть-Каменогорск ва Сибирнинг бошқа жойларига ўрнашганлар.

Шундай қилиб, ўзбеклар Ўзбекистонда ўзаро урушлар, чет эл босқинчиларининг тажовузлиги ва зулмнинг зўрайиши натижасида ўз ватанидан бош олиб кетиб, ҳаёт учун

¹ Ўша жойда, 8-бет.

² Ўша жойда, 7-бет.

³ Ўша жойда, 11-бет.

⁴ Потанин Г.Н. О карванной торговле с Бухарой в XVIII столетии, 1868, с. 59.

⁵ Государственный архив Омской области, ф. 2, д. 158, д. 1.

⁶ Ўша жойда.

қулайроқ ва тинч шароит излаб, Сибирга ўрнашган эдилар. Шунингдек, хонликларда идора қилишнинг тарқоқлиги ва у ердаги ўзаро қонли урушлар натижасида савдогарлар ҳам Сибирга ўрнашиб қолган эдилар.

Сибирда бухоролик ва тошкентликлар ғайри расмий равишда «сарт» деб ҳам юритган¹.

Маълумки, XVI – XX асрнинг бошларида ўзбекларнинг ўз она юртидаги нотинчлик, қирғинбаротлардан қочиб кетганликларини бошқа мамлакатликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, улар қочоқлар сифатида Арабистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа жойларга ҳам бориб ўрнашганлар.

Сибирдаги бухоролик ва тошкентликлар савдо, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқа машғулотлар билан шуғулланганлар.

АҲОЛИ СОНИ ВА БУХОРО ВОЛОСТЛАРИ

Кучумхон даврида Сибирга жойлашган бухороликлар сони тўғрисида аниқ бир маълумотлар йўқ. Шунга қарамай, айтиш мумкинки, у пайтларда бухороликлар эндигина Сибирга ўрнашган бўлиб, уларнинг сони ҳали унчалик кўп эмас эди.

Россия Сибирни босиб олгандан кейин у ерга ўрнашувчи бухороликлар сони вақт ўтиши билан аста-секин кўпайиб борди. Ҳар ҳолда, XVII асрнинг биринчи ярмида Сибирда бухороликлар унча кўп бўлмаган. Чунончи, 1624 йилги маълумотларга кўра, Иртиш дарёси бўйида 21 нафар бухоролик (эркаклар) деҳқончилик билан шуғулланган. Буларнинг аёллари ҳам ҳисобга олинса, улар сони кўрсатилгандан ортиқ бўлиб чиқади.

1613–1632 йилларда Тобольскда 59 нафар эркак бухоролик бўлганлиги маълум². 1636 йилда эса уларнинг умумий сони 44 киши ҳисобланган³. У вақтларда катта ёшдаги эркаклар сони

¹ Георг Иоган Готлиб, ўша асар, 74-бет.

² Россия, ф. Сибирский приказ, ст-ц № 81. л. 60.

³ Ўша жойда

ҳисобга олинган. Шунинг назарга олиб, кўрсатилган миқдорда хотин ва болалар кўшилса, бухороликларнинг умумий сони тахминан 150–200 киши атрофида бўлиб чиқади. Маълумки, бу вақтларда Тюмень ва Тарада ҳам бухороликлар яшаганлар, ammo уларнинг сони тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

1662 йилда Тюменда катта ёнғин бўлиб, ёнган уйлар тўғрисида рус подшосига ёзилган хабарда русларнинг 23 уйи, татар ва бухороликларнинг эса 83 уйи куйиб кетганлиги айtilган¹.

1687 йилга тегишли иккинчи ҳужжатда Тюмень шаҳрида 28 бухоролик (эркаклар)нинг яшаганлиги айtilган. Маҳаллий ҳокимият баъзи вақтларда деҳқончилик билан шуғулланувчи бухороликларни рўйхатга олган. Шу туфайли уларнинг сони ҳақида тўла бўлмаган маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, 1690 йилда Тарада 34 оила², 1689 йилда Тюменда 23 оила³ деҳқончилик билан шуғулланган. Ammo бу рақамлар деҳқончилик қилувчи бухороликларнинг ҳаммасини акс эттирмайди. Чунки улар сотиб олинган ёки гаровга олинган ерларда ишлайдиган бухороликларни ўз ичига олади, холос. 1700 йилда Тюменда 56 оила деҳқончилик билан банд бўлган⁴.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва бундан кейинги вақтларда бухороликлар кўпайиб борган. Бу табиий ҳолдир. Чунки бу вақтларда Ўзбекистон билан Сибирь ўртасида савдо алоқалари кучайиб, ҳар икки томон бир-бири билан анча яқинлашди. Сибирга ўрнашувчи бухороликларга рус ҳукумати томонидан бериладиган имтиёзлар тўғрисидаги хабар Ўзбекистон бўйлаб тарқалди. Бунда, айниқса, Сибирга ўрнашган бухоролик савдогарлар муҳим ўрин эгаллади. 1761 йилги рўйхатда Тара атрофида 669 ва шаҳарнинг ўзида эса 105 нафар бухоролик борлиги қайд қилинган⁵. 1763 йилда

¹ Архив Академии наук России, ф. 21, оп. 4. д. 9, л. 97.

² Ўша жойда, 104-бет

³ ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ, д. 972, л. 121-133.

⁴ Ўша жойда, д. 828, л. 35-44.

⁵ «Полное собрание ученых путешествий по России, издаваемое Академиею наук», «Записи путешествий академика Фалька», СПб., 1824, том У1, стр 387; Г.Н.Потанин, ўша асар, 51-бет.

Тюменда 502 бухоролик бўлган¹, 1771 йилда эса уларнинг сони 608 киши ҳисобланган².

Кўрсатилган рақамлар фақат эркакларни ўз ичига олиб бухороликларнинг умумий сонини ифода этмайди. 1787 йилда Тюмень маҳаллий ҳокимияти томонидан олинган рўйхатга кўра, у ердаги бухороликларнинг умумий сони бир ярим минг кишидан ошиқроқ (7-жадвал)³ бўлган.

**Тюмендаги бухороликларнинг умумий сони
(1781 йил)**

7-жадвал

Қишлоқлар	Эркаклар сони	Аёллар сони	Жами
Оқёр	72	100	172
Малёр	33	35	68
Тархон	6	12	18
Ембасев	272	253	525
Тураев	179	168	347
Каскора	48	50	98
Ясовул	18	17	35
Шикчин	9	15	24
Андреев	9	7	16
Козаров	35	32	67
Новошабобин	54	56	110
Варвар	34	30	64
Жами:	779	775	1554

Кўриниб турибдики, Тюменда эркакларнинг сони 779, аёлларники 775, жами 1554 кишини ташкил этган Ембаев, Тураев ва Оқёр сингари қишлоқлар аҳолининг сони жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллаганлар.

¹ «Полное собрание ученых путешествий по России», с. 347.

² Дневник записов путешествия Ивана Лепехина, академика и медицинского доктора... по разным провинциям Российского государства в 1771 г., часть 3, СПб., 1780, с. 4.

³ Государственный архив Тобольска, ф. 154, оп. 12/151, д. 609. л. 12, 13, 27, 33, 38, 133.

Тюменда бухороликлар, асосан, Ембоев, Тўраев, Оқёр, Новошабин қишлоқларида яшаганлар.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярми мобайнида Тюменда бухороликларнинг сони анча ошди, буни 1850 йилга доир маълумотлар (8-жадвал) исботлайди¹.

**Тюмендаги бухороликларнинг умумий сони
(1850 йил)**

8-жадвал

Қишлоқлар	Эркалар сони	Аёллар сони	Жами
Мадёр	123	115	238
Новошабин	117	116	233
Ясовул	29	26	55
Козаров	50	51	101
Искин	53	52	105
Ембсёв	408	393	806
Тўраев	334	316	550
Каскора	94	78	172
Шикчин	5	3	8
Акушаев	6	3	9
Андреев	4	7	11
Салаир	15	15	30
Оқёр	166	128	294
Жами	1404	01301	2705

XIX асрнинг биринчи ярмида аҳолининг сони (8-жадвал) 2705 кишига етди. Бу вақтларга келиб, оз бўлса-да, Акушев ва Салаир сингари қишлоқларда ҳам бухороликларнинг хўжаликлари юзага келди. Шу билан бир қаторда айрим қишлоқларда, жумладан, Шикчинда бухороликлар сони озайди. Сабаб бу қишлоқларга янгидан келган кишиларнинг ўрнашмаганлиги эди.

¹ Ўша жойда.

Сибирда бухороликларнинг кўп ўрнашган иккинчи бир жойи Тара бўлган. Бу ердаги бухороликлар 13 қишлоққа жойлашиб, 350 дан ортиқ хонадонни ташкил (9-жадвал) этган. Шунингдек, шаҳарда ҳам 20 дан ортиқ бухороликларнинг хонадони бўлган¹.

**Тарадаги бухороликларнинг умумий сони
(1834-1850 йил)**

9-жадвал

Қишлоқлар	1834 йил			1850 йил		
	Эркаклар сони	Аёллар сони	Жами	Эркаклар сони	Аёллар сони	Жами
Сабеяков	179	182	361	211	200	411
Сеитов	171	158	329	194	189	383
Туралин	64	61	125	78	65	143
Ражабов	159	138	297	148	140	288
Айтешев	16	10	16	16	9	25
Киргап	56	39	95	71	69	140
Усть-Тара	35	24	59	52	42	96
Иткул	33	30	63	34	35	66
Тусқозон	240	191	431	294	251	545
Черналиш	6	-	6	52	46	98
Тоқсой	47	42	89	52	62	114
Авбаткан	131	139	270	212	206	418
Тара шаҳри	62	64	126*	89	88	177
Ататск	45	42	-	53	54	107
Казатов	-	-	-	31	31	62
Жами	1391	1120	2511	1587	1487	3074

Бинобарин, қишлоқларда 1834 йилда 2511 ва 1850 йилда 3074 киши яшаган. Тарадаги Сабеяков, Сеитов, Ражабов, Авбаткан ва Тусқозон каби қишлоқларда кўп аҳоли истиқомат қилган. 1850 йилга келиб, бухороликлар Ататск ва Казатов каби қишлоқларига ҳам ўрнашганлар.

Бухороликлар, айниқса, Тобольскда жуда кўп қишлоқларга тарқалиб кетган эди. 1850 йилги халқ рўйхатига

¹ Государственный архив Тобольска, ф, 154. Оп. 12. (151), д.454, л. 19-153, д. 638, л. 12-133.

(10-жадвал) қараганда, улар 47 қишлоқлари бор эди¹. Айрим қишлоқларда, ҳатто, 1-10 бухоролик яшарди.

**Тобольскдаги бухороликларнинг умумий сони
(1850 йил)**

10-жадвал

Қишлоқлар	Эркаklar сони	Аёллар сони	Жами
Заостроний	7	2	9
Бундалинск	17	27	44
Исенея	70	75	145
Пушниятск	22	12	33
Ирғишат	80	69	149
Тачимов	54	63	117
Саускан	161	144	305
Кумаров	134	128	162
Арапов	8	2	10
Епанчин	83	27	165
Шамин	22	13	35
Куларов	3	—	3
Бактгарин	32	25	57
Кобятск	3	3	6
Вагай	116	97	213
Уткармин	47	30	77
Казилбой	13	10	23
Салинск	24	25	49
Қулмамат	89	70	159
Баишев	1	—	1
Бегишев	23	12	35
Черторайск	18	16	34
Балахлейск	11	6	17
Тляшев	22	18	40
Нових	24	9	33
Суприн	9	6	15
Истят	10	6	16
Реньчиков	11	8	19
Агитск	24	18	34
Ашлик	10	17	27
Сабачкин	3	5	8
Сузаун	16	14	30
Абизов	6	6	12
Иштаман	79	60	139
Аремзян	20	24	44

¹ Государственный архив Тобольска, ф, 154, 12. (151), д. 561, л. 1-2.

Медян	85	80	165
Скулем	39	28	67
Миримов	110	120	230
Варваринск	48	48	96
Башмат	49	35	84
Кагангуй	39	28	67
Таутаматов	21	10	31
Чебурдинск	13	8	21
Таболтуринск	17	24	41
Тархан	6	6	12
Ишсеев	7	5	12
Турбинск	6	3	9
Тобольск ш.	36	32	86
Жами	1748	1524	3272

Шундай қилиб, 1850 йилги рўйхатга биноан, Тюменда 2705, Тарада 3074 ва Тобольскда 3272 нафар бухоролик яшаган. Уларнинг жами эса 9051 кишини ташкил этган, аммо бу рақам Сибирда яшовчи бухороликларнинг тўлиқ ҳисобини бермайди. Чунончи, бу вақтларда улар Петропавловск, Семипалатинск, Усть-Каменогорск ва Ишим каби жойларда истиқомат қилганлар. Шунингдек, улар XVII–XVIII асрларда Томскка ҳам ўрнашишган эди. Академик Фалькнинг кўрсатишича, 1771 йилда Томск шаҳрида бухороликлар яшаган. Аммо у буларнинг қанча эканлигини аниқлай олмаган. Унинг таъкидлашича: «Томскда бухороликлар ва татарлар сони аниқ эмас, лекин уларни 200 киши деб ҳисоблаганлар»¹.

XIX аср бошларидаги маълумотларга қараганда, Томск губерниясида 199 бухоролик ҳаёт кечирган². Кейинги вақтларда эса уларнинг сони бирмунча ошиб борган. Масалан, 1840 йилда у ерда ҳаммаси бўлиб, 267 бухоролик яшаган³, 1850 йилда уларнинг сони 300 кишига етган⁴ 1858 йилда эса 307 кишига кўпайган⁵. Ишим уездидаги Тошкент номидаги қишлоқда 37 тошкентликлар ўрнашган эди.

¹ Полное собрание ученых путешествий по России., с. 54.

² Статистическое обозрение в Сибири», СПб., 1810, с. 286.

³ «Томские губернские ведомости», 1865, № 32.

⁴ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1265, оп. 1, д. 89, л. 159.

⁵ Томские губернские ведомости». 1865, № 32.

XIX асрнинг 30-йилларида Туринскда 12 бухороликнинг яшаганлиги рўйхатга олинган¹. Нердински волостида 1858 йилда 173 ва 1886 йилда 192 бухороликлар яшаганлар.

Тошкентликлар Сибирь линияларига асосан, XVIII асрнинг учинчи чорагидан ўрнаша бошлаганлар. XIX асрнинг 10-йилларига оид маълумотларга кўра, Семипалатинскнинг ўзида 354 тошкентлик яшаб, улар 148 хонадонни ташкил этган². Аммо буларнинг кўпи ҳали Россия таабалигига ўтмай, «чет элликлар» номи билан савдо қилиб юрган. Кейинчалик уларнинг маълум қисми ўз ватанига қайтган. Шу сабабли бўлса керак, 1824 йилда Россия таабалигидаги тошкентлик эркалар сони 185 киши ҳисобланган³.

Семипалатинскдан 150 чақирим наридаги Алжан ва Аркат тоғларида 680 тошкентлик яшаб, 210 хонадонни ташкил этган⁴.

Умуман олганда, Семипалатинск шаҳри ва унинг атрофида яшовчи тошкентликлар сони 1000 кишидан ошиб кетган. Булардан ташқари, Бухтарминск станицасида ва Усть-Каменогорск шаҳрида қарийб 250 тошкентлик ўрнашган⁵.

Хуллас, XIX аср ўртасида Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг умумий сони ўн ёки ўн бир минг киши ўртасида бўлган, деган фикрга келиш мумкин.

1897 йилда ўтказилган УмумРоссия аҳоли рўйхати Сибирдаги бухороликлар сони тўғрисида маълумот (11-жадвал) беради⁶.

¹ Государственный архив Ирбига, ф. 98, оп. 1, д. 207, л. 12, 207.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1265, № 32..

³ Государственный архив Омской области. ф. 3, оп. 1, д. 300, л. 176-179.

⁴ «Тобольские губернские ведомости», 1863, № 14.

⁵ Государственный архив Омской области, ф. 3. Оп. 1 д. 300 л. 193, 198.

⁶ «Статистические данные, показывающие племянной состав населения в Сибири» СПб, 1912. Том 1.

Сибирдаги бухороликларнинг умумий сони (1897 йил)

II-жадвал

Губерния ва областлар	Сибирдаги бухороликлар		
	Эркаклар	Аёллар	Жами
Ғарбий Сибирь			
Тобольск губернияси	5519	5788	11307
Шу жумладан: шаҳарларда	203	149	352
Қишлоқларда	5316	5639	10955
Томск губернияси	152	142	294
Шу жумладан: шаҳарларда	51	51	102
Қишлоқларда	101	91	192
Ғарбий Сибирда (жами)	5671	5930	11601
Шу жумладан: шаҳарларда	254	200	454
Қишлоқларда	5417	5730	11147
Шарқий Сибир			
Енисей губернияси	10	-	10
Шу жумладан: шаҳарларда	2	-	2
Қишлоқларда	8	-	8
Иркутск губернияси	14	-	14
Шу жумладан: шаҳарларда	6	-	6
Қишлоқларда	8	-	8
Забайкал области	12	3	15
Шу жумладан: шаҳарларда	-	-	-
Қишлоқларда	12	3	15
Ёкут области	2	-	2
Шу жумладан: шаҳарларда	1	-	1
Қишлоқларда	1	-	1
Амур области	16	-	16
Шу жумладан: шаҳарларда	3	-	3
Қишлоқларда	13	-	13
Примор области	1	-	1
Сахалин оролларида	-	3	-
Шарқий Сибирда (жами)	55	-	58
Шу жумладан: шаҳарларда	13	3	13
Қишлоқларда	42	-	45
Жами	5726	5933	11656

XIX аср охирларига келиб, Сибирда бухороликлар сони анча кўпайган. Шунингдек, улар Сибирнинг узоқ жойларда ҳам яшай бошлаганлар. Аммо шунга қарамай, бухороликларнинг асосий қисми ҳамон Тобольск, Тюмень ва Тарада яшамоқда эди. Юқоридаги рўйхатга кўра, бухороликларнинг умумий сони 1897 йилда 11659 кишига борган. Уларнинг 5726 таси эркаклар, 5933 таси эса аёллар бўлган. Бу маълумотни Сибирь этнография харитасини тузувчилар (1923 йил) аниқ эмас, дейдилар. Уларнинг кўрсатишича, рўйхат вақтида бухоролик эркакларнинг бир қисми татарларга қўшиб юборилган¹. Бу хато кейинги вақтдаги умумий халқ рўйхатида, яъни 1926 йилда тузатилган бўлса керак. Чунки бу йилдаги рўйхатда бухороликлар 15000 кишига яқин ҳисобланган².

Аммо бу гал ҳам хатога йўл қўйилди. Зеро, архивда сақланаётган умумхалқ рўйхатига тегишли маълумотнинг кўрсатишича, 1926 йилда Тарада бир неча минг бухороликлар истиқомат қилганлар. Бу ҳақда қуйидаги 12-жадвал далолат беради. Бунда Тарадаги бухороликлар сони 11.575 кишини ташкил этиб, мазкур кўрсаткич бошқа жойлардаги бухороликлар сонига қўшилса, умумий қиймат 20.000 кишидан ошиб кетади. Бу вақтда бухороликларнинг 50 қишлоғи, 14 мактаби ва бир неча ёғ заводлари бор эди.

¹ «Объяснительная записка к этнографическим картам Сибири», Л., 1923, с. 50.

² Шрейдер А.Р., Л.Н.Доброво-Ядревцев. Население Сибирского края. СПб., 1928, с. 20, 23.

12-жадвал

Тара округи- даги аҳоли япайдиган жойларнинг номлари	Қишлоқ номлари	Турар- жой- ларнинг номлари	Турар- жойлар- нинг пайдо бўлган тили	1926 йил руҳат бўйича хўжаликлар сони	1926 руҳат бўйича аҳоли сони			Миллати
					Эркаклар	Аёллар	Аҳолининг умумий сони	
Енғағиц тумани: Казатов Кошқул с.совет ва мактаб бор	Қишлоқ	Кўл	-	64	139	116	255	Бухоролик- лар
	Қишлоқ	Қошқул	-	36	79	64	143	Бухоролик- лар
Кочқул	Қишлоқ	Кочқул	-	45	112	88	200	Бухоролик- лар
Кўчали с.сов. бор	Қишлоқ	Кўчали	-	46	130	112	242	Бухоролик- лар
Уленкул, с.сов. мактаб, кутубхона дўконлар ва ёғ заводи бор	Қишлоқ	Иртип дарё	-	70	153	173	326	Бухоролик- лар
Ангариида	Қишлоқ	Иртип дарё	-	34	68	80	148	Бухоролик- лар
Қорақул	Қишлоқ	Иртип дарё	-	53	114	114	228	Бухоролик- лар
Чернали	-	-	-	81	179	173	352	Бухоролик- лар

Яланкул, с. сов. мактаб, кутубхона, дўконлар ва ёғ заводи бор	Қишлоқ	Манкул	1427	125	259	252	511	Бухоролик- лар
Аубаткан	Қишлоқ	Аубаткан	–	43	86	94	180	Бухоролик- лар
Кумусли	Қишлоқ	Кумусли	–	49	102	97	199	Бухоролик- лар
Екатерин туман: Айт- кулов с. сов. мактаб ва ёғ заводи бор	Қишлоқ	Айткул	1750	81	169	145	314	Бухоролик- лар
Киргап	Қишлоқ	Иртиш дарё	1776	64	132	133	265	Бухоролик- лар
Нижего- родка	Қишлоқ	Иртиш дарё	1912	17	42	52	94	Бухоролик- лар
Ражабов с. сов. ва мак- таб бор	Қишлоқ	Иртиш дарё	1760	71	169	147	316	Бухоролик- лар
Алексеев	–	Уразан дарё	1900	1	1	–	1	Бухоролик- лар
Атак	Қишлоқ	Иртиш дарё	1768	27	64	53	117	Бухоролик- лар
Тимишяков	Қишлоқ	Иртиш дарё	1854	35	79	85	164	Бухоролик- лар

Тайчи, с. сов. кутубхона, мактаб ва ёғ заводи бор	Юрт	Кокши дарё	1820	148	339	330	669	Бухороликлар
Зимний	Юрт	Кокши дарё	1760	28	69	58	127	Бухороликлар
Ново-Казан, мактаб бор	Посёлок	Тылосис ариғи	1922	7	17	18	35	Бухороликлар
Ташеткани, с.сов., мактаб бор	Қишлоқ	Алис дарё	1720	77	233	230	463	Бухороликлар
Утузи, с.сов. ва мактаб бор	Юрт	Старцанокўли	1703	110	308	287	595	Бухороликлар
Катта-тебенди, с.сов, мактаб бор	Юрт	Иртиш дарё	1472	87	201	206	407	Бухороликлар
Кичик-тебенди	Юрт	Иртиш дарё	1872	13	38	40	78	Бухороликлар
Саургач	Қишлоқ	Иртиш дарё	1676	90	219	200	419	Бухороликлар
Элчибор, с.сов. ва мактаб бор	Қишлоқ	Иртиш дарё	1400	97	216	210	426	Бухороликлар
Космаков	Юрт	Иртиш дарё	—	41	91	92	183	Бухороликлар
Берестинов	Юрт	Кауст дарё	1846	24	53	57	110	Бухороликлар

Жадвалдан аёнки, уларга тегишли айрим юртларининг пайдо бўлиши узоқ ўтмиш даврларга бориб тақалади. Масалан, Ашёван – 1226 йилда, Елчибоғ – 1400 йилда, Луговоаёв – 1400 йилда, Яланқул – 1427 йилда, Каттатегинди – 1472 йилда, Тюрмитяк – 1526 йилда ва Саргайка – 1540 йилда, яъни чор ҳукумати давридан анча илгарилари юзага келган эди. Бу бухороликларнинг Сибирь билан алоқаси юз йиллар илгари ҳам самарали кечиб, турар-жойлари ташкил топганлигини кўрсатади. Тайчи (669 киши), Утузи (595 киши), Элч-боғ (426 киши), Билиш Тебенди (407 киши) ва Улекул (326 киши) сингари юртлар энг йириклари ҳисобланган.

Шундай қилиб, асосан, XVI–XVIII асрлар, бундан сўнгги даврларда бухоролик ва тошкентликлар катта-катта гуруҳ ва якка ҳолда Сибирнинг ичкарисига ўрнаша бордилар. Петропавловск, Семипалатинск, Усть-Каменогорск каби жойларга эса бухоролик ва тошкентликлар, асосан, XIX асрнинг биринчи ярмида ўрнашадилар. Бу вақтларда Тобольск, Тюмень ва Тара сингари жойларга унчалик кўп киши ўрнашмади.

Сибирь ичкариси ва линиялари (чети)да яшовчи бухоролик ва тошкентликлар бир-бирларидан узоқ масофада яшган бўлсалар ҳам, улар рус ҳукумати томонидан берилган имтиёزلардан барабар фойдаландилар. Рус ҳукумати ҳам ўзининг расмий ҳужжатларида уларнинг бир халқ эканлигини тан олиб, бухоролик ва тошкентликларга бирдай муносабатда бўлди.

Уларнинг бошқариш услуби ҳақида шуни айтиш лозимки, Сибирга даставвал ўрнашган вақтларидаёқ оқсоқоллари бўлган. Ички масалалар ва рус маҳаллий ҳокимияти билан муносабат оқсоқол орқали ҳал қилинган.

XVII асрнинг 60-йилларида Сибир бўйлаб саёҳат қилган бир европаликнинг кўрсатишича, бухороликлар ўз оқсоқолини бир йил муддат билан сайлаганлар. Шу муддат ўтгандан кейин эса бошқа оқсоқол сайланган¹. Афтидан, оқсоқол-

¹ Алексеев М.Г. Сибирь в известиях иностранных путешественников и писателей XVI-XVII вв., Иркутск, 1941, с 35.

лар ҳар йили қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бериб турган ва қилган ишларига қараб, у ўз вазифасида қолдирилган ёки бўшатирилган.

Афсуски, уларнинг оқсоқоллари тўғрисида маълумотлар йўқ. Шунинг учун бухороликлар идора услуби тўғрисида фикр юргизиши қийин. Лекин шуни айтиш мумкинки, уларнинг идора тартиблари Ўзбекистондаги тартиблардан фарқ қилмаган. Буни оқсоқол мансабининг таъсис этилиши, шунингдек, XIX аср бошларида вужудга келган бухороликлар волостларининг тузилиши исботлайди.

Бутун XVII–XVIII асрлар давомида бундан кейинги йилларда ҳам оқсоқоллар рус маҳаллий ҳокимияти билан бухороликлар ўртасидаги муносабатда муҳим воситачилик ролини ўйнади. 1787 йилда бухороликларга алоҳида маҳаллий бошқариш тизимини тузиш ва ўз она тилида иш кўрувчи судларни ташкил этиш учун рухсат берилди. Бу имтиёз 1822 йилда рус ҳукумати томонидан янгидан тасдиқланди. Натижада Тюмень, Тобольск ва Тарада бир-бирларидан мустақил бўлган «Бухоро волостлари» вужудга келди. Бу вақтларгача бухороликлар шаҳар маҳкамаси (ратуша) томонидан бошқариб турилган эди. Бухоро волостлари тепасида оқсоқол туриб, унинг ёрдамчиси ва котиби бўлган. Волостлар тузилиши кўриниш жиҳатидан рус ёки татарлар волостларидан фарқ қилмаган. Аммо уларда суд ишлари бевосита дин пешво (қози)лари иштирокида, яъни «шариат» асосида қурилган ва ҳал қилинган. Волостларнинг раҳбарлари аҳолининг урф-одатлари, миллий анъаналари асосида иш олиб бориб, ҳукуматнинг давлат манфаатларига қаратилган кўрсатмаларини ўз ҳудудида амалга оширган ҳамда бухороликлар манфаати ва имтиёзларини ҳимоя қилганлар.

Волостлар билан бир қаторда, бухороликларнинг «савдо жамиятлари» ҳам пайдо бўлди ва бу Сибирнинг ички ва ташқи савдосида тутган мавқеини сақлашда муҳим роль ўйнади. Жамият аъзолари савдо-сотиқ билан шуғул-

ланувчи кишилардан иборат бўлиб, улар ҳам волостнинг юқори табақаси ҳисобланган. Шунинг учун савдогарлар ҳукумат томонидан берилган имтиёزلардан тўла фойдаланиш имконига эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан кучайиб бордилар.

САВДО-ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Бухороликлар Кучумхон давридаёқ Сибирнинг маҳаллий аҳолиси билан алоқа ўрнатган эдилар. «Бу вақтларда бухоролик савдогарлар, – дейилганди бир асарда, – мамлакатнинг шимолий чеккасигача кириб борар ва воғуллар ҳамда самоедлардан, балки остякларнинг ўзидан мўйнали моллар сотиб олардилар...»¹. Шу равишда бухороликлар Ўзбекистондан келтирган моллари эвазига Сибирдан қимматли мўйналарга алмаштириб, ватанга кайтишарди. Бухороликларнинг савдо фаолияти Сибирь Россияга қўшиб олингандан сўнг янада кучайди. Бу ҳолат Сибирь билан Бухоро ва Хива хонлиги ўртасидаги савдонинг ривожланишига анча таъсир кўрсатди². Бухороликлар Ўзбек молларидан ташқари, маҳаллий моллар билан бўладиган савдони ҳам тобора ўз қўлларида тўшлаб бордилар.

Бухороликларнинг савдо фаолиятига доир айрим ҳужжатларга қараганда, 1638 йилда Тобольскда 29 бухоролик 3106 сўмлик мўйна ва бошқа моллар билан савдо қилган. Улар орасида кўзга кўринган савдогарлар ҳам бўлган. Бунга А.Бабазеевнинг 1356 сўмлик ва А.Боқиевнинг 523 сўмлик мол билан савдо қилишлари мисол бўла олади³.

Хуллас, 1633–1635 йилларда Тобольскдаги бухороликлар савдосининг жами 7672 сўмни ташкил этган⁴. Бу ўша давр учун анча йирик маблағдир.

¹ «Живописное путешествие по Азии». – М., 1839, 1, с. 58.

² «Тобольские губернские ведомости», 1861, № 36.

³ ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ ст-ц № 81, л. 41.

⁴ Ўша жойда.

Бухороликларнинг Сибирдаги савдо фаолияти шу даражада жонланган эдики, ҳатто, уларнинг Тобольскда махсус дўконлари XVII асрнинг бошлариданоқ вужудга келган эди. Чунончи, Тобольск шаҳрининг 1623 йилги рўйхатида Тобольскда бир қанча бухороликларнинг дўконлари бўлгани кўрсатилади¹.

Тобольскда бухороликларнинг махсус савдо дўконлари бўлганлигини 1633–1635 йилларга доир архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди². 1637–1638 йилларга оид Тобольск божхона китобларига кўра, бухороликлар у ерда турли молларни сотганлар³. Руслар ва бошқа савдогарларнинг мўйналарни ва шунинг сингари маҳаллий молларни кўпинча бухороликлардан сотиб олганликлари божхона китобларида қайд қилинган. Вяткалик савдогар Сидерконнинг айтишича, у «Тобольскдаги бухоролик Аваз Боқиевдан икки юз олтмиш сўмга тўқсон саккизта лось териси, яна бухоролик Жукузейдан йигирма тўрт сўмга ўнта лось териси сотиб олган...»⁴.

Бухороликлар Сибирдаги шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларини турли хил моллар билан таъминлаб турганлар. Жумладан, 1658 йилда бухоролик Нодир Боқиев Березовскдан 3630 та олмахон, 45 та сувсар, 160 оқсичқон ва 23 та тулки мўйнасини Тобольскка келтирган⁵. Бу 1660 йилги божхона китобида ҳам қайд қилинган⁶.

Ушбу божхона китобида бухороликларнинг Тюмендан Тобольскка мол олиб келганлиги рўйхатга олинган⁷. 1662 йилда тузилган божхона китобида бир бухоролик савдо-

¹ Ўша жойда, кн. 3, л. 34-35 об.

² Ўша жойда.

³ Россия, ф. Сибирский приказ, Тобольские таможенные книги, № 88.

⁴ Ўша жойда, л. 1-9.

⁵ Ўша жойда, № 231, л. 439.

⁶ Ўша жойда, № 410, л. 5. Ўша жойда, № 410, л. 138

⁷ Ўша жойда, № 410, л. 138.

гарнинг Сургутдан 3000 та олмахон, 25 та тулки мўйнасини Тобольскка келтиргани кўрсатилган¹. Шунингдек, яна бошқа бир бухороликнинг ҳам Сургутдан Тобольскка мол олиб келганлиги қайд этилган². Бухороликлар мўйналардан³ ташқари бозори чаққон молларни ҳам Тобольскка келтирар эдилар, масалан, 1676 йили уч бухоролик бир куннинг ўзидаёқ Верхотурскдан 16 пуд асал, 55 та қизил чарм ва 120 газ мовут олиб келганлар⁴. Бу вақтда иккинчи бир бухоролик Сургутдан 107 тулки, 500 олмахон ва оқсичқон мўйнасини келтирган.

Бу вақтларда Тобольск шаҳри йирик савдо маркази ҳисобланиб, бухороликлар бир ойда 10 минг сўмлик моллар билан савдо қилганлар. Бу ўз даври учун катта маблағ эди.

Саёҳатчининг гувоҳлигига кўра, бухороликлар Ўзбекистондан катта қопларга солинган пахта, турли рангдаги газлама, шу жумладан, олтин ва кумуш зарлари билан безатилган атлас ва бошқа ипак газламалар ортилган катта карвонлар билан келиб, Тобольскийда савдо билан шуғулланишган. Улар Тобольскийдаги бозорларда ўзларига тегишли дўконларда савдо қилиб, савдодан жамғарилган пулларга қимматбаҳо мўйналардан харид қилиб, бир йилда икки маротаба келиб кетганлар.

Бухороликларнинг Қозон, Уфа ва Россиянинг ичкараси билан Тобольск ўртасидаги воситачилик роли ҳам диққатга сазовордир. Тобольск божхона китобларида кўрсатилишича, бухороликлар молларни Қозон, Уфа ҳамда Россиянинг бошқа жойларига олиб бориб, бу ерлардан рус молларини кўплаб келтирганлар.

1644 йилда Сибирдан бухороликлар Архангельск шаҳрига кўп миқдорда мол олиб борганларида у ерда маҳаллий ҳокимият вакиллари ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, уларга тўсқинлик қилганлар ва ортиқча бож олганлар. Шу сабаб-

¹ Ўша жойда, № 433, л. 165, 166.

² Ўша жойда, л. 165.

³ Ўша жойда, л. 8, 10, 11, 12, 330.

⁴ Ўша жойда. № 540, л. 205.

ли улар рус подшосига шикоятнома ёзганлар: «...Шоҳимиз, воеводаларинг шаҳарларда бизни, ўз фойдаларини кўзлаб, ушлаб қолмоқдалар, уларнинг ижозатисиз аравани ижарага олишга ва кема харид қилишга рухсат бермайдилар, ҳар бир шаҳарда улар, воеводалар бизлардан, сенинг подшолик йўли солиғингдан икки, уч, тўрт марта ва бундан ҳам кўп бож олмоқдалар.

Бизлар ўтган йили ўз молларимиз билан Архангельскдаги пристанда сенинг хазинангга 1000 сўмдан ортиқ бож тўладик»...¹

Архангельскда олинган бож миқдори ҳисобга олинса, уларнинг жуда кўп маротаба у ерга борганликлари маълум бўлади. Бу ҳол бухороликларнинг Архангельск билан анчадан бери савдо-сотик қилиб келаётганлигидан далолат беради.

Бухороликлар Сибирнинг иккинчи бир муҳим савдо маркази ҳисобланган Тара шаҳрининг ҳам ички ва ташқи савдосида салмоқли ўрин эгаллаган эдилар. Тарада бухороликлар орасидан жуда йирик ва бой савдогарлар етишиб чиққанлиги ҳақида 1645 йилги Тара божхона китобида маълумотлар берилган². Уларнинг маблағлари ҳам катта бўлган. Масалан, Одноқул Панқулаев Тобольскдан 856 сўмлик мовут, қоғоз, мис, шунингдек, ўзбек молларини Тарага келтирган.³ Ўша кишининг Тарага олиб келган моллари орасида араб, эрон газламаларининг ҳам бўлганлиги божхона китобида рўйхатга олинган. Бу нарса Ўзбекистон орқали Сибирга араб, эрон молларининг келтириб турганлиги ҳақида гувоҳлик беради⁴.

Бухороликлар маблағларига қараб, уларнинг Тарадаги савдода тутган ўрнини белгилаш мумкин (1-жадвал)

¹ ЦГАДА России, Сибирский приказ, ст-ц № 134, л. 200

² ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ, Тарские таможенные книги, № 251, л. 44.

³ Ўша жойда, № 174 л. 95, 96.

⁴ Ўша жойда.

1-жадвал

Савдогарлар	1644 й.	1645 й.	1654 й.	1665 й.	1677 й.
Бухороликлар	5229 сўм ¹	3074 сўм ²	3265 сўм ³	1217 сўм ⁴	1237 сўм ⁵

Шунингдек, улар Тюменда ҳам салмоқли ўрин эгаллаганлар. Бу ҳақда 1647 йилга⁶, 1675 йилга⁷, 1679 йилга⁸, 1680 йилга⁹, 1682 йилга¹⁰, 1685 йилга¹¹, 1695 йилга¹² ва 1683 йилларга¹³ доир Тюмень божхона китоблари маълумот беради. Бухороликлар Тюмень, Верхотурск, Тара, Тобольск, Кузнецк ва Сибирнинг бошқа жойлари ҳамда Қозон ва Бошқирдистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришда фаол қатнашганлар. Масалан, бухороликларнинг 1647 йилда Қозон ва Уфадан Тюменга бир неча марта мол олиб келганлиги божхона китобида қайд қилинган. Бундай бухороликлардан бири Уфадан 30 та қизил чарм, 4 пуд мум ва бошқа молларни олиб келган¹⁴. Кейинги йилларда, яъни 1682 йилда Бойбулатов номли иккинчи бир бухоролик Тюменга 15 та кичик тулки мўйнаси ва 2 пуд мум келтирган. Шу йили бу ерга Ёрматов деган бухоролик савдогар Қозондан 50 та қизил чарм, ипак, ошланган қўй териси ва бошқа молларни келтирган¹⁵.

¹ Ўша жойда, № 174.

² Ўша жойда, № 188.

³ Ўша жойда, № 313.

⁴ Ўша жойда, № 478.

⁵ Ўша жойда, № 634.

⁶ Тюменские таможенные книги.

⁷ Ўша жойда, № 594.

⁸ Ўша жойда, № 666.

⁹ Ўша жойда, № 690.

¹⁰ Ўша жойда, № 779.

¹¹ Ўша жойда, № 764.

¹² Ўша жойда, № 812.

¹³ Ўша жойда, № 1251

¹⁴ Ўша жойда, № 779.л. 216.

¹⁵ Ўша жойда, л. 156. Бир ҳужжатда 1611 йилда Тюмендаги бухоролик савдогар Уфадан Сибирга келганлиги ёзилган. Шубҳасиз, у савдо билан шуғулланган. Архив АН России, ф. 21, оп. 4 № 6, л. 155-бет.

Бундан ташқари, бухороликлар Томскда ҳам савдо-сотик ишларини олиб боришган. Г.Н.Потканиннинг кўрсатишича, XVII асрнинг ўртасида Томскда Сафар номли савдогар лось териси савдосини ўз қўлида тўплаган. Шунингдек, Сафар ва яна бир бухоролик Саидов, Тобольскдан Томскка бугдой келтириб турганлар¹. 1624–1625 йилларда тузилган Томск божхона китобига қараганда, у ерда савдо қилувчиларнинг деярли ҳаммаси бухороликлар бўлган². Булар турли мўйналар ва қорамоллар билан савдо қилганлар³. Бухороликлар Томскка Тара, Тобольск ва бошқа жойлардан турли молларни келтириб турганлар. Жумладан, 1640 йилда Дўстмамат номли бухороликнинг Тарадан Томскка 15 та лось териси ва шунга ўхшаш молларни келтирганлиги божхона китобида рўйхатга олинган⁴. Бу ерга 1654 йилда икки бухоролик савдогар Тобольскдан 490 сўмлик мовут, мум, болталар, ипак, туз, кийим-кечак ва бошқа молларни келтирган⁵.

Томскдан, асосан, турли мўйналар олиб кетилган. 1622 йилда бухоролик икки савдогар Тобольска сувсар, кундуз, оқсичқон ва олмахон мўйналари ва 2 пуд темир олиб келганлар⁶.

XVII асрда Сибирнинг ички бозорида бухороликларнинг муҳим ролини Г.Н.Потанин ҳам ўз вақтида тўғри қайд қилиб ўтган эди⁷.

XVII аср ўрталарида Сибирда бўлган саёҳатчилардан бири Тобольскийдаги бухороликларнинг дўконларини қуйидагича баён этган: «Бухороликлар пахтани катта-катта

¹ Ўша жойда. л. 102.

² ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ. Томские таможенные книги, № 764.

³ Ўша жойда, л.68-69.

⁴ Ўша жойда, № 779.л. 216.

⁵ Ўша жойда, л. 156. Бир ҳужжатда 1611 йилда Тюмендаги бухоролик савдогар Уфадан Сибирга келганлиги ёзилган Шубҳасиз, у савдо билан шуғулланган. Архив АН России, ф. 21, оп. 4 № 6, л. 155-бет.

⁶ Ўша жойда. л. 102.

⁷ Потанин Г.Н. Ўша асар, 51-бет.

бўз қопларда сотадилар. Бундан ташқари улар пахта ипидан қилинган газламалар, зарбоф буюмлар, атлас, йўл-йўл шойилар, шунингдек, арпабодиён, гармдори, долчин, қимматбаҳо тошлар ва бошқа нарсалар сотадилар. Уларнинг Тобольскда ўз дўконлари бор. Мазкур молларни дўконларда очиқ ҳолда сотиб ўтирадилар»¹.

Бухороликларнинг савдо фаолияти XVIII асрда ҳам самарали давом этди. 1701 йил², 1714 йил³ ва 1731 йилларда⁴ бухороликларнинг Тюмендан Тобольскка, Тобольскдан Тюменга⁵ турли молларни олиб борганлиги ҳамда у ердан келтирганликлари рўйхатга олинган.

1730 йили⁶ ва 1732 йилларда⁷ бухороликларнинг Тарадан Тюменга мол келтирганликларини кўрсатувчи ҳужжатлар мавжуд. Бухороликлар бу ерга Туринскдан ҳам мол келтирдилар⁸.

«Бухоро ва Тошкентдан, – дейди муаллиф, – катта карвон Тарага келиб турган. Ўша ерлилар оилалари билан савдони ривожлантириш мақсадида доимий яшаш учун Тарага ўрнашганлар. Улар, асосан, савдо ва ҳунарманд кишилари ҳисобланади. Ҳозирда ҳам ўзларининг алоҳида волостига эга бўлиб, турли моллар, шу жумладан, қимматли мўйналар ва кумуш билан савдо қилмоқдалар»⁹.

Бухороликлар Сибирнинг турли жойларидан Тара ва Тобольск каби йирик шаҳарларга ҳам турли молларни олиб келишган. Айниқса, бухороликлар Ирбит ярмаркасидан

¹ Алексеев М.П. Сибирь в известиях западноевропейских путешественников и писателей в XVI-XVII в. Иркутск, 1941, с 352.

² Государственный архив Тюменской области. ф 29. оп. 1. д. 79, л. 33.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда д. 171, л. 109, 110.

⁵ Ўша жойда, д. 174, л. 27.

⁶ Ўша жойда, д. 146, л. 15-16.

⁷ Ўша жойда, д. 174, л. 5, 4, 16, 23, 26.

⁸ Ўша жойда, д. 244. л. 15.

⁹ Колмогоров Гр. Город Тара и его округ Тобольской губернии. Журнал МВД, часть 20, СПб, 1856, с. 7.

турли моллар олиб, уларни бутун Сибирь бўйлаб сотишган. Масалан, бухороликлар у ердан 1707 йилда¹, 1724 йилда² ва 1733 йилларда³ мовут, мўйна, асал, чарм, қоғоз ва бошқа моллар олиб, Тюмень орқали Тобольскка келтирганлар. Шунингдек, бухороликлар Ирбит ярмаркасида ўзбек⁴ ва Хитой⁵ молларини олиб, уларни турли жойларда сотганлар. Бухороликларнинг Хитой молларини, жумладан, газламаларни ва чойни Кяхтадан⁶ ва Иркутскдан⁷ келтирганликлари тўғрисида маълумотлар бор. Мазкур жойларга бухороликлар мўйна ва бошқа рус молларини етказиб беришган.

Хуллас, бухороликлар рус ва ўзбек молларини олиб, уларни Сибирнинг турли жойда, ҳатто, Оренбург ва Москвада ҳам сотардилар. Бундай ҳолларда ҳар бир бухоролик савдогар ўзининг қайси жойга ва қанча муддатга бораётганлигини маҳаллий ҳокимият вакилларига олдиндан маълум қилиб, ариза ёзар ва ундан рухсат олар эди⁸.

Уларнинг бундай аризалари ҳақида маълумотлар бизда мавжуд бўлиб, улар 1765 йил⁹ ва 1766 йил¹⁰ ва 1780 йилларда¹¹ ёзилган. Бу аризалар маҳаллий ҳокимият томонидан дарҳол кўриб чиқилиб, уларга тегишли рухсатномалар берилган.

Шуни айтиш керакки, Сибирнинг ўзида ёки Россиянинг бошқа жойларига бориб, узоқ муддат савдо қилувчи йирик бухоролик савдогарлар билан бир қаторда, қисқа муддатга борувчи савдогарлар ҳам бўлган. 1765 йилда бир бухоролик

¹ Ўша жойда, д. 15, л 6, д. 50, л.35.

² Ўша жойда, д. 118, л. 1.

³ Ўша жойда, д. 131, л. 17.

⁴ Ўша жойда, д. 291, л. 7.

⁵ Ўша жойда, 13-бет.

⁶ Ўша жойда, д. 246, л. 22.

⁷ Ўша жойда, д. 266 л. 1, д. 259, л. 35-36.

⁸ Ўша жойда, ф. 47, оп. 1, д. 2024, л. 1.

⁹ Ўша жойда, д. 485, белланмаган.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ Ўша жойда, д. 377, л. 1.

савдогар бир ойга¹, иккинчиси икки ойга² Оренбург губерниясига савдо қилиш учун кетган. Бошқа бир бухоролик эса уч ой муддат билан Петропавловскка жўнаган³. Шунингдек, уларнинг олти ой муддат билан ҳам Оренбург губернияси, Тобольск ва Петропавловскка кетганлиги маълумдир⁴.

Бухороликларнинг Сибирнинг турли жойларига савдо қилиш учун маълум муддат билан кетишига берилган рухсатномалари ҳақида 1737 йил⁵ ва 1741 йилларига⁶ доир ҳужжатлар ҳам сақланган. Бу уларнинг мунтазам равишда савдо-сотиқ олиб борганлигидан далолат беради.

Бухороликларнинг 1702 йил⁷, 1704 йил⁸ ва 1706 йилларда⁹ ҳам Уфага қатнаганликлари ҳақидаги маълумотларга қараганда, улар рус моллари билан бир қаторда, ўзбек ва Хитой моллари билан ҳам савдо-сотиқ қилганлар. 1751 йили Тарада бухороликларни ва татарларни христианликка ўтказишга қаратилган уринишга қарши норозилик билдириб, улар Олим исми кишини вакил қилиб, Санкт-Петербургга юборганлар. Вакил Санкт-Петербургга 4000 сўмлик ўзбек моллари билан кетган¹⁰.

XVIII асрдан бошлаб, Сибирда рус ва татар савдогарларининг фаолияти тобора кучайиб борди. Натижада бухоролик савдогарлар билан рус савдогарлари ўртасида кучли рақобат вужудга келди. Чунки бухороликлар Сибирнинг ички савдо-сида салмоқли ўринни эгаллаб, бошқа савдогарлар манфаатига путур етказганлар. «Улар, – дейди Сибир тарихчиларидан бири. – Сибирнинг барча ерлари, ҳатто Иркутск бўйлаб кезиб

¹ Ўша жойда, д. 485, бетланмаган.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда. д. 7, бетланмаган.

⁴ Ўша жойда, д. 476, бетланмаган.

⁵ Ўша жойда, д. 3772, л. 5.

⁶ ЦГАДА России, ф. Сибирская губернская канцеляерия, д. м. 119, л. 1.

⁷ Государственный архив Тюменской обл. ф. 29. оп. 1. д. 36, л. 22.

⁸ Ўша жойда, д. 38, л. 3. д. 40, л. 3.

⁹ Ўша жойда. д. 15. л. 13. д. 17. л. 5.

¹⁰ «Материалы по истории в Сибири», с. 59.

юриб, Сибирь шаҳарларида саккиз ва ҳатто ундан кўп йиллар мобайнида яшаганлар. Уларнинг кўп гумашталари бор эди. Сибирь маъмуриятининг тан олишича, бухороликлар Сибирнинг шарт-шароитини жуда яхши билганлар»¹.

Айниқса, Сибирь линияси орқали Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдода тошкентликларнинг устунлиги Сибирь ичкарасида яшовчи бухороликлар савдо фаолиятига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли XIX асрнинг ўрталарига келиб, Сибирь ичкарасида яшовчи баъзи бухороликлар майда савдогар ҳолига тушиб қолдилар. Фақат айрим йирик савдогарларгина Ўзбекистон билан савдони давом эттиришган. «Тобольские губернские ведомости» газетасининг Тюмендаги бухороликларга бағишланган маълумотида Шабобин номли жойда ўзбек молларини сотувчи бухороликлар бармоқ билан санарли бўлганлиги таъкидлаб ўтилган: «Шабобин аҳолисининг ҳаммаси бухороликлардир, улардан бир неча хонадон Нижгород, Ирбит ва бошқа ярмаркаларда ўзбек моллари, жумладан, чопон, гилам, шолча ва бошқалар билан савдо қилади. Тери сотиб олиш мақсадида бу бухороликлар Семипалатинск, Петропавловск, Троицкгача борадилар...»².

Бухоролик савдогарлар чўян ва темир буюмларни қозоқ ерларига олиб бориб, уларни мол териси ҳамда ёғига алмаштирардилар³. Шу хилдаги савдо билан Оқёр бухороликлардан икки киши шуғулланарди, холос⁴. Қолган жойлардаги бухороликларнинг деярли ҳаммаси чакана савдо, деҳқончилик, балиқчилик, овчилик ва шу сингари машғулотлар билан шуғулланишган.

Тўғри, кўрсатилган бухороликлардан бир нечта кишилар Семипалатинск, Петропавловск ва Троицк шаҳарларида рус

¹ Потанин Г.Н. О караванной торговле в XVIII столетии. М., 1886. С. 49.

² «Тобольские губернские ведомости». СПб, № 207.

³ Ўша газета № 20.

⁴ Ўша газета № 21.

моллари билан доимо савдо қилганлар. Аммо улар гумашталар ёки ваколатнома бўйича савдо қилувчи кишилар бўлган¹.

Семипалатинскийда тожирлик қилаётган тошкентликлар орасида ниҳоятда бадавлат кишилар бор эди. Масалан, Иброҳим Ашуров Иртиш дарёси бўйлаб, Зайсан кўлигача кема қатновини йўлга солишини сўраб ҳукуматга мурожаат қилган. Аммо Хитой билан алоқанинг оғирлашиши назарда тутилиб рухсат берилмаган.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярмида бухороликлар орасида йирик савдогарлар оз бўлиб, уларнинг ўнлаб гумашталари бор эди. Бу ҳақда Фарбий Сибирь халқларининг, шунингдек, бухороликларнинг иқтисодий турмушини ўрганган С.Патканов шундай ёзади: «Эркаларнинг сеvimли касби савдогарчилик... Улар орасида савдогарлар кўп эмас, лекин бир савдогарлар минглаб оборотлар қилади, кўплаб гумашталар ва ўнлаб хизматкорлар тутади, улар хўжайинлари билан мунтазам алоқа қилиб турадилар. Майда савдогарлар нисбатан кўп, уларнинг сони юздан ошади, уларнинг майда-чуйда моллар, четдан келтирилган товарлар билан савдо қилиш учун гувоҳномаси бор; бундан ташқари, кўплари балиқ ва от олиб сотади»².

Бундай ҳолни ўша даврда Тара ва Тобольскда яшовчи бухороликлар орасида ҳам кўриш мумкин эди.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярмида Сибирда рус ва татар савдогарларининг кўплаб келиши ҳамда Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi натижасида бухороликларнинг олдинги вақтлардаги воситачилик роли пасайиб, савдо фаолияти эса асосан, маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб қолди. Петропавловск ва Семипалатинскдаги божхоналарнинг тугатилиши ҳамда Тошкентнинг йирик савдо марказига айлантирилиши оқибатида Сибирь линиясидаги тошкентликларнинг ҳам мавқеи пасайиб кетди. Эндиликда рус савдогарлари бевосита Ўзбекистонга бориб, эркин ҳолда

¹ Ўша газета № 20.

² Патканов С.К. Материалы по изучению экономического быта Западной Сибири. М., 1881. С. 105.

савдо қилиш имконига эга бўлдилар. Улар ўлканинг ички ва ташқи савдосида тобора салмоқли ўрин эгаллаб бордилар. Бу ҳолат Сибирдаги бухоролик ва тошкентлик савдогарлар фаолиятига салбий таъсир этди. Бундан ташқари, Россиядаги тўқимачилик саноатининг ривожланиши натижасида Сибирда ўзбек молларига талаб анча сусайди.

Бухороликлар ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар. Айниқса, кўнчилик анча ўсган бўлиб, буни Сибирда биринчи марта бухороликлар юзага келтирган. Кўпгина муаллифлар бухороликлар Сибирга келиб кўнчиликка асос солганликларини таъкидлайдилар. Улардан бири: «Тюменнинг саноати деярли шаҳар барпо бўлган вақтдан бошланади, ўша вақтда, 1596 йилда бу ерга кўчиб келган бухороликлар кўнчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Бу ҳунармандчилик кўчиб келган русларга ҳам ўтган»¹, – деган фикрни билдиради. Иккинчи бир муаллиф эса: «XVII асрда Тобольска ўрнашган бухороликлар туфайли бу ерда кўнчилик юзага келди»² – дейди. Сибирда кўнчиликка бухороликлар асос солганлигини Г.Н.Потанин ҳам таъкидлаб ўтган³.

Бошқа бир асарда: “XVII асрда Сибирь забт қилингандан сўнг Тюмень шаҳрида ўрнашиб қолган бухороликлар кўнчилик соҳасини юзага келтирган. Шундан бошлаб, бу ҳунармандчилик йилдан-йилга гуллаб борди”⁴ дейилган.

Бизда тўла бўлмаган архив ҳужжатларига кўра, кўнчиларнинг кўпроқ тўпланган жойи Тюмень бўлиб, у ердан тайёр чармлар Сибирнинг турли жойларига олиб кетилган. 1709 йилда бир бухоролик «Тюмендан Тобольска... божхона нархига мувофиқ 153 сўмлик ўзи ишланган 170 та қизил

¹ Палов А. 300 верст по рекам Западной Сибири, 1878, с. 8; «Статистическое описание Тюменского округа в промышленном отношении», «Тобольские губернские ведомости», 1862, № 10.

² Голодников К. Город Тобольск и его окрестности. 1886, с. 8.

³ Потанин Н.Г. Завоевание Сибири. «Живописная Россия», т. XI. 1884. С. 33. Торговля с Бухарией. С. 52.

⁴ «Список населенных мест Российской империи». СПб., 1871, том 9, СС XXXIII.

ва қора чарм билан юборилган...»¹. Шунингдек, бухороликларнинг 1710 йил², 1712 йил³, 1713 йил⁴ ва 1716 йилларда⁵ ўзлари ишлаган чармларни Тобольскка олиб кетганлиги божхона китобида рўйхатга олинган. 711 йил⁶ 1721 йил⁷ ва 1731 йилларда⁸ бухороликларнинг Тюменда сотиш учун олиб келган чармлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

XVIII асрда бухоролик кўнчиларнинг фаолияти анча ривожланган. Чунончи, 1747 йилда Ш.Ашменов номли бухоролик ўз уйида ишланган 1781 та чармни Тюмень божхонасига маълум қилган⁹. Бу киши йирик савдогарлардан бири бўлиб, рус ва ўзбек моллари билан савдо қилган. Афтидан, ўша бухоролик қўл остида бир неча киши кўнчилик билан шуғулланган. Буни чармлар миқдорининг кўплиги ҳам тасдиқлайди.

Бошқа бир бухоролик А.Марғалик 1747 йилда ишлаган чармни Тобольскка олиб кетишини ариза орқали Тюмень божхонасига маълум қилган¹⁰. Ўша савдогарнинг 17 йил ўтгандан сўнг ҳам чарм савдоси билан шуғулланганлиги ва унинг уйида чарм тайёрланганлиги ҳақида маълумотлар бор¹¹.

XVII–XVIII асрларда Сибирда рус ва бошқа кишиларнинг кўнчилик билан шуғулланмаганликлари, агар бўлган тақдирда ҳам, жуда озлиги эътиборга олинса, кўнчиликнинг, асосан, бухороликлар қўлида бўлганлиги англашилади. Бу ерда XVIII асрнинг учинчи чорагида тегишли бир

¹ Государственный архив Тюменской области. Ф. 29, оп. 1. д. 57, л. 26.

² Ўша жойда, д. 4, л. 45.

³ Ўша жойда, д. 68, л. 34.

⁴ Ўша жойда, д. 77, л. 7.

⁵ Ўша жойда, д. 76. л. 7. 10.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Ўша жойда, д. 102. л. 45.

⁸ Ўша жойда, д. 171. л. 12.

⁹ Ўша жойда, д. 288. л. 7.

¹⁰ Ўша жойда, ф. 29, оп. 1. д. 288. л. 4.

¹¹ Рукописный фонд Тобольского краеведческого музея. (Инв. номери йўқ) л. 21.

манбада «бой бухороликлардан бир хилларида чарм ишлаш корхоналари бор...»¹, деб ёзилганлиги ҳисобга олинса, масала янада равшанлашади.

XIX асрда бухороликларнинг кўнчилик фаолиятлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, 1851 йилда Тюмендаги икки бухоролик² ва Тарадаги бир бухороликнинг ҳар бирида биттадан кўнчилик устахоналари бўлган³.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, бухороликларнинг Новошабинда ҳам иккита кўнчилик устахонаси бўлган. Бунинг биринчисида йил давомида 100 та мол ва 100 та от терисидан чарм тайёрланган⁴. Ўша устахоналарда ҳар йил 300 та мол ва 250 та от терисидан чарм тайёрланган. Кўрсатилган корхоналар ҳақида С.Патканов шундай ёзган эди: «Иккала устахона ҳам ёрочдан қурилган бинога жойлашган, шамол ёрдамида ишлайдиган иккита жувозни ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай машина йўқ... Иккала устахона йилига 8850 сўмлик чарм ишлаб чиқаради»⁵.

Устахоналарда тайёрланган чармларни эса қўшни қишлоқдаги махсус кишилар ҳақ олиб пардозлаганлар⁶.

Хуллас, бухороликлар ҳунармандчилик саноатига асосланган кўнчилик устахоналарига эга эдилар. Бу нарса Ўзбекистонда кўнчилик ишлаб чиқариш тартибларининг Сибирда деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз узоқ вақтлар давомида сақланганидан гувоҳлик беради. Унда барча иш ҳунармандлар томонидан якка-якка ҳолда бажарилган, ҳеч қаерда

¹ Государственный архив Омской области. ф. 3. оп. 3, д. 233. л. 116-117, 275-276.

² Ўша жойда. ф. 4. оп. 1. д. 3596, л. 71.

³ Ўша жойда, л. 232-239.

⁴ Патканов С.К. Ўша асар, л. 233.

⁵ Ўша жойда.

⁶ С.Паткановнинг кўрсатишича, бу юртларда қўлқоп тикиш бир бухоролик қўл остида бўлган. Бу киши қишлоқларда кўплаб қўлқоплар тиктириб, ҳар бир тикувчи аёлга эчки чармидан тикилган 10 жуфт қўлқоп учун 12-15 тийин, кийик чармидан тикилган 10 жуфти қўлқоп учун эса 15-20 тийин тўлаган. Ўша асар, 231-бет.

кишилар ҳамжихат бўлиб ишламаган, ёки бирлашиб артелга уюшмаган. Бу ерда меҳнат тақсимотининг фақат оила аъзолари ўртасидагина амалга ошганини кўриш мумкин¹.

Шундай қилиб, бухороликлар Сибирда кўнчиликка асос солган бўлсалар-да, лекин унинг ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштира олмадилар, натижада XIX асрдаёқ Сибирдаги кўнчилик, асосан, руслар қўлига ўтиб кетди.

Бухороликларнинг Иштамай ва Миримов каби юртларида кўнчилик билан шуғулланувчи кишилари бўлган. Бу юртларда қўлқоп, оёқ кийимлари эчки, лось, кийик териларидан тайёрланган.

Тюменда бухороликлар томонидан тайёрланган чармлар сифатли бўлганлиги туфайли Сибирдан ташқарига Бухоро, Тошкент ва ҳатто Хитойга ҳам олиб кетилган².

Бухороликлар орасида кийим тикувчи кишилар бўлганлиги тўғрисида айрим маълумотлар бор. Жумладан, 1727 йилда Тошпўлат Матёров ўзи тиккан 25 та камзулини Тобольск, Екатеринбург ва бошқа жойларга кетаётган бир бухоролик савдогарга бериб юборган³. Ҳатто бухороликлар ўзлари тиккан кийимларни Уфага ҳам юборганлар. Буни 1704 йилдаги божхона китобидан билиш мумкин. Унда «Тюмень божхонаси бухоролик Матёр Дўсовга ўзининг уйда тиккан учта кийими билан Уфага боришига рухсат берди»⁴— дейилган. Шу йили Саидов номли бухороликнинг ҳам ўз уйида тикилган тайёр кийимларни Уфага олиб кетганлиги божхона китобида қайд қилинган⁵.

Бухороликлар овчилик, паррандачилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Масалан, 1733 йилда Тюменда бир бухоролик ўзи тутган 180 пуд балиқни бозорга келтирган⁶. Ана шундай бухороликларни Тюмень божхонаси 1724

¹ Ўша жойда 216-бет.

² Журналь МВД, 1860, часть 40, с. 20.

³ Государственный архив Тюменской области, ф. 29. оп. 1. л. 134, 37.

⁴ ЦГАДА России ф Сибирский приказ, Тюменские таможенные книги № 1429. л. 416.

⁵ Ўша жойда, л. 409.

⁶ Государственный архив Тюменской области, ф. 29 оп, 1, д. 171., л. 54.

йилда¹ ва 1727 йилларда рўйхатга олган. Шунингдек, уларнинг 15 пуд балиқлари божхона китобида кўрсатиб ўтилган². Бухороликлар ўзлари тутган балиқларни Сибирнинг турли томонларига олиб бориб сотганлар. 1748 йилда Муса бошчилигидаги бир гуруҳ бухороликлар Тюмендан Ирбит ярмаркасига 178 пуд балиқ олиб келганлар³.

Бухороликлар Сибирда гилам тўқишни ҳам жорий қилганлар⁴.

Сибирдаги бухороликлар орасида ер ости бойликларини билувчи кишилар бўлганлиги тўғрисида ҳам баъзи бир маълумотлар мавжуд. Жумладан, Ашир номли бухоролик Сибирда минерал топган. Шунинг учун бу минералга Аширит номи берилган⁵. 1853 йилда эса бухоролик Тачимов, Баяновул округида кумуш, қўрғошин ва мис конларини топган⁶.

Рус ҳукумати бухороликларни Сибирда фойдали қазилмаларни қидириш ишига 1655 йилдаёқ жалб этишга уринган. Чунончи, шу йили рус подшоси ўзининг махсус фармонида Сибирда мис қидириб топиш ва бу ишга ўша маъданни биладиган бухороликларни ҳам жалб этиши кераклигини, бажариш учун Тобольск маҳаллий ҳокимиятига топширган эди⁷.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ

Сибирдаги бухороликларнинг деҳқончилик фаолияти Кучумхон вақтида бошланган бўлса-да, лекин у ерда ҳали деҳқончилик суст ривожланган эди. Чунки Сибирга келиб ўрнашган бухороликларнинг аксарияти диний уламолар,

¹ Ўша жойда, д. 24, л. 5.

² Ўша жойда, д. 138, л. 6.

³ Ўша жойда, д. 171, л. 23.

⁴ «Тобольские губерньские ведомости», 1862, № 10, Г.Н.Потанин, ўша асар, 52-бет.

⁵ Потанин Г.Н., ўша асар, 52-бет.

⁶ Государственный архив Омской области. ф. 3, оп. 3, д. 3492, д. 1-3.

⁷ Архив АН России. ф. 21, оп. 1, д. 6, л. 163.

савдогарлар ва ҳарбий хизматчилар бўлиб, уларнинг фаолияти бевосита деҳқончиликка боғлиқ эмас эди. Аммо шуни айтиш керакки, кўрсатилган тоифадаги бухороликларнинг ерлари бўлган бўлиши турган гап эди. Маълумки, у вақтларда юқори тоифадаги кишилар учун ҳам ер ҳаётнинг муҳим манбаларидан бири бўлган.

Хуллас, бухороликлар Кучумхон давридаёқ Сибирда деҳқончиликка асос солганлар. Г.Н.Потанин бу масалага тўхталиб шундай деган эди: «Шубҳа йўқки, улар (бухороликлар – Ҳ.З.) руслар келгунча қадар Тобольск губерниясида деҳқончиликка асос солган эди»¹. Бухороликларнинг бу пайтда Сибирда деҳқончилик билан шуғулланганликларини Сибирь тарихчиси В.И.Шунков ҳам кўрсатиб ўтган².

Россия Сибирни босиб олгач, бухороликлар орасида бевосита деҳқончилик билан шуғулланувчи кишилар сони ортиб борган. Буларнинг кўпчилиги Сибирда ўрнашган дастлабки йиллардаёқ маҳаллий аҳолига, жумладан, татарларга қарашли ерларда деҳқончилик қилган. 1621 йилда бундай бухороликларни Тобольск маҳаллий ҳокимияти рўйхатга олган. Бунга кўра, Вагай, Пальгин, Абалацк ва Юсупов номли татар қишлоқларида: «бухороликлар... татарлар билан бирга деҳқончилик ва пичанзорларга эгалик қиладилар»³, – дейилган.

Рўйхатда айрим бухороликларнинг ер майдони ҳам кўрсатилган. Бу уларнинг ўз мустақил деҳқон хўжаликларига эга эканлигидан дарак беради. «Вагай қишлоғида, – дейилади ўша рўйхатда, – бухоролик Азим ўз даласига сули ва арпа эккан...»⁴. Шу ҳужжатнинг иккинчи бир жойида эса шундай маълумот учрайди: «Бухоролик Қумар Камолитдинов ва унинг болалари татарлар билан биргаликда деҳқончилик билан шуғулланган, пичанзорларга эгалик қилади»⁵

¹ Потанин Г.Н., ўша асар, 52-бет.

² Шунков В.И. Очерки по истории земледелия в Сибири XVI века (докторская диссертация, хран. библ. им. Ленина), с. 403.

³ ЦГАДА России. ф. Сибирский приказ, ст-ц 81. л. 50.

⁴ Ўша жойда, 56-бет.

⁵ Ўша жойда.

В.И.Шунковнинг аниқлашича, юқорида кўрсатилган қишлоқлардаги татарлар ва бухороликларнинг ери бўлган¹. XVII асрнинг 20-йилларида Тарадаги татар ва бухороликларнинг ҳам экин майдонлари бор эди².

Айрим ночор бухороликларнинг татар ерларида биргаликда деҳқончилик қилишига қараганда, улар камбағал кишилар бўлиб, мустақил равишда ер эгаллашга қурби етмаган. Шунинг учун ҳам татарлардан озгина ер олиб, экин экиб ҳаёт кечирганлар: «Бухороликлар уларнинг (татарларнинг – Ҳ.З.) қишлоқларида, – деб кўрсатилади 1633 йилги рўйхатда, – уларнинг шафқатига сифиниб яшайдилар, шунинг учун бу бухороликларда ота мерос ер-сув ҳамда ўрмонзорлар йўқ. Улар татарларнинг ерини илтимос билан олиб, деҳқончилик қиладилар»³.

Моддий жиҳатдан оғир аҳволда яшаб ўзининг ҳаётини зўрға тебратиб турувчи бухороликлар ҳам бўлган. Бу ҳақда 1633 йилда Тобольскдаги қишлоқларда ўтказилган рўйхатда маълумотлар бор⁴.

Бухоролик савдогарлар Тобольскка келган вақтларида ҳеч қаердан ер олмай, экин экмай, Сибирь шаҳарлари ва бошқа жойларда савдо билан шуғулланиб юрганлар⁵. Бу вақтларда фақат Маматқулов номли бухоролик савдогарнинг Юсупов қишлоғидаги татарлар ерида деҳқончилик қилганлиги ва савдо қилиш учун Ўрта Осиёга кетиб, ўша ерда вафот этганлиги маълумдир⁶. Бухороликлар орасида деҳқончилик ёки савдо билан шуғулланмай дуч келган ишларни қилиб юрувчи кишилар ҳам бўлган⁷.

Тобольскда маҳаллий ҳокимият баъзан бухороликларни солиқ тўлашга мажбур қилган. Шу муносабат билан 1645 йилда бир гуруҳ бухороликлар Алим Сулаймонов бошчилигида рус

¹ Шунков В.И. Ўша асар, 395-бет.

² Ўша жойда.

³ ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ, ст-ц 81. л. 59.

⁴ Ўша жойда, 63-бет.

⁵ Ўша жойда. 64-бет.

⁶ Ўша жойда, 60-бет.

⁷ Ўша жойда, 65-бет

подшосига хат ёзиб, унда илгари бухороликлардан ҳеч қандай солиқ олинмаганлиги ва уларнинг деҳқончилик билан бема-лол шуғулланганликлари баён этилган. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг нотўғри хатти-ҳаракатига барҳам берилиши илтимос қилинган. Шунингдек, хатда солиқларнинг талаб қилиниши, бухороликларнинг Сибирда турғун бўлиб қолишларига тўсқинлик қилиши уқтирилган¹.

Бунга жавобан, рус подшоси Тобольск маҳаллий ҳокимиятига махсус фармон юбориб, бухороликлардан оғир солиқларни олмаслик ва уларни ҳақорат қилишга йўл қўймаслик тўғрисида кўрсатма берган².

Рус подшоси фармонида бухороликларни Сибирга жалб қилиш мақсадида улардан ғалла солиғи олинмаётганлиги уқтирилди. Бу фармон Сибирда деҳқончилик билан шуғулланувчи бухороликлар сонини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дарҳақиқат, Сибирга савдо-ҳунармандчилик кишилари қанчалик зарур бўлса, деҳқонлар ҳам шунчалик керак эди.

XVII аср бошларида Тарада ҳам бухороликларнинг деҳқон хўжаликлари вужудга келган эди. Жумладан, ўша асрнинг 20-йилларига оид бир ҳужжатда Иртиш дарёсининг юқори ва қуйи оқимида ўрнашган учта юртда бухороликларнинг экинзорлари бўлганлиги кўрсатилган³. Бу вақтларда Томскда ҳам бухороликларнинг деҳқончилик билан шуғулланганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд⁴. Сибирда, айниқса, XVII асрнинг иккинчи ярмида бухороликларнинг экин майдонлари ва пичанзорлари анча кенгайиб деҳқончилик фаолияти ривожланди.

Бу вақтларда уларга маҳаллий ҳокимият экин майдонлари ва пичанзорларни ижарага берган⁵. Улар ер сўраб рус ҳукуматига

¹ ЦГАДА России. ф. Сибирский приказ, ст-ц № 134, л. 194, 195.

² Ўша жойда, 198-бет.

³ Шунков В.И. ўша асар, 51-бет.

⁴ ЦГАДА России. ф. Сибирский приказ, ст-ц № 109, л. 58, 60; З.Я.Бояршинова. К вопросу о развитии русского земледелия в Томском уезде в XVII в. «Вопросы географии в Сибири», том 2, 1951, с. 137.

⁵ Государственный архив Тюменской области, ф. 47, д. 2228, л. 1.

ариза бергандан кейин у ер берган. Маҳаллий ҳоқимият бўш ётган ерлар ва пичанзорларнинг маълум қисмини расмий ҳужжат билан бухороликларга абадий фойдаланишга ҳам берган.

Бухороликлар орасида экин майдонлари, пичанзорларни сотиб ёки гаровга олувчи кишилар ҳам бўлган. Улар гаровга олган экин майдони ва пичанзор учун ўзаро келишган миқдорда пул тўлаган¹. Шунингдек, бухороликлар татарлар билан биргаликда экин майдони ва пичанзорга эга бўлган². Улар вақт ўтиши билан даставвал, татарлар ерларида деҳқончилик қилдилар, кейинчалик русларнинг ерларини гаровга ола бошладилар. Улар аста-секин татарларга қарашли бўлган ва гаровга олинган ерларнинг эгаси бўлиб қолдилар. Бу ҳақда улар юридик ҳужжатга эга эмас эдилар. Аммо рус ҳукумати бухороликларнинг татарлардан илтимос билан ва ижарага олган ерларида бемалол деҳқончилик қилиши мумкинлиги ҳақида фармон чиқарди. Натижада, улар бу ерларни авлоддан-авлодга ўтказиб келди. Шунинг учун ҳам расмий ҳужжатларда бухороликларнинг ерлари ҳақида сўз борганда, улар «экин майдонларида узоқ вақтлардан бери ишлаб келганликлари туфайли эгалладилар», – деб кўрсатиб ўтиладиган бўлди³.

Тарада ҳам бухороликлар ерларни ижарага олиб, деҳқончилик қилганлар. Чунончи, 1789 йилда ротмистр Я.Чередов томонидан тузилган махсус рўйхатга кўра, бир неча бухоролик хўжалигининг ижарага ер олганлиги кўрсатилган⁴. Ўша рўйхатда уларнинг ер сотиб олганлиги ҳам айтилган. Я. Чередов бундай ерлар 34 хўжаликда мавжудлигини ҳамда бу ерларнинг майдони 60 десятина бўлганлигини кўрсатган эди⁵. Аммо бу маълумот Тарадаги фақат сотиб ва ижарага

¹ ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ, д. 927, л. 122.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, 925, 70, 71, 72-73-бетлар.

⁴ Ўша жойда, 925, 59-78-бет.

⁵ Шунков В.И. ўша асар, 51-бет.

олинган ерлар ҳақида бўлиб, бухороликларнинг деҳқончилик фаолиятини тўла ифодаламайди. Шундай бўлса-да, бу маълумотлар бухороликлар хўжалигининг анча ўсганлиги ва экин майдонларининг кенгайганлигидан далолат беради¹.

Бу соҳада 1701 йилда Тара шаҳрида ва унинг Киргал Айтқулов, Иткучуков, Шихов, Сеитов ва Байтуганов сингари қишлоқларидаги бухороликлар хўжалигига доир рўйхати диққатга сазовордир. Бу рўйхатга кўра, бухороликларнинг хўжаликлари янада ўсиб, уларнинг майдонлари 125 десятинагача етган². Демак, бухороликларнинг экин майдонлари XVII асрнинг 20-йилларига қараганда уч марта кўпайган.

1701 йилги маълумотни тузган Качанов шундай дейди: «Бухороликлар улuf подшоҳнинг марҳаматини эшитиб, ўз турар-жойларини ташлаб, Тобольск, Тюмень ва Тара шаҳарларига келганлар»³. Бухороликларга нисбатан илтифот шу эдики, уларнинг ерларидан мутлақо солиқ олинмаган. Качановнинг кўрсатишича, бу тадбир бухороликларнинг Сибирга кўплаб ўрнашишида ва уларнинг деҳқончилик фаолиятини кучайтиришда муҳим роль ўйнаган. Демак, Сибирдаги бухороликлар татарларга қарашли ерларда, давлат томонидан берилган, сотиб ёки ижарага олинган ерларда деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирганлар.

Тюмень, Тобольск ва Тарада бухороликларнинг алоҳида деҳқончилик хўжаликлари ташкил топди. Бундай хўжаликларнинг элликдан ортири 1701 йилда Тюменга қарашли Ембоев, Оқёр, Новошабобин, Осипов, Каскора ва Кабиляковск қишлоқларида рўйхатдан ўтказилган. Шу маълумотга (2-жадвал) қараганда, кўрсатилган қишлоқларда бухороликларнинг 249 десятина экиладиган ери, 13700 гарам пичан ўриб олинадиган ўтлоғи бўлган⁴.

¹ ЦГАДА России. ф. Сибирский приказ, д. 1196, лл. 31 -73.

² Шунков В.И. Ўша асар 52-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда, д. 1196, л. 30-75.

2-жадвал

Сони	Бухоро хўжаликчиси	Экирган майdonлар			Экиланг яйлор	Экимаган ерлар	Отлар	Сигирлар	Кўйлар	Қора моллар
		Бурдой	Арпа	Сўли						
	М.Нияз	-	3	4	100	-	3	4	-	-
	Я.Тачкалов	-	2,5	6	-	7	6	-	-	6
	С.Шабобин	1	1	3	300	-	6	-	-	12
	А.Шабобин	-	2	2	400	5	6	-	-	10
	К.Муллин	1	2	4	500	5	3	-	-	3
	С.Сентикав	31	1	1	200	2	2	3	3	-
	М.Абдурахманов	-	-	2	200	-	3	-	2	5
	А.Елопов	1	1	2	200	2	7	-	-	15
	Т.Азнов	1	-	2	200	5	5	-	-	20
	М.Шабобин	-	1	3	300	5	6	-	-	10
	М.Мамасенов	1	1	2	200	6	4	-	3	8
	С.Шемский	-	1	1	-	2	-	4	-	-
	Т.Таир	-	-	4	-	3	3	-	-	7
	У.Шабобин	-	1	2	300	6	3	4	-	-
	А.Ермаметов	-	-	-	-	-	2	3	-	-
	К.Ермаметов	-	-	-	-	-	2	3	-	-
	Р.Таиров	-	1	2	-	2	3	-	-	-
	К.Шабобин	0,5	1	2	300	5	3	4	-	-
	М.Сафаров	0,5	1,5	3	250	6	4	3	-	-
	С.Сафаров	0,5	1,5	2	150	5	-	-	-	-
	К.Сафаров	0,5	1,5	2	250	6	4	3	-	-
	Ю.Бабашев	-	3	2,5	700	7	6	7	-	-
	Т.Телюб	1,5	2,5	100	8	10	-	6	6	20
	К.Мамасанлов	0,5	1	3	800	7	7	3	-	-
	И.Мамасанлов	0,5	1	3	800	7	7	3	-	-
	Мамбетков	1,5	3	3	800	10	10	-	-	10
	Татланов	-	-	4	-	2	3	4	-	-

Я.Муллахин	-	1	3,5	550	5	10	-	-	14
Я.Бекмамат	-	1	1,5	400	5	5	-	-	5
А.Куримбаки	-	1,5	3	250	7	3	-	-	3
Т.Муллабаки	-	1	5	150	7	4	-	-	8
К.Карамитпан	1	2	-	100	3	4	-	-	-
К.Маметадда	1	2	10	100	3	2	3	-	-
А.Овсов	1	5	7	1000	15	20	-	-	-
Ж.Овсов	1	2,5	-	600	8	10	-	-	15
Атяков	-	1,5	-	100	7	1	2	-	-
Атичков	-	1	1,5	400	7	4	3	-	-
М.Сайтбеков	-	1	1,5	400	7	4	3	-	-
А.Карамбашев	-	2,5	-	-	2	1	-	-	-
Б.Байняшев	-	2	3	200	7	3	2	-	-
К.Качамутин	-	2	4	500	7	10	-	-	7
Б.Байков	2	1	-	150	5	2	1	-	-
Б.Баялдашев	-	1	3	200	7	6	-	-	4
Ю.Шарипов	-	1,5	3	200	5	2	3	-	-
К.Итаков	-	2	3	350	7	4	-	-	6
И.Кабя	-	4	6	700	15	20	-	15	20
У.Итяков	-	1,5	-	100	5	3	-	-	5
У.Тептиев	-	1,5	-	100	5	3	-	-	5
К.Казимов	-	2	4	-	-	9	-	6	15
Сайлқов	-	-	-	-	-	2	-	-	2
Ишқияев	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Асанав	-	-	-	-	-	2	-	-	-
Кучюн	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Муфлин	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Ч.Алагинов	-	-	-	-	-	1	-	-	-
Б.Сафаров	-	-	-	-	-	2	3	-	-
Жами	51	72,5	119,5	13700	2580	284	67	31	249

Жадвалда номлар манбада нотўғри ёзилган.

Баъзи бухороликларнинг 2–5 десятиначача экин майдони бўлган. Бу вақтда уларнинг 284 та оти ва 347 бош қорамоли бўлган¹.

Рўйхатда кўрсатилишича, бухороликлар савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланмай, фақат деҳқончилик қилган. Улар орасида иқтисодий жиҳатдан анча бақувват, хўжаликлар пайдо бўлган. Рўйхатда бир бухороликнинг 30 та оти, 20 бош қорамоли, 60 та қўйи, экин экиладиган 8 десятинача ери бўлган, лекин у савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланмаган².

Уларнинг турмуш тарзи бир хилда бўлган эмас. Чунончи, Мирзабой Абдураҳмоновнинг 3 та оти, 5 бош қорамоли, 2 та қўйи, 2 десятинача экинзори ва 200 гарам пичан ўриб олинадиган ўтлоғи³ бўлган бўлса, иккинчи бир бухороликда эса 10 та от, 14 бош қорамол, 8 десятинача ер ва 550 гарам пичан ўриб олинадиган ўтлоғи бор эди⁴.

Хуллас, қорамоли бўлмаган бухороликлар камдан-кам эди. Бу уларнинг чорвачиликни ҳам анча йўлга қўйганлигидан дарак беради. Вақт ўтиши билан улар деҳқончиликни ривожлантира бордилар. Бу ҳолни XVIII асрнинг тахминан учинчи чорагида тузилган ва Тюмендаги бухороликлар хўжаликларига доир маълумотлардан⁵ яққол кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Т/р	Уезд ва қишлоқ номлари	Бухороликлар сони	Ер майдони (десятина)	Пичанзор (гарам)
Тюмень уезди				
1.	Ембсөв қишлоғи	203	414	10550
2.	Тўраев	157	294	7370
3.	Новошабобин	114	269	10603
4.	Козировск	29	31	570
5.	Ясовул	14	28	500
6.	Каскора	41	78	2550
7.	Шичкинск	9	13	400
8.	Муса Бакин	Каскора 9	25	500

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, л. 38.

⁴ Ўша жойда, л. 55-56.

⁵ Государственный архив Тюменской области, ф. 47. д. 2228, л. 1-8.

9.	Сайд Мамагъенов	12	20	600
10.	Окёр	67	173	2650
11.	Осипов	12	43	1500
12.	Искин	4	30	400
13.	Сингул	4	30	800
	Жами	654	1405	37893

XVIII асрнинг 60-70 йилларидан кейин бухороликлар 1405 десятина экин майдони ва 37893 ғарам пичан чиқадиган ўтлоққа эга бўлганлар. Бундай ўсишни Тобольск, Тара ва Сибирнинг бошқа жойларида ҳам кўриш мумкин эди.

Бу вақтларда Тюменда бухороликларнинг йирик хўжаликлари ташкил топган. Жумладан, Новошабобин қишлоғида Шабобинлар авлоди давлатдан ижарага ва пулга ер олиб, катта майдонларга эга бўлди. Уларда 102 десятина ер ва 5850 ғарам пичан чиқадиган ўтлоқ жойи бўлган.

Шабобинлар авлоди Тюмендаги йирик ер эгаси бўлиши билан бир вақтда, кўн ва чорва моллари савдосини ҳам ўз қўлларида тушлаб олган эдилар¹. Шабобинлар XVII–XVIII асрларда бутун Сибир бўйлаб ва Россиянинг бошқа жойларида Россия ва ўзбек моллари билан савдо қилиб, Сибирнинг ички ва ташқи савдосида ҳам муҳим ўрин эгаллаган эдилар. Шабобинлар авлодидан ташқари, бошқа ер эгалари ҳам бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

№	Бухороликлар номи	Қишлоқ	Оила аъзолари	Экин майдони (десятина)	Пичанзор (ғарам)
1.	Ёқуб Тошпўлатов	Новошабобин	9	19	600
2.	Казбулот	–	4	21	240
3.	К.Усмонов	–	9	14	1000
4.	С.Алтиков	Ембосов	11	23	100
5.	К.Шаришов	–	9	30	500
6.	К.Маметов	Тўриев	3	30	300
7.	К.Досбаки	–	10	19	150
8.	Муса Бакии	Каскора	9	25	500
9.	Сайд Мамшенев	–	12	20	600

¹ Ўша жойда, ф. 47, д. 2228, л. 2.

10.	М.Мамбетқосимов	Оқёр	3	27	50
11.	А.Очилов	—	4	24	150
12.	Худойберди	Искин	4	30	400
13.	М.Кошачев	Осипов	8	30	1000
14.	Абраим Раҳматуллаев	Сингуль	2	20	500

Демак, XVIII аср охирларига келиб, ер эгаларининг сони анча ортган. Аммо кўпчилик бухороликларнинг бир-икки ва ундан ортиқ десятинадан иборат экин майдонлари бор эди. Ҳатто бухороликлар орасида ерсиз кишилар ҳам учраб турарди. Буни 1767 йилда Новошабобин қишлоғидаги бир гуруҳ бухороликларнинг Тюмень маҳаллий ҳокимиятига мурожаат қилиб, ер сўраганлиги исботлайди. Улар маҳаллий ҳокимиятга ер ва пичанзорларининг оз эканлигини маълум қилади¹.

Бухороликлар Тюмень маҳаллий ҳокимиятидан Казаровск қишлоғи яқинидаги бўш ётган чакалакзорни экин майдонига айлантириш ва уни эгаллаш учун рухсат сўрайди². Бунга жавобан, Тюмень ҳокимияти кўрсатилган чакалакзорни бухороликларга тақсимлашни Новошабобин оқсоқоли Шабобинга топширди³. Бунинг нима билан тугалланганлиги бизга номаълум. Аммо бухороликларнинг ер сўраб мурожаат қилишлари шуни кўрсатадики, қишлоқдаги экин майдонлари ва пичанзорлар айрим кишилар қўли остида тўпланган, бунинг натижасида баъзилар мутлақо ерсиз қолган.

Баъзи архив ҳужжатларига қараганда, айрим ҳолларда татарларнинг ерида улар билан бирликда деҳқончилик қилиб келаётган бухороликлар ерсиз қолганлар. Бу ҳолат татарлар экин майдонларини ўзаро тақсимлаб олган вақтларда юз берарди. Жумладан, 1769 йилда Тюменда шундай бўлган эди. Шу муносабат билан Мирза Миримов Тюмень ҳокимиятига унинг ота-боболари узоқ вақтлардан бери деҳқон-

¹ Ўша архив, ф. 47, д. 490, бетланмаган.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

чилик билан шуғулланиб, татарлар билан биргаликда экин майдонларини эгаллаб келаётганлигини маълум қилиб, эндиликда татарларнинг ерларни ўзаро тақсимлаб олганлиги натижасида унга ер тегмай қолганлигини хабар қилди. Шунинг учун унга экин майдони берилиши сўралган. Тюмень ҳокимияти эса бухоролик талабини қондириш тўғрисида кўрсатма берган¹.

Юқорида айтилганидек, ерсиз ёки камбағал деҳқонлар билан бир қаторда, бухороликларнинг ўрта ва йирик деҳқон хўжаликлари бўлган. Улар бозорга ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқарганлар. Жумладан, 1731 йилда бир гуруҳ бухороликлар Тюмень бозорига 500 пуд буғдой уни келтирган². Бундай ҳол 1743 йилда ҳам божхона китобида рўйхатга олинган³.

XIX аср мобайнида ва ундан кейинги йилларда улар ҳам деҳқончиликни давом эттирганлар. Аммо бу вақтларда Сибирда бухороликларнинг ва умуман, халқнинг кўпайиб бориши туфайли ер танқис бўлиб қолди. Бунинг устига татар ва руслар, бухороликларнинг ер олишларига қаршилик кўрсатдилар. Айниқса, ҳеч қандай ҳужжатсиз татарлар билан биргаликда ердан фойдаланиб келаётган бухороликлар тўғрисида жанжаллар кўп бўлиб ўтди. Шундан сўнг бухороликлар асосан, XVII–XVIII асрларда эгаллаган ерлари билан чегараланиб қолиб, натижада уларнинг орасида ерсиз қолган кишилар сони кўпайиб кетди.

С.Паткановнинг кўрсатишича, ерлар алоҳида уруғлар (авлодлар) ихтиёрида бўлиб, уларнинг аъзоларигина экин майдонларидан фойдаланганлар. Шунинг учун экин майдони уруғлар сонига қараб тақсимланган. Казаровск қишлоғида бухоролик 7 хонадон бир уруғни ташкил этиб, 1694 йилда улар ота-боболарига берилган 28 десятина экин майдонига эга бўлган. Бошқа 18 хонадон бухороликларнинг эса экин майдони бўлмаган⁴.

¹ Ўша жойда, ф. 47 д. 492, бетланмаган.

² Ўша жойда, ф. 29, д. 171, л. 18, 23, 26, 30.

³ Ўша жойда, д. 183, л. 11.

⁴ Патканов С.К. Ўша асар. 76-бет.

Искин қишлоғида бухороликларнинг ҳаммасида ер бўлиб, ҳар бир жон бошига 6 десятинага яқин ер майдони тўғри келган. Ембоев, Тўраев ва Андреев қишлоқларида ҳам экин майдонлари алоҳида урувлар ихтиёрида бўлиб ва ҳар бир хонадонга 0,5–10 десятинагача экин майдони тўғри келган¹.

Бухоро волостларида XIX асрнинг 70–80 йилларида экин майдонларининг қандай тақсимланганлиги ва ундан фойдаланувчи кишилар сонини кўриш (5-жадвал) мумкин².

5-жадвал

Қишлоқлар	Хонадонлар сони	Ерсиз кишилар сони	Хонадонлар ва уларга тегишли ерлар (десятина)					
			0,5	1	1-2	2-5	5-10	10-20
Ембоев	174	82	39	17	23	9	2	2
Тўраев	142	17	42	35	28	7	3	—
Жами	316	99	81	52	51	16	5	2

Демак, кўрсатилган иккита қишлоққа 99 кишининг ери бўлмаган. Ери борлари эса 316 киши эди. Бу ҳол фақат Тюмендаги бухоро волостида 587 хонадон бўлиб, ундан 299 киши экин эккан, 288 киши эса бошқа ишлар билан шуғулланган³.

Бинобарин, Бухоро волости аҳолисининг ярми ерсиз эди. Бундан ташқари, бир ва ундан ортиқ десятина ерлари бўлган кишиларни ҳисобга олсак, бухороликларнинг экин майдонлари жуда кам эканлиги маълум бўлади. С.Паткановнинг кўрсатишича, бухороликлар волостидаги экин майдонларининг ҳаммаси 1250,17 десятина бўлган, буни волостдаги 1612 эркакка тақсимлаганда уларнинг ҳар бирига 0,77 десятинадан тўғри келарди. Шунинг учун ҳам волостда ерсизлар сонининг кўпайиши табиий ҳол эди. Устига устак экин майдонларининг талай қисми айрим бой бухороликлар қўлида эди. Тобольск ва Тарадаги бухороликлар волостларида ҳам шундай шароит мавжуд эди.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, 161-бет.

Бухороликлар буғдой, арпа, сули, сабзавот ва картошка экканлар. Г.Н.Потаниннинг сўзига қараганда, XVIII асрда бухороликлар биринчи бўлиб Сибирга буғдой келтириб экканлар. Бу буғдой нави Сибирда «дорогой» номи билан юритилган¹. Бухороликларнинг чорвачилик фаолияти ҳақида тўла ҳужжатларга эга эмасмиз, айниқса, XVII–XVIII асрларга оид маълумотлар жуда оз. Аммо 1701 йилга тегишли маълумотларга кўра уларда 5–10 та ҳатто ундан ортиқ қорамоллари бўлган. Тюмендаги бухороликлар волостида 587 хонадон бўлиб, уларда 1564 та от, 1245 бош қорамол, 417 та қўй бор эди. Шулардан 81 хонадонда отлар, 64 хонадонда қорамоллар ва 16 хонадонда қўйлар бор эди.

Ушбу рақамлардан маълумки, бухороликларда, айниқса, отлар кўп бўлган. Аммо от ва қорамоллар хонадонларда турли сонда эди. Битта оти бўлган 154 хўжалик, 5 тадан 10 гача отлари бўлган 43 хўжалик, 30 тадан 50 тагача отлари бўлган 2 хўжалик мавжуд эди. Шунингдек, 1 бош қорамол бўлган 83 хўжалик, 5 тадан 10 тагача қорамоли бўлган 42 хўжалик бор эди².

Бухороликлар узоқ вақтлардан бери Сибирда юк ташиш билан шуғулланганлар. Уларнинг кўплаб отлари, аравалари ва ченалари бўлиб, бутун Шарқий ва Ғарбий Сибирь бўйлаб савдогарларнинг молларини таширдилар. Улар Петропавловск ва Семипалатинскийда ҳам юк ташиганлар. С.Патканов текшириш ўтказган вақтда Ембоевда 12 киши, Тўраевда 16 киши юк ташиш билан шуғулланган³. Шунга ўхшаш Тобольск, Тюмень ва бошқа жойларда яшовчи бухороликлар орасида ҳам юк ташувчилар бўлиб ямишиклар деб юритилган. 1803 йилда Тюмендага бухороликлар рус савдогарларининг 700 пудга яқин молларини Ирбит ярмаркасидан Томскка олиб бориш учун улар билан шартнома тузганлар. Шунга ўхшаш Тара, Тобольск ва бошқа жойлар-

¹ Ўша жойда, 77-бет.

² Ўша жойда, 189-бет.

³ Патканов С.К. Ўша асар, 236-бет.

даги бухороликлар Сибирь линияларига мол ташиганлар. Хуллас, Сибирь темир йўли қурилгунга қадар юк ташиш ишларини асосан бухороликлар бажарганлар¹.

XIX аср охирида, айниқса, Тарадаги бухороликлар волостида чорва моллари сони бошқа жойлардаги бухороликлар волостларига нисбатан кўп бўлган. Масалан, Тарадаги бухороликларда 1782 та от, 1620 бош қорамол, 2437 та қўй-эчки; Тюмендаги бухороликларда 1294 та от, 1595 бош қорамол, 170 та қўй-эчки; Тобольскдаги бухороликларда эса 435 та от, 1245 бош қорамол ва 260 қўй-эчки бор эди².

Айниқса, Семипалатинск, Петропавловск ва Усть-Каменогорскда яшовчи тошкентликлар чорвачиликни кенг ривожлантирган. Бунга уларнинг қозоқларга яқин туриши ва чорва моллари билан савдо олиб борганлиги сабаб бўлган.

Кўпгина тошкентликлар қозоқлардан чорва моллари олиб келиб, уни Сибирда сотганлар. Баъзилари эса фақат чорвачилик билан шуғулланганлар. Жумладан, 1788 йилда 97 тошкентлик Россия таабалигига ўтиб, Усть-Каменогорск округида бевосита чорвачилик билан шуғулланган³. 1813 йилда Россия таабалигига қабул қилинган 70 тошкентлик ҳам ўша жойда чорвачилик билан банд бўлган⁴.

Кўрсатилганлардан ташқари, XIX аср биринчи ярмида Баянқўл округида яшовчи 252 бухоролик, тошкентлик ва қўқонлик, асосан, майда савдо ва чорвачилик билан машғул бўлган⁵.

Семипалатинск атрофидаги тоғларда 700 га яқин тошкентлик, асосан, чорвачилик билан шуғулланган. 1857 йилда уларнинг 4100 та оти, 1100 бош қорамоли, 5500 та қўйи ва 500 та туяси бўлган. Шубҳасиз, бу тошкентликлар Сибирни

1 «Народы в Сибири». М., 1956, с. 476.

2 «Статический обзор Тобольской губернии за 1899 г.», Тобольск, 1900, приложение IV а, с. 2.

3 ЦГИА Казахстана, ф. 338, оп. 1, д. 473, св. 77, л. 63-64.

4 Ўша жойда, л. 65-67.

5 Ўша архив, ф. 345, оп. 1, д. 1887, с. 336, л. 240-248.

чорва маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнаганлар¹.

Шундай қилиб, Сибирь линияларида яшовчи бухоролик ва тошкентликларнинг асосий машғулотларидан бири чорвачилик эди.

Демак, бухоролик ва тошкентликлар XVII–XIX асрлар давомида чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб, Сибирнинг иқтисодий ҳаётида фаол қатнашдилар.

Бухороликларнинг у ёки бу юртининг хўжалик фаолиятига доир маълумотлар ҳам диққатга сазовордир².

Буларга кўра Мильцк кўли атрофига жойлашган Ембаевнинг аҳолиси турли газламалар билан бир қаторда темир ва чўян буюмлари савдоси, овчилик билан шуғулланганлар. Улар Қозоғистон ерларида ҳам савдо олиб борганлар. Улар Семипалатинскда, Петрапавловск ва Ирбит ярмаркаларига қатнашганлар. Дарахт пўстлогини тўплаб заводга топширувчилар бор эди. Юртда ўпка касалига фойдали қимиз ҳам етиштирилган. Тўраев юртидагилар газламалар, темир ва чўян буюмлар билан Ирбит ярмаркасида, Екатеринбургда, Семипалатинск ва Петропавловскда савдо олиб борганлар. Шунингдек, овчилик ва дарахт пўстлогини йиғиш билан шуғуланадиган кишилар ҳам учраган. Юртнинг аҳолиси ҳашаматли уйларда яшаганликлари учун кўриниш шаҳарга ўхшаб турган.

Шабобин (матёр) юртида истиқомат қилувчилар ҳам турли газламалар, кийимлар ва гиламлар сингари молларни нижный Новгород, Ирбит ва бошқа ярмаркаларда сотганлар. Аҳолиси Сибирда кўнчиликка асос солиб, чармлари Бухоро, Тошкент ва Хитойгача юборилган. Улар орасида чарм, чой ва бошқа моллар, шу жумладан, гўшт савдоси билан шуғулланувчи ўртаҳол савдогарлар ҳам бўлган. Кемаларда ишлайдиганлар ҳам бўлган. Камбағал одамлар эса балиқчилик ва бошқа улгуржи савдо билан шуғулланганлар ва яхши қурилган иморатлар юртни безаб турган.

¹ «Тобольские губернские ведомости», 1863, № 4.

² Тобольския губернская ведомости, 1862, № 20.

Казоров юртидагилар кўпроқ майда савдо билан маш-
фул бўлиб, балиқчилик савдо қилганлар. Айни пайтда
арқон тайёрлайдиган мочалкани сотганлар. Искин юртида
Тюмен округига қарашли қишлоқларда газламаларни тур-
ли мўйналарга алмаштириш ва бошқа майда ишлар билан
шуғулланилган. Ойна заводларига ўтин ётқизиб турилган.
Овчилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланилган. Катта
ва қич оқ-ерда яшовчилар ғаллачилик билан бир қаторда
Семипалатинскда, Ирбит ярмаркасида Праицкда ва Екате-
ринбургда сотиб олинган газламалар, чўян, темир буюмлар
билан савдо олиб борганлар. Юқорида кўрсатилган юртлар-
да молларни у шаҳардан бу шаҳарга ташийдиган кишилар
бўлган. Шундай қилиб, бухороликлар фаолиятида савдо
билан шуғулланиш салмоқли ўринни эгаллаган. Аммо кам-
бағаллар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлар. Ғал-
лачилик ҳам кенг тарқалган. Бироқ бойлар ҳам савдо билан
бир қаторда деҳқончилик қилган.

XIX асрнинг бошларида ҳукумат сенати шундай де-
ган: “Бухороликлар катта ҳажмдаги унумдор ерларга, яй-
лов ва ўрмонларга эга бўлиб, ғаллачилик ва чорвачилик
билан шуғулланмоқдалар. Мана юз йиллар мобайнида
давлат солиғи ва мажбуриятларидан озод қилинган ҳол-
да яшамоқдалар”¹. Г.Н.Потанин сўзига кўра бухороликлар
Сибирда деҳқончиликка асос солган эдилар². Бу фикр
Россия ҳукмронлиги ўрнатилишидан олдинги даврларга
тааллуқли, албатта.

XIX асрнинг 60 йилларига оид маълумотга кўра деҳқон-
чилик билан шуғулланувчи бухоролик ва тошкентликлар-
нинг ҳар бир хонасидан 2,80 тийин ҳажмида тутун пули
олинган. Бундан ташқари (6-жадвал) жон солиғи, волостни
бошқаришга сарфланадиган харажат солиғи, маошдан оли-
надиган даромад солиғи ва суғурта солиғи учун ҳар бир хо-
надондан 3,86 тийин ундирилган.

¹ Омский областной архив. Ф. 2. оп. 1, д. 167, л. 567.

² «Живописная Россия», 1884, Т. XI, С. 41.

6-жадвал

Тюмен округи-даги бухоро юртлиринин номин	Маош солиғи				Суғурла пули	Волост харажатлар пули				Жамоя йиғини	жами		
	Жон солиғи	Тугун солиғи	Волоста бериллаган пул	Ерни улгаш ва чегаралаш пули		Ерни хайдаш пули	Идор харажатлари пули	Хат тапувчи қорувул пули	Фельдшерга бериллаган пул			Кутилмаган харажатлар	жами
Шабобин	57,32	125,57	97,55	4,08	284,72	32,04	31,02	9,04	1,63	3,40	50,73	33,11	400,60
Матяров	48,22	105,26	81,78	3,42	283,68	19,42	26,00	4,74	1,37	2,84	42,52	20,50	321,12
Ембаев	182,31	397,95	309,17	12,93	902,36	71,60	98,44	17,85	5,17	10,73	160,74	207,20	1341,90
Тураев	143,80	313,93	243,89	10,20	711,82	23,13	77,55	14,11	4,08	8,50	126,82	134,50	996,27
Казаров	28,76	62,77	48,78	2,04	142,35	4,99	15,50	2,84	0,80	1,70	25,36	12,90	185,60
Искин	22,84	49,86	38,73	1,62	113,05	4,91	12,31	2,24	0,65	1,35	20,14	12,00	150,10
Аяр	73,60	160,66	124,81	5,22	364,29	16,67	39,69	7,22	11,55	2,09	4,35	36,25	482,11
Есаул	12,26	26,77	20,80	0,87	60,70	1,77	6,61	1,21	0,35	0,72	10,82	-	73,29
Якушев	4,65	10,15	7,89	0,38	23,07	0,40	2,51	0,46	0,13	0,27	4,10	-	27,57
Андреев	2,11	4,61	3,58	0,15	10,45	0,37	1,14	0,21	0,06	0,12	1,86	-	12,68
Каскарин	69,25	53,80	2,25	157,01	0,74	17,11	3,11	4,98	1,85	27,95	11,70	-	197,40
Жами	611,58	1335,09	1037,23	43,43	3027,33	176,34	329,94	60,00	17,34	36,03	539,28	468,16	4211,11

304 Материалы для изучения экономического быта инородцев ----- вып. 1. С. 290.

Демак, Тюмен округидаги бухороликларнинг маош солиғи – 3027 сўмни, суфурта пули – 176 сўмни, волост харажат пули – 539 сўмни, жамоа йиғини – 468 сўмни, жами 4211 сўмни ташкил этган эди.

Бу вақтларда бухороликларнинг 5077,09 десятина ери, 1245 йирик ва 417 майда қорамоллари, 1564 отлари бўлиб, 587 хонадонларда ҳаёт кечирганлар. Улар солиқларни русларга нисбатан икки мартаба кам тўлаганлар.

ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МАДАНИЯТИ

Бухороликлар ўзига хос оилавий муносабатларни асраб-авайлаб сақлаганлар. Уларнинг никоҳ тартиблари ва аёлларга нисбатан муомаласи Ўзбекистондаги тартиб-қоидалардан фарқ қилмаган. Бухороликлар оқсоқоли Мирза Нейматулла Қулмаматовнинг уларнинг урф-одатлари ва диний эътиқоди тўғрисида 1785 йилда ёзган қўлёзмасида совчилар орқали келин танлаш, мулланинг никоҳ ўқиши, кув-келинникида тўй-томошалар, пойга бўлиши кўрсатилган¹.

Қўлёзда шунигиндек, келиннинг ифбатлилига қаттиқ эътибор берилиши ва ифатсиз келин ярмигача ўрага кўмилиб, тошбўрон қилиниши ҳамда ота-оналарнинг рухсатисиз ўзбошимчалик билан оила қурувчи ёшларнинг жазоланиши баён этилган².

Оилада эркаклар бошчилик қилиб, баъзи эркакларнинг икки ёки ундан ортиқ хотинлари бўлган. Бундай ҳол, албатта, юқори табақа вакиллари орасида кўпроқ кўзга ташланган. Аёллар жамоат ишларига аралашмай, кўчада ёпиниб юрганлар. Бу XVII асрнинг 60-йилларида Сибирда бўлган бир европалик саёҳатчининг диққатини ўзига жалб қилган эди: “Улар, – деб ёзган у, – уйдан чиройли шойи буюмларга ўраниб чиқадилар, бошқа бировларни ва бошқалар ҳам уларни кўра олмайди... агар улар бирон жойга ченада бор-

¹ Рукописный фонд краеведческого музея Тобольска, л. 19-20.

² Ўша жойда, в. 20.

моқчи бўлсалар, ченаларнинг усти ҳам чиройли гиламлар билан ёпилади»¹.

Бинобарин, аёллар Сибирда ҳам паранжида юрганлар, бир европалик саёҳ, илк маротаба гувоҳи бўлганлиги туфайли, аёлнинг чачвон орқали ташқи оламини кўришини англамаган.

Кейинги вақтларда аёллар паранжисиз юрган бўлсалар ҳам, лекин эркаклардан беркинганлар. Бу ҳақда С.Патканов шундай деган: «Бухоролик ёш аёллар.. юзини ёт кишига ҳеч кўрсатмайди; масалан, мен бир мулланинг уйига бориб қолганимда, хотини читдан тикилган парда орқасида ўтириб чой тайёрларди: ёш-ёш қизлар билан кўчада учрашиб қолганимда, улар кўпинча деворга ўгирилиб олар ва бошига ташланган рўмол билан юзини бекитарди»². Бундай ҳолнинг XX аср бошларида ҳам бўлганлигини Сибирда бўлган вақтимизда бизга кекса одамлар ҳам сўзлаб беришди.

Аёллар узоқ даврлар мобайнида ўзларининг миллий кийим-бошларини сақлаб бордилар. Бу тўғрида юқорида айтилган европалик саёҳатчи шундай дейди: «Бухоролик аёллар қадди-қомати келишган, гўзал чеҳрали; улар эркакларга ўхшаб узун энгли ва кенг кийим, сурп лозим кийишади... Уларнинг кўйлаги ип газламадан тикилади; бошига... чиройли гул солинган, кумуш ва зар билан тикилган, шунингдек, жуда кўп катта ва кичик кумуш тангалар билан безатилган учи чўққайган қалпоқ кийишади»³.

У ердаги аёлларнинг яسانيши ҳам Ўзбекистонда яшовчи хотин-қизларнинг яسانيшидан фарқ қилмаган. Масалан, ўша европалик саёҳатчининг кўрсатишича, аёллар: «сочини иккита қилиб ўради, бу кокиллар тимқора ва узун бўлиб, аёлнинг орқасига тушади, кокилларининг учи юқорига қайтарилган бўлиб, осилиб туради, уларга кумушдан қилинган безаклар тақилади. Улар бўйнига ва кўкрагига кумуш занжир, шунингдек, кумуш парчаларини тақишади»⁴.

¹ Алексеев М.П. Ўша асар, 351 -бет.

² Патканов С.К. Ўша асар, 35-бет.

³ Алексеев М.П. Ўша асар, 351-бет.

⁴ Ўша жойда.

Бухороликларнинг кийим-бошлари ҳақида Мирза Нейматулла Қулмамаатовнинг қолдирган маълумоти ҳам жуда қизиқарлидир. Бу маълумотлар XVIII аср охирида уларнинг асл кийим-бошлари қандай сақланганлигини кўрсатади¹. Бунга кўра, бухороликларнинг устки кийимлари чакмон ва тўн, оёқ кийимлари эса маҳси, ковуш ва этик эди. Аёллар рўмол ўраган, духобадан қилинган ва кумуш қадалган телпак кийган². Бойлар қишда қимматбаҳо мўйналардан тикилган, камбағаллар эса қўй терисидан қилинган пўстин кийганлар³. Бу вақтларда ҳам хотинлар сочларига кумуш тангалар тақиб юрган⁴.

Юқорида айтилган европалик саёҳатчининг сўзича, бухороликлар зар билан тикилган ва оддий дўппи кийиб юрганлар⁵.

XIX асрнинг 60-йилларига доир маълумотларга кўра, Семипалатинск ва Петропавловскда яшовчи тошкентликлар ҳам ўзларининг асл миллий кийим-бошларини сақлаганлар. Бу ҳақда «Тобольские губернские ведомости»да шундай ёзилади: тошкентликлар чопон кийиб, белбоғ боғлаб юрадилар... қишда эса чопон устидан пўстин киядилар»⁶.

¹ Рукописный фонд Краеведческого музея Тобольска, л. 20.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Алексеев М.П. Ўша асар. 349-бет.

⁵ Ўша жойда, «Живут они (бухарцы — Х.З.) чисто и опрятно, одеваются в красивые одежды. С длинными и широкими халатами, которые они на груди совсем запахивают с одной стороны подмышкой завязывают поясом; эти одежды обычно хорошо сделаны из китайки и китайских материй, из шелка или других, набиты ватой и выстрочены, на головах, которые они гладко выбривают, носят они маленькие шапочки, посаженные на затылке, как ермолки; на этих ермолках густо и богато шелкамы, серебром и золотом вышиты различные узоры: они никогда не снимают эти шапочки, как дома, так даже и тогда, когда они стоят перед всеводой; помимо них, носят они обычно шапки заостренные кверху и сплошь, шва около шва, вдоль и поперек расшитые бумажными нитками».

⁶ «Тобольские губернские ведомости», 1868, № 14.

Шундай қилиб, Сибирь ичкараси ва Сибирь линиясида яшовчи бухоролик ва тошкентликларнинг кийим-бошлари узоқ вақтлар давомида ўзгармай, ўзининг асл шаклини сақлаб келди. Ҳатто XIX аср иккинчи ярмида бухоролик ва тошкентликлар ўзларининг асл кийим-бошларини сақлаганлар. Тўғри, бу вақтларда Сибирь ичкарасида яшовчи бухороликлардан баъзилари рус кийимларини кийган. Лекин бундай кишилар жуда оз бўлган. XX асрнинг бошларига келиб, бухороликлар орасида рус кийимлари кийувчилар кўзга ташланган.

Бухороликларнинг уйи ташқи кўриниши жиҳатидан русларникидан фарқ қилмаган. Ички тузилиши бўйича эса Ўзбекистон уйларига ўхшаган. Уларнинг уй ичида стол ва стуллари бўлмаган. Уй ичига тахтадан ясалган ярим метр баландликда бўлган супа қурилган. Супага эса шолча ёки гилам тўшалган.

Уй-жойларнинг безатилиши эса уларнинг бой-камбағаллигига бовлиқ бўлган, албатта. Оддий уйлар билан бир қаторда, бойларнинг ҳашаматли ва безатилган уйлари ҳам бўлган. XVII асрнинг 60-йилларида Сибирда бўлган европалик шундай ёзган: «Тобольскийда яшовчи бухороликлар Бухоро мамлакатидан келганлар. Улар бой кишилар ҳисобланиб, ёроқлардан қурилган катта деразали ва эшикли ҳамда ҳашаматли уйларда яшайдилар. Хоналар чиройли буюмлар ва қимматбаҳо хитой гиламлари билан безатилган. Бухороликлар озодагарчиликка риоя қилиб, чиройли кийимларни кийишади»¹.

У Тобольскдаги бой бухороликларнинг яхши, ёруғ кенг уйларда туришини, уларнинг уйларида чиройли гиламлар мавжудлигини кўрсатиб ўтган².

Уларнинг ўзларига хос ва мос уйларини ички тузилиши ҳақида Мирза Неъматулла Қулмаматов ҳам ўз қўлёзма аса-рида кўрсатиб ўтган³.

¹ Алексеев М.П. Ўша асар, 349-бет.

² Ўша жойда.

³ Рукописный фонд Краеведческого музея Тобольска, л. 23.

Демак, қарийб икки юз йил давомида бухороликларнинг уй ичи ўзгармаган. Бундай ҳолни XIX асрнинг иккинчи ярмига доир бўлган маълумотлардан кўриш мумкин. Унда бухороликларнинг оила аъзолари яшайдиган уйлар Ўзбекистондаги уйларга ўхшаш эканлиги кўрсатилган¹.

Лекин бухороликлар шароит тақозоси билан русларнинг тартибларини аста-секин ўзлаштира борганлар. Шунини айтиш лозимки, уларнинг айримларининг уй ичи ҳозирда ҳам Ўзбекистондагига ўхшаб кетади. Бунга Сибирда бўлган вақтимизда ишонч ҳосил қилдик.

XVII асрда Сибирга келган европалик саёҳатчининг кўрсатишича, бухороликлар нонни кам истеъмол қилганлар, кўпроқ арпа бўтқа қилиб еганлар². Афтидан, европалик саёҳатчи паловни билмасдан уни арпа бўтқа деб тушунган. Чунки палов бухороликларнинг энг сеvimли таомларидан бири бўлиб келган, ҳатто ҳозирги вақтларда у ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, улар манти, чучвара, угра оши, лағмон каби овқатларни хуш кўришиб истеъмол қилишган. Ҳайит кунлари эса бўғирсоқ, қуштили сингари пишириқлар тайёрланган. Бу овқат турларининг кўпчилиги ҳозирги вақтда ҳам истеъмол қилинади.

Шунга ўхшаш «Тобольские ведомости» газетасининг (1864, № 14) ёзишича, Семипалатинскдаги тошкентликлар таомлардан – палов, қази, шўрвани; мевалардан – туршак, майиз, ёнғоқни истеъмол қилганлар. Ўша газетанинг кўрсатишича, ҳайит кунлари дастурхонни турли ноз-неъматлари билан тўлдириб, меҳмон кутганлар.

Бухороликлар ўрнашган қишлоқларда кўплаб масжидлар қурилган. Масалан 1811 йилда Ембаевда – 2, Тўраевда – 2, Козировда – 1, Оқёрда – 1 ва Салоирда – 1 масжид бўлган.

Улар диний таълимотни даставвал, Бухоро ва Хоразмда, кейинги вақтларда эса Қозон ва Уфада олганлар.

XIX асрнинг ўрталарида бухороликлар яшайдиган жойларда мактаб ва мадрасалар ташкил этилган. Мактабларда

¹ Патканов С.К. Ўша асар. 35-бет.

² Алексеев М.Л. Ўша асар, 350-бет.

еттидан, ўн уч ёшгача бўлган болалар 2–3 йил мобайнида ўқиш ва ёзишни ўрганганлар. Уларда ўқувчилар сони анча кўп бўлган. Тюмендаги мактабларда 400 дан ортиқ бола таҳсил олган.

Истеъдодли ўқувчилар мадрасага қабул қилинган ва бу ерда улар диний таълимотдан ташқари, ўз она тилида мукам-мал ўқиш ва ёзишни, араб, форс, рус тилларини ўрганганлар¹.

Мадрасаларда ўқиш муддати 10 йил бўлган. Аммо мулла унвонини олиш учун кўпроқ ўқилган². Тўраев юртидаги мадрасада 80, Оқёргадагида 70, Шабобиндагида 60, Исқин ва бошқа юртлардагида 20 нафар талабалар таълим олганлар. Қизлар эса саводли аёллар, яъни отинларнинг уйларида ўқиганлар.

Ембоев қишлоғида савдогар Абдулла Ниёз 1841 йилда мадраса қурган эди. Бу мадрасани 1871 йилда ака-ука савдогарлар Сайидиқовлар қайта қурдирган. Кейинги йилларда улар жуда ҳашаматли масжид солдирган. Унинг махсус кутубхонаси ва ошхонаси бўлган. Масжид биноси айни вақтда мадраса ҳам ҳисобланган.

Ембоевдаги бу мадраса бутун Фарбий Сибирда донг чиқарган бўлиб, у ерга фақат бухороликларгина эмас, балки турли жойлардан татарлар ҳам келиб таълим олганлар. С.Паткановнинг кўрсатишича, ўша мадраса Бухородаги мадрасалардан қолишмаган³. Мактаб ва мадрасани иқтисодий жиҳатдан бойлар таъминлаб турган, шунингдек, харажатларнинг бир қисми талабалар зиммасига тушган.

Абдулла Ниёз ва Сайидиқов каби юқори табақа вакиллари Ембоев ва Тўраевдаги мактаб ва мадрасаларни Сибирь мусулмонларининг ғоявий марказига айлантиришга ҳаракат қилган. Улар шу мақсад билан Казаров ва бошқа қишлоқларда ҳам мактаблар очган. Бу мактабларга татарлар ҳам бемалол қабул қилинаверган.

¹ Патканов С.К. Ўша асар. 357-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

Бухороликлар орасида миллатидан қатъи назар камбағалларга ҳар доим ёрдамини аямайдиган обрӯ-эътибор қозонган бой кишилар бор эди. Масалан, ўша савдогар Нигматилла Сайдуқов ҳамма вақт муҳтож кишиларнинг ҳожатини чиқариб, Кошегал ва бошқа волостларда ҳам масжидларни қурган. Ембоевдаги мадраса унинг маблағи ҳисобига иш юритган. Бундан ташқари Ембаевда ёнғин орқасида жабрланганларга икки қаватли уйларни қуриб берган.

Бой бухороликлар «шарқ диди» билан қурилган икки қаватли уйларда яшаганлар. Шунинг билан бир қаторда оврапа хилидаги Вена мебели, стол, девон, катта ойна билан жиҳозланган алоҳида хоналарга ҳам эга эдилар. Уларга гилам солинган.

Нигматилла Сайдуқовни «фақат Тюмен округидаги муслмонларгина эмас, балки руслар ҳам жуда катта ҳурмат ва иззат билан тилга олганлар».

Сибирдаги бухороликларнинг мактаб ва мадрасалар қошидаги кутубхоналарида нодир асарлар тўпланган эди. Жумладан, Ембоевдаги мадраса кутубхонасида араб, форс ва туркий тилларда қимматбаҳо қўлёмалар бор эди. Бундан ташқари, кўплаб саводли кишилар қўлида бадиий, диний, фалсафий китоблар, тиббиёт ва бошқа фан соҳаларига оид асарлар ҳам бор эди. Ўша пайтларда Сибирда Абу Али ибн Сино, Навоий каби буюк олим ва шоирлар асарларини ҳам учратиш мумкин эди. Шунини қайд қилиб ўтиш керакки, Абулғози Боҳодирхоннинг «Шажараи турк» деган машҳур ва воят қимматбаҳо асари биринчи маротаба Сибирда топилиб, шундан кейин у Европада муҳим тарихий манба сифатида маълум бўлган. Бу асарни рус-швед урушида асирликка олиниб, Сибирга сургун қилинган Страленберг деган швед Тобольскда яшовчи бир бухороликдан олиб, таржима қилган. Унда Сибирь тарихига оид қимматли маълумотлар ҳам бор.

Машҳур Сибирь тарихчиси Г.Миллер XVIII асрнинг иккинчи чорагида Сибирда бўлган вақтда унга бир бухоролик «Шажараи турк» асарини таржима қилиб борган.

Сибирдаги бухороликлар одобли ва маданиятли кишилар бўлган. Шунинг учун ҳам улар саёҳатчиларда жуда яхши таассурот қолдирган. XVIII асрда Сибирга келган саёҳатчиларнинг у ердаги бухороликларнинг меҳмондўст, софдил кишилар эканлиги ҳақида айтган гапларини тасдиқлайди. Бухороликларнинг Сибирда, Шимолий уруш даврида асир тушган шведлар келгунга қадар бирдан-бир маълумотли кишилар бўлганлигини кўрсатади¹. С.Бахрушин ҳам бу ҳақда: «Сибирдаги татар аҳолиси орасида бухороликлар ўзининг кўплаб билимлар эгаси эканлиги билан ажралиб турарди»², – дейди.

Бухороликлар меҳнатсевар ва софдил кишилар сифатида обрў қозонди. Россия пойтахтининг «Санкт-Петербург» журнали 1806 йилда Сибирдаги бухороликлар тўғрисида бундай деб ёзган эди: “Уларнинг аксари баланд бўйли ва ингичкадан келган, кўзлари кичик-кичик, қулоқлари катта, ақллари эса расодир; улар виждонли, тиришқоқ, чидамли ва хушмуомалали одамлардир”.

С.Бахрушиннинг кўрсатишича, Сибирь шаҳарларидаги савдогарларнинг кўпчилигини бухороликлар ташкил этган ва улар анча юқори маданиятли бўлганлиги учун руслар билан бир қаторда, давлатнинг турли масъул ишларини бажаришган. Улар давлат мўйналарини баҳолаш ва божхона хизматига жалб этилган.

Шунингдек, улар Обь дарёсининг қуйи томонидаги балиқчилардан давлатга тегишли бўлган ўндан бир ҳисса балиқни йиғиш учун у ерга сафар қилинарди. Ниҳоят, улар савдо агентлари сифатида Ямишев кўли ярмаркасига ва Устюгга асал, мовут, ғалла сотиб олиш учун давлат вакили сифатида жўнатиларди³.

Рус ҳукумати ўзининг Шарқ билан, жумладан, Хитой билан бўлган алоқасида бухороликлардан таржимон ва дип-

¹ Потанин Г.Н. Ўша асар. 51-бет.

² Бахрушин С.В. Научные труды, том IV, стр 212.

³ Ўша жойда.

ломатия ходимлари сифатида ҳам фойдаланган. Масалан, бухоролик Саидқул деган киши Рус ҳукумати томонидан уч марта элчи сифатида Хитойга юборилган эди. Саидқулнинг элчилик фаолияти П.Т.Яковлеванинг асарида анча тўла баён этилган¹. У биринчи марта 1653 йилда хазина моллари билан Пекинга татар П.Яришкин билан биргаликда юборилган. Бу ерда у Хитой ҳукумати томонидан яхши қабул қилинган. Хитой императори рус подшоси юборган совға эвазига 33 газ духоба, 209 газ ипак газлама, кумуш пиёла ва бошқа қимматбаҳо совғаларни Саидқулга топширган. У ўз зиммасига юклатилган вазифани – савдо ва дўстлик алоқаларини кучайтириш вазифасини муваффақиятли бажариб, 1656 йилда Россияга қайтиб келган.

У йўлда келаётганда Хитойга бораётган иккинчи бир рус элчиси Байковни учратиши керак эди. Аммо улар бир-бирларига дуч келишмаган.

Пекинда Байков рус подшосининг совғасини ва ёрлигини рус одати бўйича Хитой императорига топшириш истагида қатъий турган. Бу вақтда казакларнинг Амурга юриши бошланиб, у узоқ вақт Пекинда назорат остида қолиб кетган². Шуниси диққатга сазоворки, Байков ва Хитой амалдорлари ўртасидаги суҳбатда бухоролик Эркин номли мулла таржимонлик қилган. Бу киши суҳбатни хитой тилидан мўғул тилига таржима қилган, сўнгра мўғул тилидан рус тилига ўгирилган.

Байков ва у билан юборилган хазина молларини келтириш учун Саидқулни иккинчи марта Хитойга юборишга қарор қилинган³. Рус подшосининг Хитой императорига ёзилган хати унга берилган. Хатда Байковни бутун мол-мулки билан ўз ватанига қайтариш ва икки давлат ўртасида савдо-сотикни кучайтириш масалалари қўйилган эди. Аммо у йўлга отланмасданоқ Байков рус подшосининг ёрлиғи ва совғаларини қайтариб олиб келган эди.

¹ Яковлева П.Г. Первый русско-китайский договор 1768. М., 1958.

² Ўша асар, 96-бет.

³ Ўша асар, 57-бет.

Шунга қарамай, рус ҳукумати Хитой билан савдо алоқаларини кучайтириш мақсадида 1658 йилда Саидқул ва Тара боярининг ўғли Иван Перфильевларни Хитой императорига совға ва ёрлиқ билан жўнатади. Улар 1662 йилда ўз вазифаларини бажариб, Хитой императорининг ёрлиғи билан қайтиб келадилар. Ёрлиқ мазмунига кўра, Хитой императори совғаларни қабул қилган. Элчилар ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқни яхшилашга эришишган¹.

Шундай қилиб, Саидқул ўзига юклатилган бу галги вазифаларни ҳам муваффақиятли бажаради. Бу унинг уста дипломат бўлганлигидан дарак беради.

Рус ҳукумати уни учинчи марта Хитойга юборишга қарор қилади. 1664 йилда подшо Алексей Михайлович Саидқулга Москва, Ярославль ва Россиянинг бошқа шаҳарларида хазина ҳисобидан Хитойда тез ўтадиган рус молларини сотиб олишни буюради. У бу топшириқни бажариб, 1668 йилда 26 нафар рус, татар соқчилари ва Раҳматулла Нурумов номли бухоролик билан 45000 сўмлик хазина моллари билан Пекинга жўнайди. Булар 1082 газ мовут, 3574 та оқсичқон, 1500 та олмахон, 788 та қизил тулки, 163 та сувсар ва 1719 та кўкимтир тулки мўйналари, 397 та чарм, занг урадиган соат, ойна ҳамда бошқа моллардан ташкил топган.

Саидқул ҳамроҳлари билан Ямишев кўлига келганда унга бухоролик 200 савдогар ва қалмоқ шахзодасининг элчиси қўшиладилар.

Улар Пекинга келгач, у ерда Саидқулни «Буюк подшоҳ вакили» сифатида элчихонага, савдогарларни эса «Бухоро саройига» жойлаштиришган². Хитой императори Саидқулни қабул қилиб, у билан суҳбатлашиб, бемалол савдо қилишга ижозат этган.

Саидқул ўз ҳамроҳлари билан уч марта император боғидаги зиёфатга таклиф этилган. Хуллас, у Пекинда жуда яхши қабул қилинган. Ҳатто император унинг хавфсизли-

¹ Ўша асар, 101-бет.

² ЦГАДА России, ф. Сибирский приказ, ст-ц 535, л. 3, 81.

гини таъминлаш мақсадида Хитой деворигача кузатувчи тайинлаган. Шундай қилиб, у ўз зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариб, бу билан Россия ва Хитой ўртасидаги алоқанинг жонланишига маълум ҳисса қўшади. Олдинги йилларда Россия элчиларининг (жумладан, Байковнинг) Пекиндаги фаолияти муваффақиятсизлик билан тугалланган бир пайтда, Саидқул у ерда яхши қабул қилинади. Хитой императори Россиядан элчи ва савдогарларнинг Хитойга тез-тез юбориб турилишини рус ҳукуматига етказишни унга маълум қилади¹. Шу сабабли рус ҳукумати 1625 йилда Хитойга Спафарий бошчилигида элчи юборган.

Саидқул ва унинг ҳамроҳлари 1672 йилда Тобольскка ва у ердан ҳисобот бериш учун Москвага келган. Унинг ҳисоботига кўра, рус моллари эвазига Хитой моллари олиниб, давлат хазинасига катта фойда келтирилган. Шунинг учун ҳам Саидқул ва унинг ҳамроҳлари хизматлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Бухороликлар орасида газета-журнал ходимлари ҳам етишиб чиққан. XVIII аср иккинчи ярмида Тобольскда чиқадиган «Иртиш» журналида бухоролик А.Маметов деган киши қатнашган. Россиядаги вилоят журналлари ичида энг илғор журналлардан бўлган ана шу «Иртишга» Сибирга сургун қилинган адабиётчи П.Сумароков бошчилик қилган. А.Маметов шу журналда ўзининг «Мнение магометан о смерти пророка Моисея» («Мусо пайғамбарнинг вафоти ҳақида мусулмонларнинг фикрлари») номли мақоласини чоп этган. Ҳали аниқланиши лозим бўлган айрим маълумотларга кўра, А.Маметов журнал ходимлари орқали Сибирга сургун қилинган машҳур рус ёзувчиси Радишчев билан кўришган. Бу учрашув Сумароковнинг уйида бўлиб ўтган. Бу ерда Радишчев А.Маметов билан дўстона суҳбатлашиб, унинг Иртишда босилган мақоласини албатта, ўқиб чиқажагини айтган. Шу билан бир қаторда, Радишчев Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларига доир асар

¹ Ўша жойда, 198-бет.

ёзишни Маметовга таклиф этган. У бу таклифни қабул қилиб, маълум вақтлардан сўнг бу ишни амалга ошириш учун Бухорога кетган. Афсуски, А.Маметовнинг кейинги йиллардаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар йўқ.

Айрим маълумотларга кўра, А.Маметов «Иртиш» журналадан ташқари, «Любители науки» («Фан мухлислари») жамиятининг аъзоларидан бири бўлган¹.

Демак, А.Маметов ўша вақтда Сибирдаги илгор кишилардан бири ҳисобланган. Шунингдек, Ният Боқи номли бухороликнинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. У киши «Татар ва араб алифбоси» номли дарслик ёзган. Бу асар 1802 йилда Россия Фанлар Академияси томонидан Санкт-Петербургда босиб чиқарилган.

Афсуски, Ният Боқи ҳақида унинг дарслиги муқовасида ёзилган номдан бошқа ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Бу дарслик тил алфавитини ёзиш ва талаффуз қилиш қоидаларидан бошланиб, сўнгра унинг грамматикаси баён этилган. Дарслик ўзбек тили худди ўзгинасидир, лекин унинг номи татар тили алифбоси деб юритилган. Бунга ўша вақтларда Россияда туркий тилли аҳолини татарлар деб юритилиши сабаб бўлган.

Ўша дарсликнинг Россия Фанлар Академияси томонидан нашр этилиши ва унга юксак баҳо берилишини кўрсатиш билан бир қаторда, Россияда турк тилларини, жумладан, ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш бўлганлигидан далолат беради.

Сибирдаги бухороликлар узоқ вақтлар мобайнида ўз она тилини сақлаганлар. Бу тўғрида уларнинг ўз қўллари билан ёзилган ва архивларда сақланаётган аризалари, шикоятлари ва савдо ҳужжатлари гувоҳлик беради.

¹ Ядринцев С.М. Сибирь как колония. СПб., 1892, с. 665.

БУХОРО ВОЛОСТЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА БУХОРО ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бухоролик ва тошкентликлар рус ҳукумати томонидан берилган имтиёзлардан узоқ вақтлар давомида фойдаланиб келдилар. Ҳатто 1800 йилда ҳам рус ҳукумати бухоролик ва тошкентликларга 1787 йилда берилган имтиёзларни қолдириш ва уларга қўшимча 26 тийин жон солиғини татбиқ қилмаслик тўғрисида фармон чиқарди¹. 1801 йилда эса Тобольск губерния маҳкамаси бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларни эътиборга олиб, уларни почта станцияларидаги отларни боқиш ва ҳарбий қисмларга ўтин тайёрлаш каби мажбуриятлардан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилди².

XIX аср бошларидан бухоролик ва тошкентликларга нисбатан маҳаллий ҳокимиятнинг муносабати ўзгара бошлаган. Чунки бу вақтларга келиб, Сибирь Россиянинг марказий қисми ва бошқа жойлари билан иқтисодий жиҳатдан илгаригига нисбатан анча яхши боғланиб, унинг ички ва ташқи савдосида рус савдогарларининг таъсири кучайган эди. Улар бу ерда давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиб, савдода ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олган ва нафақат Осиё, моллари балки рус моллари билан бўладиган савдода ҳам катта даромад олаётган бухоролик ва тошкентлик савдогарларга дуч келди.

Бухороликларнинг имтиёзлари ва фаолиятига доир ҳужжатда (1808 й.) шундай дейилган: Сибирдаги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган бухороликлар ерлардан, ҳунармандчилик ва савдодан бемалол фойдаланиб, имтиёз ва даромадлар ҳузурини кўрмоқдалар. Ҳукумат томонидан берилган имтиёзли ерликлар асосида ўзлари яшаётган жойлар билан бир қаторда бошқа жойларда, хусусан, шаҳарлар-

¹ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 213, л. 59.

² Ўша жойда, оп. 84 д. 14, л. 45.

да, уезд ва губернияларда гильдияларга ёзилмай ва буларга тегишли ўлпонларни тўламай, кенг кўламда савдо билан шуғулланмоқдалар. Маълумки, ҳукумат қадимги даврлардан бошлаб ички ва ташқи савдони мақсадида бухороликларга имтиёзларни бериб жуда оз миқдордаги солиқларга жалб қилинган эди. Ҳозирда бухороликларни имтиёзларини қайта кўриб чиқиш вақти келди¹.

Ҳукумат бухороликларга берилган имтиёзларни бекор қилишга шошилмади. Шу боис кураш тинмай давом этверди. Масалан 1833 йилда Омский област бошқармаси Петропавловский ва Семипалатинскийдаги тошкентликлар, бухороликлар, қўқонликлар ва марғилонликларнинг имтиёзларни бекор қилиш масаласини кўтарди. Улар, - дейилган бошқарма хатида, - ҳеч қандай савдо мажбуриятларига тортилмай, ҳеч қандай солиқларни тўламай келгиндилар сифатида хориждан молларни келтириб савдо қилмоқдалар. Тошкент, Бухоро ва баъзи Хитой шаҳарларига қатнаб, русларга нисбатан тўрт баробар кам бож тўламоқдалар².

Бунга жавобан тошкентликлар, бухороликлар, қўқонлик ва марғилонликлар ўзларининг катта хизматларини рўқач қилиб, рус императорига хат ёздилар. Номада шундай дейилган: Бизлар Тошкент, Қўқон ва Бухородан молларни келтириб Нижний Новгород ва Ирбит ярмаркаларида қатнашмоқдамиз. Айни пайтда Қашқар, Тибет, Кашмир, Ғульджа, Чугучак ва Оқ-сув билан савдо қилиб бу ерлардан Семипалатинский карвон йўлини очдик ва савдони йўлга қўйдик. Эндиликда бу йўлдан рус савдогарлари ҳам фойдаланиш имконига эга бўлдилар³.

Бу гал ҳам ҳукумат имтиёзларни бекор қилишни лозим топмади. Чунки бухоролик ва тошкентликларнинг савдо алоқаларини ривожлантиришдаги тутган ўрни ҳамон катта эди. Бироқ рус савдо аҳли ва бухороликлар ўртасида рақобат ва кураш тобора қизғин тус олиб борди.

¹ Омский областной архив, ф.2. д. 158, л. 277.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге. Ф. 18, оп. 4. д. 501, л. 8.

³ Ўша жойда, 18-бет.

Улар маҳаллий ҳокимият билан биргаликда, бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларни бекор қилиш масаласини кўтардилар. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият уларга турли солиқлар сола бошлади. Шу муносабат билан улар 1810 йилда Сибирь генерал-губернатори сенатор И.Б.Пестелга шикоят хати ёздилар. Бунда улар рус ҳукумати томонидан берилган имтиёзлар туфайли Бухородан Сибирга кўчиб келганликларини эслатиб, ўзларининг империя олдидаги хизматларини баён этдилар. «Биз Тобольск, Тара, Тюмень шаҳарларида ва шу уездлардаги тортиқ қилинган, сотиб олинган ёки ижарага олинган ерларимизда яшаймиз ва Осиё товарлари билан савдо қиламиз, бунинг учун Осиёнинг энг чекка жойларигача борамиз, бу ерларда бизни ерли халқларнинг тили ва урф-одатларини билганимиз учун яхши қабул қилишади»¹.

Маълумки, бухоролик ва тошкентликлар Ўзбекистонга борганларида, Сибирда ҳаёт учун тинч шароит мавжудлигини ва у ерга ўрнашувчиларга имтиёзлар берилишини тарғиб қилганлар. Улар ўз хатида ана шу хизматларини ҳам баён этганлар².

Хуллас, улар маҳаллий ҳокимиятнинг улардан ҳарбий кишилар яшаши учун жой беришини, йўлларни тузатиш ва жон солиғига қўшимча қилинган 18 тийинни тўлашни талаб этаётганлигини генерал-губернаторга маълум қилганлар. Шунингдек, хатда улар ўз олдидан ўтадиган йўлларнинг доимо тузатиб келинаётганлигини ва қозилар бухороликлар ҳисобига таъминланаётганлиги кўрсатилиб, юқоридаги солиқларни тўлаш бутунлай нотўғри эканлиги баён этилган³. Улар солиқларни бекор қилинишини илтимос қиладилар.

Сибирь генерал-губернатори сенатга мурожаат қилиб, бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларни бекор қилишни сўрайди. Сенат уларнинг узоқ вақтлардан бери ҳукумат имтиёзларидан фойдаланиб келаётганлик-

¹ Государственный архив Омской области, ф. 2, д. 158, л. 1.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда. ф. 2. д. 158, л. 5-5.

лари сабабли уларни бекор қилиш мумкин эмаслигини маълум қилди¹.

1817 йилда Томск губернатори ҳам бухоролик ва тошкентликларнинг имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида Сибирь генерал-губернаторига ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Унда ҳозирги бухороликларнинг Россияда туғилганлиги, шунинг учун улардан ҳам маҳаллий халқлар билан барабар солиқ олиниши лозимлиги айтилади. Сибирь линияларида яшаб, ҳали Россия таабалигига ўтмаган тошкентликларни хоҳлаган вақтда таабаликка қабул қилиш, буни хоҳламаган тақдирда тошкентликларга бир йил муддат бериш ва уларга бу вақт ичида савдосини тугатиб, ўз ватанларига қайтишни таклиф этиш кўрсатилади². Бу билан губернатор тошкентликларнинг Сибирь линияларида муддатсиз меҳмон бўлиб яшашларига барҳам бериш масаласини кўтарган эди. Унинг фикрича, Россия таабалигига ўтган кишиларни беш йил давомида бутун солиқ ва мажбуриятлардан озод қилиш, ундан кейин эса уларни маҳаллий аҳоли билан тенглаштириш керак эди³. Бу таклифларнинг Сибирь билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларга салбий таъсир этишини назарда тутган Сибирь генерал-губернатори уни оқибатсиз қолдиради.

Рус бўлмаган халқларни идора қилиш тўғрисида 1822 йилда чиқарилган уставда бухоролик ва тошкентликлар ҳақида ҳеч гап бўлмаганлиги туфайли маҳаллий ҳокимият уларнинг ҳуқуқларини бошқа халқлар ҳуқуқлари билан тенглаштириш масаласини кўтарди. Шунинг учун ҳам бухоролик ва тошкентликлар ўзларига берилган имтиёзларнинг қолдирилишини сўраб, рус императорига хат ёздилар.

Рус императори уларнинг аризасини кўриб чиқишни Сибирь комитетига топширди⁴.

¹ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1291, оп. 84. д. 120. л. 2.

² Ўша жойда, ф. 1264, д. 213, д. 41, 42, 43.

³ Ўша жойда, ф. 1291, оп. 84. д. 120, л. 42.

⁴ Ўша жойда, ф. 1294, оп. 1. д. 213. л. 1.

Бу комитет ўзининг 1823 йил 19 декабрдаги биринчи йиғилишида аризани муҳокама қилди. Муҳокамада улар бухороликларни икки тоифага, яъни бири деҳқончилик, иккинчиси савдо билан шуғулланувчи кишиларга бўлиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Биринчи тоифадагиларни сенат маърузаси асосида давлат деҳқонлари билан тенглаштириш, иккинчи тоифадаги кишилар масаласини эса маҳаллий ҳокимиятнинг ўзи кўриб чиқиши тўғрисида қарор қабул қилинди¹. Қарорда Сибирь генерал-губернаторлигида ва Сибирь маҳкамасининг бошқармасида кўтарилган масаланинг муҳокамасига рус ва бухоролик савдогарлар вакилларини чақириб, уларнинг даъволарини эшитиб, бир фикрга келиш, буни тегишли ҳукумат идоралари тасдиғига юбориш қайд қилинди. Сибирь комитетининг бу қарори шахсан рус императори томонидан 1824 йил январида тасдиқланди².

Сибирь комитети қарорини амалга ошириш учун Фарбий Сибирь генерал-губернатори, Тобольск граждан губернаторига бухоролик ва тошкентликлар яшайдиган округ маҳкамасида бухороликлар ва русларнинг «савдо жамият»лари вакилларини чақириб, даъволарини эшитишни буюрди³.

Рус савдогарлари бухоролик ва тошкентликларнинг имтиёзларига қарши ўз фикрларини баён этиш учун М.Селиванов, И.Ширков ва А.Ширковлардан иборат вакилларни сайладилар⁴. Булар 1826 йилда рус савдогарлари номидан Тобольск округ маҳкамасида бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларни бирма-бир баён этиб, уларни берилиш сабабларини тушунтирдилар⁵. Улар бухо-

¹ Ўша жойда, 21-бет.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1204, оп. 1, д. 213, л. 26.

³ Ўша жойда, 37-бет.

⁴ Государственный архив Омский области, ф. 3, д. 424, л. 73.

⁵ ЦГИА России в Санкт-Петербурге. ф. 1264, оп. I, д. 213, л. 39. «Российске купечество не имело с соседственными азиатскими народами в их местах никакой торговли, или ещё более, по обстоятельствам тогдашнего времени не смело делать к ним отпуск товаров, то чтобы привлечь бухарцев к России, позволено им было без всякого стеснения

ролик ва тошкентликларга имтиёзлар берилган вақтлардаги шароит бошқача бўлиб, Сибирда ҳали рус савдогарлари унчалик кўп бўлмай, ички ва ташқи савдода тутган ўрни анча сустиги, имтиёзлар фақат ўзбек моллари билангина бемалол савдо қилиш ҳуқуқи борасида эканлиги тўғрисида сўз юритадилар¹. Аслида, рус ҳукумати бухороликларга рус ва ўзбек моллари билан савдо қилиш ҳуқуқини берган эди. Масалан, 1645 йилги имтиёзнинг берилишига оид ҳужжатларга кўра, улар мўйна ва бошқа рус молларини Архангельск ва Россиянинг бошқа жойларига етказиб турганлигини рус подшосига маълум қилганлар. Аммо у жойлардаги маҳаллий ҳокимият уларнинг савдо фаолиятига тўсқинлик қилган. Шу муносабат билан бухороликлар рус подшосидан уларнинг Россиянинг турли жойларида бемалол савдо қилиши тўғрисида фармон чиқарилишини сўраган. Маълумки, бухороликларнинг бу талаби қондирилиб, махсус фармон чиқарилган эди. Бу фармон кейинги йилларда ҳам рус императорлари томонидан тасдиқланган. Шунинг учун ҳам бухоролик ва тошкентликлар икки юз йилдан ортиқ вақт ичида Ўрта Осиё, Россия ва Европа моллари билан бемалол савдо-сотик қилдилар. Бинобарин, рус савдогарларининг бухоролик ва тошкентликларни рус моллари билан қонунсиз равишда савдо қилган деб айблаши ҳақиқатни акс эттирмайди.

Рус савдогарлари бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларга қарши чиқиб, уларнинг ҳуқуқларини бошқа савдогарлар билан тенглаштиришни талаб қилдилар. Уларнинг даъвоси Тобольскдан Петербургга юборилди. Сибирь комитетининг қарори Томск ва Омскда муҳокама қилиниб, бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларни бекор қилиш таклифи маъқулланди. Акс ҳолда рус

ввозить товары свои во все города, для пользы Российского купечества, дабы тем дать способы распространению торговли с бухарцами; ибо Сибирское купечество едва только возникать тогда начинало.»

¹ Государственный архив Омской области, ф. 3, д. 424, л. 73.

савдогарларининг манфаатларига катта зиён етказилиши уқтириб ўтилди¹.

Бухоролик ва тошкентликлар вакиллари эса рус ҳукума-тидан имтиёзларни қолдиришни қатъий талаб этди. Улар Сибирь комитети қарорини бутунлай асоссиз деб ҳисобла-ди ва бунга қарши 1826 йилда шахсан рус императорига мактуб юборди.

Улар ўз хатида ота-боболарининг Сибирга ўрнашиш са-бабларини ва уларнинг рус давлати олдидаги катта хизмат-ларини ҳамда Россиянинг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқасини ривожлантиришдаги муҳим ўрнини эслатиб ўт-дилар. Хатда шундай ёзилган эди: "Бизнинг аждодларимиз... ўзининг ватани Бухородан рус подшоҳлигига қарашли ва янги забт қилинган Сибирь билан савдо қилишга, шу орқа-ли Россия билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилдилар, бу йўлда муваффақиятларга эришиб турдилар... Сибирнинг ўша вақтдаги ҳукумати ота-боболаримизга ҳар томонлама илтифот кўрсатиб келди. Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашини сезган отабоболаримиз ва уларнинг кейин-ги авлодлари барча хавф-хатарлар ва қийинчиликларга қа-рамай, ўзларига ҳам, шунингдек, Россияга қўшни бўлган Осиё халқларига ҳам Россия билан дўстона алоқалар ўрна-тиш учун йўл очдилар"².

Хатдан яна шу нарса маълум бўладики, 1824 йилда Си-бирь комитети қарорига асосан Фарбий Сибирь маъмурияти бухоролик ва тошкентликларни мажбурий суратда гильдия-ларга киритиб, солиқ тўлашга мажбур этган³.

Фарбий Сибирь генерал-губернатори Омск область бош-лиғи тақдимиға мувофиқ, бухоролик ва тошкентликларни фақат яшаб турган жойларидагина савдо қилишга маж-

¹ Ўша жойда, ф. 3, д. 424, 32, 38, 40, 41, 58, 64, 74. ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 213, л. 40, 41.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. I. д. 213, л. 54-55.

³ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 213, л. 59.

бур этган¹. Бошқа жойларда эса улар гильдия бадалларини тўлаб, махсус гувоҳнома олиб, савдо қилишлари мумкин эди. Бу тартиблар ўша йилдаёқ Молия министрлиги томонидан бекор қилинди ҳамда бухоролик ва тошкентликлардан олинган солиқлар эгаларига қайтариб берилди².

Лекин шунга қарамай, Сибирь маъмурияти бухоролик ва тошкентликларга берилган имтиёзларни бекор қилиш ҳаракатини давом эттирди. Улар ўз хатида бундай ҳаракатларга барҳам берилишини ҳамда имтиёзларнинг ўз кучида қолдирилишини рус императоридан сўраган эди³.

Рус императорининг кўрсатмасига мувофиқ, бухоролик ва тошкентликлар хати ва уларнинг имтиёзларини бекор қилиш масаласи Министрлар комитетида икки марта муҳокама қилинди. Бу муаммо Молия министрлиги, Сибирь комитети ва Сибирь Бош бошқармаси томонидан ҳам кўриб чиқилди. Натижада бухоролик ва тошкентликларнинг имтиёзларини бекор қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилган бўлса ҳам, қатъий бир қарор чиқарилмади.

Ниҳоят, 1827 йилда Сибирь Бош бошқармаси Сибирь комитетининг 1824 йилги қарори асосида бухоролик ва тошкентликлар тўғрисида ўзининг таклифларини Давлат кенгаши тасдиғига тақдим этди. Бу таклифлар қуйидагилар эди:

«1. Қонуний йўл билан сотиб олинган ерлари бўлган бухоролик ва тошкентликлар оброкдан озод қилинган ҳолда ўз мулкида қолдирилсин, лекин улар бошқа солиқларни рус деҳқонлари билан баравар тўлайди; давлат еридан ўн беш десятина ер берилган деҳқонлар эса солиқ ва мажбуриятларни давлат деҳқонлари қатори ўтасинлар...

2. Савдо билан шуғулланишни истаган бухоролик ва тошкентликлар гильдияга ёзилсин, улар рус савдогарлари билан баравар ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлсин, мулк ва ерга эгалик қилиб, бошқалар билан бир қаторда барчага умумий бўлган мажбуриятларни бажарсин;

¹ Ўша жойда. 60-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, 63-64-бетлар.

3. Бухоролик ва тошкентликларга қонун йўли билан ўз ерини сотиш ҳуқуқи берилсин»¹.

Демак, бу таклифга кўра, бухоролик ва тошкентликларнинг деҳқончилик ва савдо соҳасидаги ҳуқуқлари русларнинг ҳуқуқлари билан тенглаштирилиши лозим эди. Давлат кенгаши 1828 йилда Сибирь Бош бошқармасининг таклифларини кўриб чиқиб, уларни қонун чиқарувчи департамент ва давлат иқтисодиёти қўшма йиғилишида муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилди². Давлат кенгаши бу йиғилишда бухоролик ва тошкентликлар имтиёзига доир таклифлар арманларнинг савдо масаласи билан биргаликда ҳал қилинишини кўрсатиб ўтди³.

Сибирь комитети берган жавобга кўра, арманлар савдоси ҳақида Низом эълон қилинган. Аммо бухоролик ва тошкентликлар масаласи қандай ҳал этилганлиги Сибирь комитетига маълум бўлмаган⁴. Афтидан, бу масала қўшма йиғилишда ҳам ҳал қилинмагандир эҳтимол, чунки бу тўғрида бирор қарор чиқарилмаган, акс ҳолда, Сибирь комитети бундан хабар топар эди.

Бу вақтларда бухоролик ва тошкентликларнинг савдо фаолиятига айрим маҳаллий ҳокимият вакиллари тўсқинлик қилди. Аммо бундай ҳаракатларга барҳам бериш ҳамда масала узил-кесил ҳал бўлгунга қадар бухоролик ва тошкентликларни ўз имтиёзларида қолдириш тўғрисида Молия министрлиги 1824 йилда⁵, Сибирь комитети 1827 йилда⁶ ва Сибирь генерал-губернатори 1828 йилларда⁷ қарор чиқарди.

Шундай қилиб, бухоролик ва тошкентликлар аввалгидек Сибирнинг ички ва ташқи савдосида фаол қатнашдилар.

¹ Ўша жойда, 560-йиғмажилд, 8-11-бетлар.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда, 213-йиғмажилд, 108-бет.

⁵ Ўша жойда. 96-бет.

⁶ Ўша жойда, 107-бет.

⁷ Ўша жойда, 99-бет.

Жумладан, 1828 йилда бир гуруҳ бухоролик ва тошкентликлар карвонлар билан Омск орқали Ўрта Осиёга жўнаганлар¹.

Уларнинг имтиёзларига қарши ҳаракат йигирма йилдан ортиқ давом этиб, бу вақт ичида мазкур масала Сибирь маҳаллий ҳокимиятидан тортиб, то давлатнинг олий идоралари ҳамда министрликлари томонидан кўриб чиқилди. Шунга қарамай, имтиёзларга доир масала тезлик билан ҳал этилмади. Чунки улар ўзларининг имтиёзларини асослаб беришди. Бунинг устига, рус ҳукумати уларнинг Ўзбекистон ва Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан алоқада тутган ўрни ва Сибирь савдосини тараққий эттиришдаги хизматларини назарга олиб, имтиёзларни бекор қилишга шайланмади. Бундан ташқари, рус ҳукумати бухоролик ва тошкентликлар имтиёзларини сақлаш орқали Ўрта Осиёда Россия таъсирини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган эди. Аммо вақт ўтиши билан Сибирь линиясида янги савдо марказларининг пайдо бўлиши, бу жойларда, асосан, Тошкент шаҳридан келган янги савдо доираларининг шаклланиши муносабати билан Сибирь ичкарасида қадимдан яшаб келаётган «эски» бухоролик ва тошкентликларнинг воситачилик роли маълум даражада пасайди. Улар имтиёзлардан фойдаланиб, кўпроқ Сибирьнинг ички савдосини тамомила эгаллаб олиш хавфини туғдирди. Бу ҳол ҳам рус савдогарларини жуда ташвишлантириб қўйди.

Уларнинг имтиёзларини чегаралаш масаласи ҳақида бўлган узоқ тортишувлардан кейин 1834 йилда Давлат кенгаши ўзининг қуйидаги махсус қарорини чиқарди ва бу қарор рус императори томонидан маъқулланди:

1. «Ҳозирги вақтда Фарбий Сибирда савдонинг ўзи билангина шуғулланувчи Россия фуқаролари бўлмиш бухоролик ва тошкентликларга 1795 йил 17 сентябрдаги ёрлиқ бўйича қуйидаги товарлар билан гильдия божини тўламасдан савдо қилиш ҳуқуқи берилади;

¹ Ўша жойда. 96-97-бетлар.

а) Бухоро, Тошкент ва Осиёнинг бошқа жойларидан келтирилган моллар билан фақат Осиё чегарасида ва 7-ревизия бўйича ўзи яшаган жойда;

б) Россия ва умуман, Европа товарлари билан фақат Россия империясидан ташқарида савдо қилинса.

2. Осиё ҳамда Россия ва умуман, Европа товарлари Россия таабалигидаги бухоролик ва тошкентликларга умумий асосда, яъни Фарбий Сибирдаги бошқа рус савдогарлари билан бир қаторда савдо гувоҳномаларини олиш ва гильдия мажбуриятларини тўлаш шарти билан савдо қилишга рухсат этилади.

3. Бухоролик ва тошкентликларга Сибирга четдан келиб ўтроқ бўлиб қолган халқлар билан бир қаторда, бундан кейин 10 сўм миқдорида тутун солиғи солинсин, бунда давлат томонидан ер берилгани учун олинаётган натура солиғи ва барчага умумий бўлган мажбуриятнинг тўланганлиги назарга олинмайди. Қонуний равишда сотиб олган ўз ерида деҳқончилик қилаётган кишилар бундан мустаснодир.

4. Бу қоидалар 1835 йил январидан амалга оширилсин¹.

Шундай қилиб, деҳқончилик билан шуғулланувчи бухоролик ва тошкентликлар тўлайдиган солиқлар бошқа халқлар тўлайдиган солиқлар билан тенглаштирилди. Улар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар моллари билан фақат ўзи доимий яшайдиган жойда, жумладан, Сибирь линиясида гильдия солиқларини тўламасдан савдо қилишлари мумкин эди. Рус молларини эса Россия чегарасидан ташқари жойларда гильдия солиқларини тўламасдан сотишга рухсат этилди.

Улар гильдия солиқларини рус савдогарлари билан бир қаторда тўлар эдилар.

Шу аснода бухоролик ва тошкентликларнинг имтиёзлари анча чегараланган бўлса ҳам, лекин бутунлай тугатилмади. Натижада улар ҳамон имтиёзли кишилар сифатида қол-

¹ Государственный архив Тобольска, ф. 464, он. 1, д. 27, в. 2 «Полное собрание законов», том IX, СПб., 1835, с. 1237.

дилар ва уларнинг «Фахрий бухороликлар» номи сақланди. Шунингдек, бухоролик ва тошкентликларни ҳарбий хизматга олмаслик тўғрисидаги Петр I нинг фармони ҳам ўз кучида қолди.

Бухоролик ва тошкентликлар 1834 йилги фармон асосида XX аср бошларигача Сибирда савдо-сотиқ ва деҳқончилик билан шуғулланиб келдилар. Бу вақт ичида уларнинг имтиёзларига қарши ҳаракат бўлмади. Аммо 1910 йилга келиб, Сибирдаги бухороликлар волостларини тугатиш, уларни рус ёки татарлар волостларига қўшиш масаласи кўтарилди. Бу соҳада Ички ишлар министрлиги ташаббус кўрсатиб, Сибирдаги рус бўлмаган халқларнинг, жумладан, татарлар ва бухороликларнинг бошқариш услуби эскирганлиги ва ҳозирги талабга жавоб бермаслиги тўғрисидаги фикрини Тобольск генерал-губернаторига маълум қилди¹. Шунга асосан, генерал-губернатор рус бўлмаган халқларнинг идора услуби ва судининг рус волостлари қоидаларига бўйсунishi лозимлигини эълон қилди. Шунингдек, унда бу янги тартибнинг рус бўлмаган халқлар учун қулай идора услуби эканлиги, бу тартиб уларнинг урф-одатлари, дини ва ҳуқуқларини поймол қилмаслиги уқтириб ўтилди².

Янги бошқарув услуби амалда бухороликлар волостларининг тугатилишига ва улардаги аҳолининг рус ёки татар волостларига аралашиб кетишига олиб келар эди. Бу ҳол бухоролик ва тошкентликлар қаторларини бузар ҳамда уларнинг имтиёзларига катта хавф туғдирарди. Бухороликлар волостларининг тугатилиши уларнинг ўз маҳаллий идора органларига эга бўлиши ҳақидаги имтиёзларини йўққа чиқарарди.

Шунинг учун 1910 йил 29 ноябрда Тобольскда яшовчи бухоролик ва тошкентликлар Ички ишлар министрлигининг қарорига қарши норозилик билдириб, рус императорига хат ёздилар. Улар бу хатда узоқ вақтлардан бери имтиёзлар асосида ўзларининг урф-одатлари ва дини бўйича

¹ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1291, оп 84. д. 326, л 4.

² Ўша жойда.

яшаб келаётганликларини маълум қилдилар. Шунингдек, бухороликлар волостларининг тугатилиши амалда уларнинг имтиёзларини бекор қилинишига ва урф-одатларининг камситилишига олиб келишини кўрсатдилар¹. Хатда Ички ишлар министрлигининг қарори қаттиқ қораланди ва қонунсиз деб ҳисобланди. Улар ўз хатларида волостларни тугатиш масаласини Ички ишлар министрлигига ўхшаб, ўзбошимчалик билан эмас, балки қонун чиқарувчи идораларда муҳокама қилиш йўли билан ҳал қилинишини эсла-тиб ўтдилар². Улар Ички ишлар министрлигининг қарорини бекор қилинишини рус императоридан сўрадилар³.

Ички ишлар вазирлигига ёзилган хатни эътиборингизга ҳавола этамиз. “Бизнинг ота-боболаримиз, – дейилган унда, – қадимги замонларданоқ турли имтиёзлар, хусусан, ҳарбий хизматга олинишдан озод этилиб, волостларни тузиши ва қишлоқ судларини ташкил этиш сингари ҳуқуқларини олган ҳолда Россия таабалигига олинган эдилар. Фақат «тутун пули» тўланиб ҳажми бошқа халқларникига нисбатан анча оз эди⁴. Шахсан императорга ҳам хат ёзилди. Бунда Бухоро волостларининг тугатилиши аҳоли ҳаётини тубдан ўзгартириб, салбий оқибатларни туғдириши ҳамда қонунга зид тадбирлиги кўрсатилган. Шунинг учун губерния бошқармасининг қарори бекор қилиниши илтимос қилинган⁵.

Аммо бу талаб қондирилмаган эди. Ўша 1910 йилда Тара уездидаги бухороликлар ҳам Россия ички ишлар вазири П.А.Столипинга хат юборгандилар. Бунда улар бошқарма қарорига норозилигини билдириб: “Бизнинг ҳаётимиз русларникидан тубдан фарқ қилади, бизларда ислом, уларда христиан дини бўлиб, бир волостда бўлсак кўп қийинчалик ва ноқулайликларни юзага келтиради. Бизлар шариат қонунларисиз яшай олмаймиз, христианларда мактаб, биз-

¹ Ўша жойда. 2-бет.

² Ўша жойда.

³ ЦГИА России в Санкт-Петербурге. ф. 1291, оп. 84, 326, л. 2.

⁴ Ўша жойда д. 355, л. 1.

⁵ Ўша жойда. д. 326, л. 3.

ларда мадраса бўлиб, улар бир-бирларига мос тушмайди-
ган даргоҳлардир. Шунингдек, уларда черков ва бизларда
масжиднинг бўлиши ҳам ноқулайликни туғдиради”¹.

Бироқ бу хат ҳам инобатга олинмади. 1911 йил 1 январ-
дан бошлаб Бухоро волостлари тугатилди ва бухороликлар,
татарлар, руслар биргаликда бир волостлар таркибига ки-
ритилди. Шундан кейин бухороликларнинг норозиликлари
янада жўш уриб Тобольскда, Тюменда ва Тарада аҳли жамоа
мажлис ўтказиб, оммавий мурожаат қабул қилинди. Маса-
лан, Тобольск уездидаги бухороликлар жамоаси Абдулла
Ҳисомиддинов ва Салоҳиддин Шайхалиевларидан иборат
ишончли вакилларини сайлаб император ва ички ишлар
вазирлигига ёзилган хатларни топшириш учун Санкт-Пе-
тербургга жўнатилди. Бу ерда улар масалани ҳал этиш
бўйича иш олиб бордилар. Уларнинг 1911 йил 1 апрельда
Россия ички ишлар вазири Стапилинга ёзган хатида шун-
дай дейилган: “Фарбий Сибир маъмуриятининг таклифига
биноан Бухоро, Хива ва Қўқанддан Тобольский ва атроф
жойларига кўчиб келган ота-боболаримиз савдо аҳли деб
юритилиб, фойдала кишилар сифатида қадрланганлар. Рус
подшоҳлари уларга нисбатан яхши муносабатда бўлиб, ҳеч
қандай хафагарчилик ва тўсқинлик қилмаслик ҳақида фар-
мон берган”. Ички ишлар вазирлигига топширилган хатда²
бухоро волостларининг тугатилиши ҳар жиҳатдан қонунга
зидлиги, бундай ҳолатнинг юз бериши жуда катта қийин-
чиликларни ва офир шароитни юзага келтириши уқдириб
ўтилди. Аммо Тобольск губерния бошқармаси буларни ҳи-
собга олмай, бухороликларнинг вакилларини чақирмасдан
тамомила нотўғри қарор чиқаргани қораланди.

Хатда қадимги замонларданоқ бухороликлар савдо соҳаси-
да Россияга фойда келтирилганликлари ва ҳукумат томонидан
берилган имтиёзлар қайд қилинган. “Бухороликлардан кўп
кишилар, фахрий унвонларига эга”, – дейилганди хатда.

¹ Ўша жойда. д. 252, л. 10.

² ЦГИА России в Санкт-Петербурге. Ф. 1291, оп. 84, д. 120, л. 1-5об.

Волостларни тугатиш ҳақидаги қарор Тара ва Тюмендаги бухороликлар волостларида ҳам норозиликни кучайтирди. Бу ерларда йиғилишлар бўлиб, унда Ички ишлар министрлигининг қарорига бир оғиздан норозилик билдирилди ва мазкур масалани ҳал қилиш учун вакиллар сайланди¹. Шунингдек, давлат раҳбарларига норозилик хатлари ёзилди. Жумладан, Тарадаги бухоролик ва тошкентликлар номидан Министрлар Советининг раиси ва Ички ишлар министри П.А.Столипинга хат уюштирилди.

Хатдан шу нарса маълум бўладики, Ички ишлар министрлиги бухороликларнинг тарқоқ ҳолда, бир-бирларидан узоқ жойларда яшаётганлиги, улардаги суд тузилишининг ҳам ноқулай эканлиги ва уларнинг руслардан ажралган ҳолда яшашлари натижасида маданий ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётганлигини ҳисобга олиб, бухороликлар волостларини рус волостларига қўшмоқчи бўлган. Бунга қарши бухоролик ва тошкентликлар ўзларининг хатида уларнинг ҳаётини, динини ва урф-одатларини эмас, балки топографик шароитини эътиборга олганлигини ва бунинг нотўғри эканлигини баён қилганлар². Улар эски идора услубида ва урф-одатида қолиш истакларини маълум қилганлар³.

Хатда бухоролик ва тошкентликлар волостларидаги судларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун ҳам руслардаги суд органларининг уларга тўғри келмаслиги кўрсатиб ўтилди⁴.

Шундай қилиб, бухоролик ва тошкентликлар қандай бўлмасин, ўзларининг узоқ вақтлардан бери давом этиб келаётган тартибларини асослашга ва бу билан бухороликлар волостларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Бундан ташқари, хатда диний нуқтаи назардан ҳам руслар билан бир волостда бўлиш мумкин эмаслигини ёздилар. Улар мусулмонлар ҳаёти-

¹ Ўша жойда, 10-бет.

² Ўша жойда, 2-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда, 8-бет.

нинг христианлар ҳаётидан батамом бошқа эканлигини, шунинг учун улар билан бирлашиб бўлмаслигини ўз хатларида баён этдилар¹.

Тюменда яшовчи бухоролик ва тошкентликлар ҳам юқоридаги мазмунда рус императорига норозилик хати ёзиб, бухороликлар волостларининг қолдирилишини сўрадилар. Акс ҳолда уларнинг урф-одатлари бузилиши таъкидлаб ўтилди².

Тобольск маъмурияти маҳкама йиғилишларида бухороликлар волостларини тугатиш ва уларни бошқа волостларга қўшиш лойиҳаларини тузди. Аммо муҳокама вақтида бухоролик ва татарларнинг ўзига хос урф-одатлари ва дини ҳисобга олинаиб, уларни рус волостларига қўшмай, балки бегона (инород)лар волостини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Аммо бундай волостларнинг тузилиши ва фаолияти рус волостларидаги тартиблар асосида бўлиши керак эди.

Бухоролик ва тошкентликлар татарлар билан биргаликда бир волостга уюшишига ҳам қарши чиқиб, татарлар билан бизнинг ўртамизда фақат дин жиҳатидан ўхшашлик бор, бизлар улардан тамомила бошқа халқмиз, деган далилар билан ўзларининг алоҳида волостлари қолдирилишини талаб этдилар³. Лекин уларнинг бу талаби ҳамда рус императори номига ёзилган хатларда қўйилган талаблари ҳам Ички ишлар министрлиги томонидан рад этилди. Шунга қарамай, улар бухороликлар волостларини қолдириш масаласини ҳукумат олдига қатъий равишда қўявердилар.

Сибирдаги бухоролик ва тошкентликлар ўзларининг асл ватани Ўзбекистондаги қариндош-уруғлари билан ҳам борди-келди қилиб турганлар. Чунончи, Бухоро шаҳридан бир киши хотини билан қариндошларини кўриш учун Тарага жўнаган. Бу тўғрида Тобольск божхона китобида: «Бухородан Селейко Ачес (номи бузиб кўрсатилган) хотини билан

¹ Ўша жойда. 7-бет.

² Ўша жойда, д. 14, л. 2-5.

³ Ўша жойда, д. 120. л. 6.

Тарага ўз қариндошларини кўриш учун келди»¹, дейилган. Шундай ҳолнинг 1648 йилда² ва 1662 йилларда³ ҳам юз берганлиги божхона китобида рўйхатга олинган.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг Ўзбекистон билан алоқаси сезиларли даражада сусайиб борди. Чунки бу вақтга келиб, Сибирнинг ўзбек молларига бўлган эҳтиёжлари илгаригига нисбатан камайиб кетди. Бундан ташқари, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши Сибирнинг аввалги восятачилик аҳамиятини янада пасайтирди. Эндиликда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқада Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг қатнашишига эҳтиёж қолмади. Юқоридаги фикрлар билан бир қаторда, вақтлар ўтиши билан у ердаги бухоролик ва тошкентликлар маҳаллийлашиб, уларнинг бир неча авлод олдинги ота-боболарининг асл ватани бўлган Ўзбекистон билан алоқа қилиб туришларига учун зарурият қолмади. Бу вақтга келиб, бухоролик ва тошкентликлар Сибирда маҳаллийлашиб ва иқлимлашиб туб аҳолига айланиб қолишди.

1917 йилда Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин Тюмен, Тобольск ва Тарада Бухоро ижройи комитетлари юзага келди.

Бизда Тюмень уездидаги комитет ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд⁴. Буларга кўра комитетни 6 киши бошқарган. Хар бир юртда қишлоқ советлари тузилди.

¹ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. Сибирский приказ, Тобольские таможенные книги, № 301. л. 6.

² Уша жойда, № 231, л. 33; № 752, л. 52.

³ Уша жойда, № 433, л. 177.

⁴ Тюменской областной архив, ф. 206, д. 38, л. 30.

Исми ва шарифи	Мансаби
Раҳбарлари	
<p>Ҳабибуллин Саид Файзуллин Уразмуҳаммад Муртазин Ҳабибулла Абдуллин Садриддин Кулчақов</p> <p>Камолиддин Ҳусанов Гулмиддин Ражабов Муҳаммадёр</p>	<p>Раис Комитет аъзоси ер бўлими бошлиғи Бунинг ўринбосари кутубхона бошлиғи Мактаб бўлими бошлиғи Маориф бўлими бошлиғи</p>
Комитет ходимлари	
<p>Мельников Дмитрий Мусаб Абдуқодир Карпов Клавдия Ульянова Мария</p>	<p>Котиб Иш юритувчи ер бўйича иш юритувчи хат ёзувчи</p>
<p>Велижанина Анисия Платонов Петр Кемелмащенко Илья Четвертных Афросинья Курилов Демьян</p>	<p>Хат ёзувчи Катта милиционер Кичик милиционер Қоровул Хат ташувчи</p>
Ембаев қишлоқ совети аъзолари	
<p>Файзуллин Муҳиддин Сагитов Айтмуҳаммад Ҳабибуллин Валиулла Сайдуллин Муҳаммадали Мирхалилов Исамат Ражабов Шариф Муртазин Абдулазиз Горбунов Семен</p>	<p>Раис ўринбосари Совет аъзоси Совет аъзоси Совет аъзоси Котиб Котиб ўринбосари Милиционер</p>
Тураев қишлоқ совети аъзолари	
<p>Нигматуллин Сайфулла Юсупов Баҳавуддин Отарбеков Аҳмадвали Фатҳуллин Абдурашид Козибаков Абдурашид</p>	<p>Раис Совет аъзоси Совет аъзоси Совет аъзоси Котиб</p>
Шобобин қишлоқ совети аъзолари	
<p>Абдураззоқов Темиралӣ Содиқов Нурислом Ятимерав Абдуллин Ҳидоятилла</p>	<p>Раис Совет аъзоси Совет аъзоси Котиб</p>

Матёр қишлоқ совети аъзолари	
Тошпўлатов Тожимухаммад Нурмухамедов Солиҳ Абайдуллин Нурали	Раис Совет аъзоси Котиб
Казаров қишлоқ совет аъзолари	
Залипин Ражаб Валиев Уразбой Мельников Александр	Раис Совет аъзоси Котиб
Каскарин қишлоқ совети аъзолари	
Юсупов Абдулла Рамазанов Нафитдин Тожиёв Зокир	Раис Совет аъзоси Котиб
Оқёр қишлоқ совети аъзолари	
Нигматуллин Абдулқосим Шабанов Курбон Мирсалимов Ғиёсиддин Исмоилов Салоҳиддин	Раис Совет аъзоси Совет аъзоси Котиб

Умумлаштириганда Бухоро ижроий комитетининг раҳбарлари ва аъзолари 40 дан ошиб кетади. Тюмень уездидаги волостга қарашли ерларда 1714 эркак ва 1677 аёллар, жами 3391 киши яшаб, у 8 қишлоқ ва қишлоқ советларидан ташкил топган. Революция бухороликларнинг даврида мол-мулки таланиб, уларнинг талай қисми узоқ жойларга қочишга мажбур бўлганлар. Натижада нотинчлик ва хавфхатар ҳукм суриб деҳқончилик чуқур инқирозга учради. Ернинг етишмаслиги ва ғалланинг оз экилиши натижада ҳаёт ниҳоятда оғир кечди.

Аҳоли зиммасига меҳнат солиғи юклатилиб ҳар куни 50 дан 200 гача от ва ишчилар ҳокимият хизматини ўташга мажбур қилинди. Газламалар, темир буюмлар, керосин ва бошқа молларнинг етишмаслиги, чорвачиликнинг издан чиқиши эса аҳоли турмуш даражасини инҳоятда оғирлаштириб юборди.

Аммо шунга қарамай, Ембаевда 100 рус ва 450 мусулмон китобларни ўз ичига олган кутубхона ташкил қилинди. «Юлдуз» номли оқартирув тўғараги тузилиб, унинг 23 кишидан иборат аъзолар бор эди.

Тўраевда 200 рус ва 300 мусулмон, Шабобинда 280 рус ва 125 мусулмон китобларига эга кутубхонлар очилди.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, кутубхона совет давлатининг ўрнатилишидан анча илгари ташкил қилинган эди. Масалан, Ембоевдаги масжид қошида махсус кутубхона бор эди.

Совет давлатининг дастлабки йилларидаёқ бошқалар қатори бухороликлар ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлиб “Қизил Юлдуз”, “Янгийўл”, “Сарт” ва бошқа номларда артеллар тузилгач, 1930 йилда колхозлар юзага келди. Бундай фожиали ҳолат уларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган эди.

* * *

Бухоролик ва тошкентликлар билан татарлар тили ва диний ўхшашлиги уларнинг бир-бирларига яқинлашишини осонлаштирди. Шубҳасиз, бу икки халқнинг бир-бирларига таъсири узоқ вақтлардан бошланган. Олдинги саҳифаларда айтилганидек, бухороликлар дастлаб татарлар турадиган жойларга ўрнашганлар.

Аммо бухоролик ва тошкентликлар маҳаллий аҳолининг таъсирига берилмай, ўз она тилини ва урф-одатларини эҳтиётлик билан сақлаб бордилар. Татар тилшуноси Д. Г. Тумашеванинг тадқиқотига кўра, бухороликларнинг она тили – ўзбек тили Сибирь татарларининг тилига таъсир этиб, айрим ўзгаришларни киритган¹. Шунга қарамай, узоқ вақт ўтиши билан бухоролик ва тошкентликлардан сон жиҳатидан бир неча маротаба ортиқ бўлган татарлар таъсири кучайиб борди. Бу ҳолат, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг Ўзбекистон билан алоқаси сусайиб, Қозон иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан кўтарилганидан кейин рўй берди.

Бу вақтларга келиб, Қозон Сибирь ва бошқа жойларда яшовчи татарлар маданий марказига айланди. У ерда китоб,

¹ Тумашева. Д.Г. Татарские диалекты в Западной Сибири. Автореферат канд. дисс. М., 1952, с. 10 и др.

газета ва журналларни нашр этиш тобора ўсиб борди. Қозон, ҳатто Сибир ва Ўрта Осиёга ҳам китоб, газета ва журналлар тарқата бошлади.

Бухороликлар ва тошкентликларнинг камбағал табақалари ўз миллатидаги қизларнинг озлиги ёки уларнинг оила қуришга қудрати етмаганлиги туфайли татар қизларига уйлана бошладилар. Бундай оилалар болаларининг миллати бухоролик деб юритилган бўлса ҳам, аммо улар бухороликлар ва тошкентликларнинг этник тузилишига бир қадар ўзгаришлар киритдилар. Айни вақтда бухороликлар ва тошкентликларнинг юқори табақалари ўзларининг эски урф-одатларини сақлаб, татарларга қиз бермаган. Улар келинларни Ўзбекистондан олиб келганлар.

Бухороликлар ўзларининг татарларга нисбатан муносабати ҳақида ҳукуматга ёзган хатида шундай деганлар: “Бухороликлар алоҳида жамоа ҳисобланиб, диндан ташқари татарларга ҳеч қандай ўхшашлигимиз йўқ”¹.

Бухороликларнинг ҳаёти билан танишган муаллифлардан бири шундай ёзган: “юз йиллар мобайнида татарлар билан ҳамма жойларда ёнма-ён яшаган бухороликлар аста-секин ўзларининг миллий хусусиятини йўқотиб бордилар. Бундай бўлишига уларнинг дин жиҳатдан бирлиги ва тилларининг ўхшашлиги сабаб бўлди. Бухороликлар бу ердаги татарларга ўхшаб ўзларининг рақс ўйинларига эга бўлмай Бухородан келтирган «Кобиз» мусиқа асбобини йўқотдилар. Аммо мана шундай сиртдан кўзга ташланган ҳодисага қарамай, ҳар икки халқ ўзларининг келиб чиқишларини жуда яхши биладилар. Бирорта бухоролик ўзини татар деб ҳисобламайди, аксинча ўзларини том маънода бухоролик дейишади. Бой бухороликлар гарчанд ўзлари татарларга уйлансалар ҳам, лекин қизларини уларга бермайдилар².

Хуллас, бухороликлар ва тошкентликлар ўзларининг этник тузилиши ва урф-одатларини сақлашга ҳаракат қилиб

¹ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 1291, оп. 84, д. 120, л. 5.

² Материалы экономического быта - вышл, с. 33-34.

келган бўлса-да, лекин оқибатда улар объектив шароитга кўра, аста-секин татарларга ҳар жиҳатдан аралашиб бордилар.

«Бухороликларнинг кўриниши, — дейди жонли гувоҳ. — Ембоев, Тўраев, Матяр ва бошқа йирик юртларда яхши сақланган. Бу жойларда, айниқса, ўзига тўқ оилаларда Ўрта Осиёликларга хос чиройли юзли ва қора сочли кишиларни учратиш мумкин. Уларнинг қадди-қомати келишган ва ёқимлидир. Бироқ бухороликларнинг камбағал қисми татарларга уйланишлари орқасида ўзларининг миллий қиёфасини йўқотиб, татарларга аралашиб жараёнида турибдилар»¹.

Сибирдаги бухоролик ва тошкентликлар жуда хушмуомала ва меҳмондўстдир. Улар ўзидан катта ёшдаги кишиларга “ака” ёки “опа” деб гапирадилар. Улар бундан 350, 300, 250, 200 ва 100 йиллар муқаддам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан Сибирга бориб ўрнашиб қолган кишиларнинг авлодларидир.

Шунча узоқ вақтлар ўтган бўлишига қарамай, улар ўз ота-боболарининг Ўзбекистондан Сибирга келганликларини билишади. Буни айниқса, катта ёшдаги кишилар хотирада яхши тутадилар. Совет даврида бухороликлар ва тошкентликларнинг татарлар билан алоқаси янада кучайиб кетди. Татарлар сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этганлиги туфайли Сибирдаги бухороликлар мактаб ва олий ўқув юртларида татар тилида маълумот олдилар. Дарсликлар, қўлланмалар, газета ва журналлар ҳам татар тилида нашр этилган. Шунинг учун ҳам бу ердаги бухороликлар ва тошкентликлар ўз она тилини миллий тил, татар тилини эса адабий тил деб ҳисоблайдилар.

Ўзбеклар Сибирда кўп вақтлар мобайнида тили, турмуш тарзи ва маданияти, динини сақлаган ҳолда ҳаёт кечирдилар. Улар савдо, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа касблар билан шуғулландилар. Айни пайтда савдони ривожлантиришда ва ислом динини тарқатишда муҳим ўринни эгалладилар.

¹ Патканов С.К. Ўша асар, 1886, вып. 1, с. 34.

1926 йилги Россия умумхалқ рўйхатида бухороликлар, тошкентликлар ва шунга ўхшаш ном билан қайд қилинди-лар. Аммо кейинчалик расмий ҳужжатларда татарлар деб юритилди. Шунга қарамай, улар Ўзбекистондан келиб ўр-нашган ўзбекларнинг авлодлари эканликларини яхши биладилар. Сибирга бориб, улар билан суҳбатлашганимда бунга тўла ишонч ҳосил қилдим. Совуқ ўлкаларда яшовчи ўзбек-лар орасидан олимлар, ўқитувчилар ва бошқа касб эгалари етишиб чиқдилар. Улардан бири шогирдим Ф.Валиев Си-бирь ўзбеклари тарихи бўйича номзодлик диссертациясини Тошкентда Тарих институтида ёқлади. Рафиқаси С.Исҳо-қова эса Тил ва адабиёт институтида филология номзодли-гини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди. Шунингдек, уларнинг айрим вакиллари Тошкент чет тиллар институти-ни битиришди. Ўзбекистоннинг таниқли архитекторлари-дан бири Мидхат Булатов ҳам Сибирь ўзбекларининг ав-лодларидандир. К.Тузмуҳаммедовни ҳам Сибирь зиёлилари қаторига қўйиш мумкин, у Москвада ўқиб, фан доктори ўнвонига сазовор бўлди.

Машҳур шоир Эркин Воҳидов ва профессор Бегали Қосимовлар сўзларига қараганда, улар Туркияга сафарда бўлишганида ҳукумат вакиллари меҳмонларни сибирлик ўзбеклар яшайдиган қишлоққа олиб боришган. Мусофир юртда яшовчи ватандошларимиз Совет даврида қатағон йилларида ота-боболари ҳукумат зулмидан қочиб, Тур-кияга келганликларини айтганлар. Улар ҳамон ўзларини ўзбеклар номи билан юргизар эканлар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон вакиллари билан учрашув ташкил қилинган.

ВОЛГА БЎЙЛАРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР

КИРИШ

Ўзбекистоннинг Волга бўйлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари милоддан аввалги асрларда бошланган. Бу вақтларда, хусусан, македониялик Александр Ўрта Осиёга бостириб кирганда Хоразм давлатининг чегараси Қора денгиз бўйларигача, яъни Грузиягача бориб тақалган эди. Ўша вақтларда Волга бўйлари Ўзбекистоннинг тайёр моллари учун талабчан бозор сифатида муҳим ўрин эгаллаган. Каспий-Волга карвон йўллари Ўрта Осиёни Кавказ, Шарқий Европа ва бошқа жойлар билан боғлаган. У ерларда асосан туркий тилли аҳоли яшаган.

Милодий биринчи мингйилликда Волганинг ўрта ва қуйи оқимида Хазар ва Булғор подшоҳликлари ташкил топди. Бу давлатлар билан Ўзбекистон, айниқса Хоразм ўртасида алоқалар қизғин тус олиб, кейинчалик ҳам давом этган. Натижада Волга бўйларида хоразмлик, бухоролик, самарқандликларнинг турар-жой манзиллари юзага келди. Улар подшоҳликларнинг нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий ҳаётида ҳам салмоқли ўринни эгалладилар, балки айрим маълумотларга кўра, 712–730 йилларда Хазар подшоҳлигининг қўшинига хоразмлик бошчилик қилган¹. VIII асрда ҳар икки томонлар ўртасидаги алоқалар шу даражада ривожландики, Хоразм-Хазар империяси тузилди. Бу катта давлатга Хоразмдан тортиб, Қрим ва Азов денгизигача чўзилган ерлар кирган эди. Бу вақтларда хоразмликлар ва бошқа ўзбекларнинг фаолияти фақат Хазарда эмас, балки Булғор подшоҳлигида ҳам кенг кўламда ривожланди.

Рус тарихчиси М.Чулковнинг кўрсатишича, Булғор шаҳрининг харобаларидан топилган қабр тошларида обрў-эътибор қозонган самарқандликлар номлари битилган¹. Араб халифалиги Ўзбекистонга бостириб кирганидан кейин

¹ Чулков М. Исторические описания Российской империи. Т. 1, СПб., 1781. с. 58.

Хоразм-Хазар империяси тугатилди. Аммо Волга бўйларидаги ўзбеклар сони Араб халифалигининг тажовузи ва зулмидан қочиб келган кишилар ҳисобига янада кўпайди. Хазар подшоҳлигининг пойтахти Итиль шаҳрида ўзбеклар мавқеи кучайиб, улар сони 20 минг кишига етди. Ҳатто Хазар подшоҳининг 12 минг кишидан иборат хос гвардияси хоразмликлардан тузилган. IX–X асрларда Хазар подшоҳлигида 10 минг мусулмонлар яшаб, 30 та масжид қурилган эди. Бу ерда ислом динини тарқатишда биринчи навбатда хоразмлик ва бошқа ўзбекистонликлар ҳал қилувчи ўринни эгалладилар. Улар Хазар подшоҳлигида вазирлик лавозимини ҳам эгаллаганлар¹.

Улар Булғор подшоҳлигининг ҳаётида ҳам фаол қатнашдилар. Унинг пойтахти Итиль йирик савдо маркази ҳисобланган. Бу жойларда мусулмон тангаси «дирҳам» ишлатилган. У ерлардан Ўзбекистонга қимматли мўйналар, чармлар, асал, балиқ елими, балиқ тишлари, қилич ва қалқонлар, йирик ва майда қорамоллар, қулар ва бошқа нарсалар олиб кетилган². Ўзбекистондан эса ип, юнг ва ипак газламалар, буғдой, гуруч, пахта, чарм, кийим-бош ва бошқа моллар Волга бўйларига келтирилган³. Ўзбеклар у жойлар орқали Шарқий Европа, Мўғилистон ва Хитой билан савдо-сотик қилганлар. Волга бўйларидаги ўзбеклар орасида савдогарлар, дин пешволари, қурувчию, наққош ва турли ҳунар эгалари бор эди. Шунингдек, лашкарбошилар ва ҳарбий хизматчилар ҳам фаолият кўрсатганлар.

Ўзбеклар Каспий-Волга бўйининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар. Тарихчи В.Бартольднинг кўрсатишича, улар Волга бўйи маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаганлар⁴.

¹ Якубовский А.Ю. Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в IX-XV вв. МИУТТ, с.12.

² Ўша жойда, 13-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Бартольд В.В. Соч. Т. II. М., 1163, с. 680.

Ўзбекистоннинг Волга бўйлари билан алоқаси XIII асрнинг 30-йилларида юзага келган Олтин Ўрда давлати вақтида ҳам давом этди. Бу давлатнинг асосчилари бўлган кўчманчи мўғуллар етарли даражада ҳокимиятни бошқаришга қодир бўлмаганлар. Айни пайтда Волга бўйидаги аҳолининг ўзбек молларига талаби ҳамон катта эди. Шу боис Олтин Ўрда ҳукмдорлари Ўзбекистон билан алоқани ривожлантириш ва турли касб эгаларини жалб қилишга қаттиқ ҳаракат қилдилар. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг ҳукмрон ва савдо доиралари ҳам Волга бўйлари билан алоқани давом эттиришдан манфаатдор эдилар. Шу боис икки томонлама ўзаро алоқаларни самарали давом эттириш истаги ўзбекларнинг Волга бўйларидаги мавқеи янада юқори bosқичга кўтарди. Айниқса, Шимолий Хоразмни Олтин Ўрда таркибида бўлиши ўзаро алоқаларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Бу вақтда Олтин Ўрда давлатининг таркибига Шимоли-шарқда Булғор, Шимолда унинг чегараси рус князликларидан ўтган, Жанубда эса Олтин Ўрдага бир томондан Қрим ва унинг денгиз бўйидаги шаҳарлари, иккинчи томондан Дербентгача чўзилиб борган. Шарқда эса Ғарбий Сибирь ва Сирдарё этакларигача борадиган ерлар кирган¹. Шу даврда рус князликлари ҳам Олтин Ўрдага бўйсундирилган эди. Даставвал, бу давлатнинг пойтахти Сарой Боту Астрахон атрофидаги Селитрен деган жойда эди. Кейинчалик у Берка Сарой номида Царицин (ҳозирда Волгоград)га кўчирилди. Кўрсатилган иккала пойтахт шаҳарларни қуришда ўзбеклар ҳам фаол қатнашдилар. Бу вақтларда ўша шаҳарларда хоразмлик, бухоролик ва бошқа ўзбекистонликларнинг маҳаллалари юзага келди. Бу ерларда савдогар, ҳунарманд, деҳқон, дин пешволари, қурувчи ва наққошлар яшаб меҳнат қилганлар. Улар сарой, масжид ва бошқа ҳашаматли биноларни қуришда иштирок этганлар.

¹ Греков В.Д, Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Тошкент, 1956, 53-бет.

«Хоразмликлар, – дейди тарихчи А.Ю.Якубовский, – Олтин Ўрда пойтахтларида маданиятнинг турли соҳаларида ишлаганлар, айниқса, улар орасида ҳунармандлар кўпчиликини ташкил қилган. Бир томондан, Сарой Берка билан Сарой Ботунинг ва иккинчи томондан Урганчининг, гарчи кошинкорлик материаллари юзасидангина бўлса ҳам, архитектура ёдгорликларини (Сарой Берка шаҳридаги архитектура ёдгорликларининг ер устидаги қисми сақланмаган) таққослаб ўрганиш шуни кўрсатадики, хоразмлик усталар ўзларига хос бўлган ранг-баранг нақш безакларини жило, бериб, ишлаш хусусиятларини кошинкорлик мозаикаларида такрорлаганлар. Бу ранг-баранг нақшин безаклар кўҳна Урганчдаги Тўрабек хонум мақбараси каби ажойиб бинони ҳозирги пайтгача безаб турибди. Шу билан бирга, хоразмлик усталар аввалги ишларини такрорлабгина қолмай, балки бу янги жойда янги-янги меъморчилик обидаларини ҳам яратганлар.

Сарой Беркада XIII–XIV асрларда қурилган турли-туман бинолардаги хилма-хил кошинлар коллекцияси бу ерда мусулмонлар санъати устун бўлганлигини кўрсатади. Гулларнинг расмини тўр-тўр чизиқлар ва безак ҳарфлардан ёзилган арабча хат билан бирга қўшиб ишлаш, кўк, феруза, оқ, яшил, сариқ сирларни Урганч учун жуда ҳам характерли бўлган қизил ранг (ангоб бўёқ) билан бирга қўшиб ишлов бериш, буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё шаҳарлари халқлари учун хос бўлган архитектура формалари билан биргаликда Волга бўйи шаҳарларига ҳам кўчган. Амалдаги санъат деб аталган соҳаларда, айниқса, сиркар керамикада ҳам худди шундай бўлганлигини кўраимиз... Бу керамикада ҳам, Урганчдаги кулолчилик устахоналарининг иши мутлақо такрорланганга ўхшайди»¹. Хоразмдан кўнчилар, кулоллар ва бошқа хилма-хил ҳунар соҳиблари Волга бўйларида ишлаганлар. Бу ерларда ўзбек пахтадан газламалар тўқилди. Шубҳасиз, бу ишда ўзбек усталари ҳам меҳнат қилганлар. Урганчдан Волга бўйларига олим, архитектор ва рассомлар келганлар.

¹ Ўша жойда. 144-145-бет.

Ўзбеклар ҳукмрон сулола вакиллари – мўғулларни ислом динига киргизишга бошчилик қилдилар. Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарлар сўзлашув тилигагина эмас, балки майдонга келаётган Олтин Ўрда ёзувига, айниқса, унинг бадий адабиётига ҳам катта таъсир кўрсатган¹. Хуллас, ўзбеклар Олтин Ўрданинг маданиятини ривожлантиришда, ислом динини тарқатишда, ички ва ташқи савдони юқори босқичга кўтаришда жонбозлик қилдилар.

Олтин Ўрда тахти учун ўзаро курашлар ва Амир Темур томонидан берилган қақшатқич зарбадан сўнг ҳар жиҳатдан заифлашиб борди. Натижада XV асрнинг биринчи ярмида Олтин Ўрдан Қрим ва Булғор ажралиб чиқди. Кейинчалик Астрахон, Қозон ва Сибир хонликлари ташкил топди. Рус князлари ҳам ўз мустақилликларини тикладилар. Шу тариқа XVI асрнинг ўрталарига келиб, Олтин Ўрда давлати парчаланиб кетди.

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЎРНАШИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

XVI аср ўрталарида Рус давлати Қозон ва Астрахон хонликларини босиб олиб ва Каспий-Волга карвон йўллариини эгаллаб, Ўрта Осиё, Эрон, Кавказ ва бошқа жойлар билан бевосита савдо алоқаларини ўрнатиш имконига эга бўлди. У биринчи навбатда ўзбек хонликлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларни бовлашга эришади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бир неча юз йиллар мобайнида Волга бўйлари билан шакланган алоқаси у жойларни Россия босиб олгандан кейин ҳам давом этаверган.

Икки томоннинг манфаатдорлиги орқасида ўзаро алоқалар тобора кенг қулоч ёйиб борди. Айниқса, рус ҳукумати савдо-сотиқни ривожлантиришга қаратилган амалий чораларни кўрди. Хусусан, у ўзбек савдогарларига имтиёзлар бериб, хоҳловчиларни Астрахонда доимий яшашга даъват этди. Натижада у ерда «Бухоро хонадони» («Бухорский

¹ Ўша жойда. 147-бет.

двор») номли турар-жойи юзага келди. Шунингдек, «Гилён» (Эрон), «Агрижон хонадон»лари ҳам шаклланди. Бунда ҳиндларнинг бошқа миллатлар билан аралашуви орқасида туғилган кишилар яшаганлар.

Астрахонда «Бухоро хонадони» уни Россия босиб олмасдан анча илгари у ерга ўрнашган ўзбекларнинг маҳаллалари заминида пайдо бўлган. Зеро, уни аҳолисининг рус ҳукуматига ёзган хатларида «Бухоро хонадони» қадимги даврлардан мавжудлиги қайд қилинган.

Афсуски, «хонадон»нинг XVII асрга тегишли маълумотлари етарли даражада сақланмаган, айрим ҳужжатлар мавжуд, холос. Буларга кўра, 1635 йилда Қодир Тўхтақулов ҳукуматдан хотини билан даволаниш учун Терек шаҳри орқали иссиқ сувга боришга рухсат беришни сўраган. Рус подшоҳи йўлда жиний ишларга қўл урмаслик, Қрим, Азов ва қалмоқлар томонига ўтмай, Астрахонга қайтиши шарти билан рухсат берган¹.

«Бухоро хонадони»нинг аҳолиси Қодир Тўхтақулов кўрсатилган шартларнинг барчасини адо этишига кафолат берган. 1664 йилда рус подшоҳи «Бухоро хонадони»да ичкилик ичишга йўл қўймаслик ҳақида фармон юборган. Бунга «хонадон» аъзоларидан бирининг маст ҳолда бир кишига пичоқ санчганлиги сабаб бўлган. Фармонда бундан буён «хонадонидида кимки ичкилик ичса, қаттиқ жазоланиши қайд» қилинган². Аммо Қодир Тўхтақуловнинг айби кечирилиб, қамоқдан озод қилинган.

1654 йилда Аваз Ёрматов деган кимса йўқолган 15 ёшли чўри қизини топиб берилишини сўраб, рус подшосига мурожаат қилган³. 1685 йилда Мулла Назаров рус подшосига хат ёзиб молларининг таланиши хавфи борлиги ва буни бартараф қилинишини илтимос қилган⁴. 1687 йилда Сайидхон

¹ Архив Санкт-Петербургского отделения Института истории АН России. ф. 178 (Астраханская приказная палата), оп. 1, № 2333. л.2.

² Ўша жойда. № 440, л. 1.

³ Ўша жойда, № 10255, л. 11.

⁴ Ўша жойда.

Бозорхонов йўқолган молини топиб берилишини сўраб подшоҳга хат жўнатган¹. Юқорида кўрсатилган баъзи маълумотларни келтиришдан мақсад «Бухоро хонадони»нинг мавжудлигини кўрсатишдан иборатдир. Чунки бошқа ҳужжатлар ёнғин тушиши натижасида сақланмаган.

XVIII асрга оид маълумотлар анча-мунча етарлидир. 1701 йилда Петр I «Бухоро хонадони»га тегишли махсус фармонни эълон қилади. Унда қадимги вақтлардан буён Астрахонда «Бухоро хонадони»даги кишилар Ўзбекистондан молларни келтириб, эвазига рус молларини олиб кетаётганликлари қайд қилинган. Улар божларни ўз вақтида тўлаб, хазинага фойда келтираётганлиги уқтириб ўтилган. Фармонда «хонадон»нинг савдогарларини турли солиқ ва мажбуриятлардан озод этилиши Астрахон маъмуриятига топширилган². Улар оз миқдорда тутун пули ва савдо божи тўлаганлар. Аммо айрим вақтларда маъмурият вакиллари томонидан савдогарларга берилган имтиёзларга қарши иш юритилган. Шу боис 1729 йилда «Бухоро хонадони»нинг вакили Ёдгор Мулла Алимов Бухоро хонининг норозилик хатини Россия ташқи ишлар коллегиясига топширди. Унда Ўзбек савдогарларига нисбатан олиб борилаётган нотўғри муносабатни бартараф қилиш сўралган. Унинг мазмуни қуйидагича:

1. Илгарилари Астрахонга Бухоро савдогарлари келганда оддий божни тўлаб, қайтаётганларида ундан озод қилинган эдилар. Ҳозирда савдогарлардан қайтаётганларидан ҳам бож олинаётир, шу боис божни бир маротаба, яъни савдогарлар Астрахонга келиб тушгандагина олинини мақсадга мувофиқдир.

2. Илгари Астрахондан савдогарлар чиқиб кетаётганларида совғага олинган моллар учун уларнинг ҳар биридан 76 тийин, хизматкорларидан 25 тийин бож олинарди. Ҳозирда эса савдогарлардан ҳам хизматкорлардан ҳам 76 тийин оли-

¹ Ўша жойда, № 10390, л. 1.

² ЦГАДА России. ф. 248, кн. 943. л. 118, 185.

наётир. Буни бекор қилиб олдинги тартибни жорий этиш лозим.

3. Астрахонда «Бухоро», «Гилён» ва «Агрижон»дан иборат учта «хонадон» бор. Бу «хонадон»ларнинг аҳолиси ўзларининг ихтиёри учун сув, хашак ва ўтинни ўзларининг отларида олиб келадилар. Аммо уларни олишга ўша жойларнинг ижарадорлари йўл бермаётирлар. Буни тўхтатиш лозим.

4. Астрахонда Бухоро савдогарлари уй сотиб олиб ва Россия фуқаролигига ўтиб яшамоқдалар. Уларни уйларига солдатларни ижарачи сифатида қўйиш (постой)дан озод қилиш мақсадга мувофиқдир.

5. Астрахонда судя Афанас ўлимидан кейин иккита боғи қолиб, давлат мулкига айлантирилган. Унинг бирини Ёдгор Мулла Алимовга берилиши сўралади.

6. Ёдгор Мулла Алимовнинг Астрахонда уйи бор. Бир киши унинг ерида зўравонлик билан ошхона қурган. Ошхона эгасининг эҳтиётсизлиги натижасида унга ўт тушиб, Ёдгорнинг уйи ҳам ёниб кетиб, 200 сўмлик талафот кўрган. Шунга қарамай ўша киши яна ошхонани қурган. Уни бошқа жойга кўчирилиши таклиф қилинади.

7. Ёдгор Мулла Алимов Бухородан оила аъзоларини Астрахонга кўчиришни ва Россия фуқаролигига ўтказишни истайди. Бу ердаги Али Темир номли ерни унга тарвуз ва қовун етиштириш учун берилиши сўралади.

8. 1727 йилда Ёдгор Мулла Алимов Санкт-Петербургдан Бухорога карвонбоши сифатида юборилаётганида медал берилиши ваъда берилган. Бу ваъда бажарилиши керак¹.

Шундай қилиб, Бухоро хони Астрахонда яшовчи ўзбеклар манфаатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Россия Ташқи ишлар коллегиясининг сўровига жавобан Астрахон губерния маҳкамаси Бухоро хонининг юқорида кўрсатилган хатига жавоб берган. Бунга кўра Ёдгор Алимов Астрахонда узоқ йиллар мобайнида Россиянинг фуқароси сифатида яшаган Мулла Алим Самарқандийнинг ўғли бўлган. У

¹ ЦГАДА России. ф. 248 Сэната, кн. 919, л. 263-264.

Астрахонда туғилиб ўсиб, савдо билан шуғуланган, ҳатто Ёдгор Мулла Алимов 1727 йилда рус ҳукуматининг кўрсатмасига биноан ташкил қилинган савдо карвонига бошчилик қилган. Бу карвон Хива ва Бухорода бўлиб, 1729 йилда Астрахонга қайтган. 1731 йилда эса Бухоро ва Хивага юборилган элчи Гарберга ҳамроҳ сифатида қўшилган.

Рус ҳукумати Бухоро хонининг хатидаги таклифларни инобатга олиб, 1731 йилда Ўзбекистон билан савдони ривожлантириш мақсадида савдогарлардан божларни белгиланган тартибга тула риоя қилган ҳолда олинишини Астрахон маъмуриятига буюрди. Ўзбеклардан сув, ўтин ва хашак учун бож олмаслик, уларнинг уйларига ижарачи (постой) сифатида ҳарбий хизматчиларни қўймаслик топширилди¹. Юқорида кўрсатилгандек, Ёдгор Мулла Алимов рус ҳукуматининг ҳам, Бухоро хонининг ҳам ишончини ҳосил қилиб, ҳар икки томон ўртасидаги алоқада воситачилик қилган. Афсуски, унинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар жуда қисқадир. Буларга кўра, унинг Астрахон ҳамда Бухорода уйи ва оиласи бўлиб, йирик ва нуфузли савдогар ҳисобланган.

1744 йил 25 февралда рус ҳукумати ўзбекларга яна бир имтиёзни берди. Зеро, улар ўзларининг судини шариат асосида аввалгидек давом эттиришларига қайта ижозат берилди. Бундай мақсад ўзбекларни Астрахонга доимий яшашига даъват этишдан иборатлигини уқдириб ўтди². 1744 йил 13 апрелда рус ҳукумати «Бухоро хонадони»нинг қатнашувида савдони ривожлантиришни кўзлаб, имтиёзларини янгидан тасдиқлади. Унга кўра:

1. Бухоролик ва хиваликлар ўзларининг суд ишларини шариат асосида юргизсинлар. Улар ҳеч қандай қўшимча ишлар ва хизматларга жалб қилинмасин. Аммо ниҳоятда зарурият туғилгандагина бунга йўл қўйилиши мумкин.

2. Уларнинг дини ва урф-одатларига аралашилмасин ва тўсқинлик қилинмасин. Ижара мажбуриятларини адо этиш

¹ У вақтларда уй-жой етишмаслиги сабабли офицерлар хонадонлардаги бўш хоналарга жойлаштирилган.

² Уша жойда, ф. 259, сената 1-го департамента, № 3799, л. 1098.

Ўрнига маълум даражада пул ундирилсин. Бироқ ортиқча пул олишга ва зўравонлик қилишга йўл қўйилмасин.

3. Уларга ер ажратиб берилсин, кимки бирор корхонани очиш ва ишга солиш истагини изҳор этса, унга мануфактура коллегияси рухсат берсин¹.

Демак, ҳукумат ўзбекларнинг дини ва турмуш тарзининг дахлсизлигини таъминлаб, хоҳлаган касблари билан шуғулланишларига рухсат берди. Аммо улардан ижарага (постой) қўймаслик эвазига маълум миқдорда пул олиниши жорий этилди. Айтиш лозимки, 1744 йилги ҳукумат фармони Астрахон губернатори В.Н.Татишевнинг ташаббуси билан чиқарилган². У Астрахондаги «Бухоро хонадони»нинг савдо фаолиятини чегаралашга қарши туриб, Шарқ мамлакатлари билан алоқани ривожлантиришга қаратилган сиёсатни юргизган. Хусусан, у «Бухоро хонадони»дагиларга савдо дўконларини қуришга рухсат берди³.

Хуллас, рус ҳукуматининг берган имтиёзлари ва ўзбек хонликлари билан алоқани ривожлантиришга қаратилган сиёсати Астрахонда алоҳида «Бухоро хонадони»ни юзага келишига олиб келди. Унинг асосчилари савдо аҳли ҳисобланади. Сўнгра бу «хонадон»га бошқа касб эгалари ўрнашганлар.

“Бухоро хонадони”, – дейилади манбада, – узоқ йиллардан буён турли жойлардан келган хиваликлар, бухороликлар, туркистонликлардан ташкил топган... Бу ерда улар уйланиб, бола-чақа орттирдилар ҳамда савдо-сотик, ҳунармандчилик билан шуғулландилар”⁴.

Иккинчи бир ҳужжатда «Бухоро хонадони»да тошкентлик ва самарқандликларнинг ҳам борлиги қайд қилинган⁵. Ўша «хонадон» ҳақида тасаввур ҳосил қилишда бир

¹ П.С. З.Р., Т XII, с. 78.

² Юхт А.И. Государственная деятельность В.Н.Татищева в 20-х-начале 30-х годов XVIII в. М., 1985. С. 23.

³ Астраханский областной государственный архив. ф. 394, оп. 1, д. 816, л. 4.

⁴ Ўша жойда. ф. 819, оп. 1, д. 318, 28-29.

⁵ Ўша жойда, л. 32, ф. 394, оп. 1, д. 1019, л. 14.

гуруҳ кишиларнинг 1746 йилда рус подшоси Елизавета Петровнага ёзган хати муҳим аҳамиятга эгадир: «Бундан юз йилдан кўп вақтлар илгари бизнинг ота-боболаримиз, – деб ёзган улар, – Бухородан, Хивадан, Туркистоннинг бошқа жойларидан келган вақтларидан бери бизлар сиз подшоҳ олий ҳазратлари паноҳида Астрахонда яшамоқдамиз¹...»

Астрахонга ўрнашганлар орасида ўзбек элчиларининг ҳамроҳлари ҳам бор эди. 1643 йилда Хива хони элчиси А.Султонмуҳамедов билан келган уч киши Астрахонда қолганликларини маълум қилганлар².

Ўша йили Хива хонининг элчиси Амин Ботиров Москвада бўлгандан сўнг Астрахонга келиб йўлга чиққан. Аммо бу ердан Хива хонлиги ва туркманлар ўртасида уруш бошланганлиги учун Астрахонга қайтиб, 1647 йилгача яшаган. Элчи бу ерда ўзи учун уй қурдирган. Унинг хавфсизлигини таъминлашга маъмурият томонидан соқчилар тайинланган³.

Бундай ҳолат 1678 йилда ҳам рўй бериб, Хива хони элчиси Нодирбек билан келган кишилар «Бухоро хонадони»да доимий яшаш учун қолишга қарор қилганлар⁴.

1739 йилда Хива хони элчиси сифатида Россияга юборилган Ортиқ Ботир Рўзиев 40 кишидан иборат ҳамроҳлари билан Санкт-Петербургга келган. Элчи ватанига қайтаётганида Самарада Хива хонлигини Эрон томонидан босиб олинганлигини эшитиб, Астрахонга бориш ва Россия фуқаролигига ўтиш истагини маълум қилади. У ўз мақсадини қуйидагича баён этади: «Сиз император жаноб олийларига шу ҳақида ариза бермоқдаманки, мен рус тобелигига ўтиш ва Астрахондаги «Бухоро», «Гилён» ёки «Агрижон» «хонадон»ларидаги аҳоли билан бирга яшашни истайман. Мен «хонадон»лардаги бухоролик, гилёнлик, агрижонлик,

¹ ЦГАДА, России, ф. 248. кн. 942, л. 60.

² Архив Санкт-Петербургского отделения Института истории АН России. Ф. 178 (Астраханская приказная палата). Оп. 1., д. 1507, л. 1-2.

³ Ўша жойда, д. 1791, л. 3.

⁴ Ўша жойда, д. 7953, л. 1.

эронлик ва бошқа чет эллик кишиларни сиз император олий ҳазратларининг тобелигида хотиржам ва тинч ҳаёт кечираётганликларини кўриб... бу тўғрида Хивага, шунингдек, Мангишлоқдаги туркман дўстларимга Астрахонда қолганлигим ҳақида ёздим»¹. Рус ҳукумати элчининг сўровини қондириб, Астрахонда доимий яшашига ижозат берган.

1743 йилда Хива хони Абулғози ўз элчиси Муҳаммад Баҳодирхон Оллобердини Россияга юбориб, савдони давом эттириши ва элчи Ортиқ Ботир Рўзиевни ўз ватанига қайтаришни сўради². Аммо рус ҳукуматининг йирик вакилларида бири, элчи Ортиқ Ботир Рўзиев ўз хоҳиши билан Россияда туриб қолганлигини билдириб, у хоҳлаган вақтида ватанига қайтишига рухсат берилиши маълум қилинган. Айрим маълумотларга кўра, Ортиқ Ботир Рўзиев Астрахонда «Бухоро хонадони»да яшаган. У Самарада бўлган вақтида бир рус аёлини кўчманчи қозоқлар асирлигидан сотиб олиб, унга уйланган. Бу хотиндан икки ўғил кўрган.

1745 йилда Хива хони Россияга юборган элчиси Х.Турсунов орқали Ортиқ Ботир Рўзиев номига хат юбориб ўзининг ҳамроҳларидан икки кишини, шу жумладан, ногорачи ва сурнайчини, элчини Санкт-Петербургга кузатиб бориш учун берилишини сўраган³. Аммо маъмурият бундай қилишга эҳтиёж йўқлигини билдириб рухсат бермаган.

Ортиқ Ботир Рўзиев Астрахонда 17 йил яшагандан кейин 1755 йилда ўз хоҳиши билан Хивага қайтган. Бу ерда 7 минг кишилиқ қўшинга лашкарбоши этиб тайинланган. Айтиш лозимки, Астрахонда истиқомат қилаётган ўзбеклар Россия фуқаролигига ўтиш учун рус подшоҳи номига ариза билан мурожаат қилиши керак эди. Масалан, 1755 йилда хивалик Шоберди Ниёзов император Елизавета Петровнага қуйидаги мазмунда ариза ёзган:

¹ ЦГАДА России. Ф. 248, кн. 943, л. 187.

² Архив Минстерство иностранных дель России. Ф. «Сношения России с Бухарой», д. № 1, л. 4.

³ Ўша жойда, л. 5.

1. Бундан 17 йил муқаддам мен Хива хони элчиси Ортиқ Ботирнинг ҳамроҳлари билан Хивадан Астрахонга келганман. Ҳозирда мен улардан алоҳида яшамоқдаман.

2. Мен ҳозирда олий ҳиммат улуғ император тобелигига ўтишни ва Астрахонда «Гилён хонадони»нинг аҳолиси билан бирга яшашни истайман.

3. Шунинг учун олийҳиммат ва улуғ император мени ўз тобелигига олиш, «Гилён хонадони»га киритиш, уйланиш ва уй қуриш ҳақида фармон берилишини сўрайман¹.

Бу ариза қаноатлантириб, Шоберди Ниёзовдан Рус давлатига содиқ бўлиш ҳақида ёзма қасамёд олинди². Бу қасамёд «Гилён хонадони»нинг оқсоқоллари Модлиберди ва Мулла Хожиниёзов гувоҳлигида ўтказилиб, имзо чекилди. Россия тобелигига ўтишни хоҳловчи ҳар бир киши хоҳлаган «хонадони»га жойлашиши мумкин эди. Шу билан Шоберди Ниёзовни «Гилён хонадони»га қабул қилинишини тушунтириш мумкин. У бу борада якка бўлмаган. 1685 йилги маълумотга кўра, бухоролик Райим Боқиев иккита хотини, ака-укалари ва болалари билан «Гилён хонадони»да истиқомат қилган³. Бу «хонадон»да бир қозонлик татар ҳам яшаганлиги маълум⁴.

1663 йилда «Бухоро хонадони»да эронлик М.Аметов истиқомат қилган⁵. 1774 йилда ўша «хонадон»да Тебриз, Ҳиндистон, Черкас, Бошқирдистон, Шамах, Туркменистон ва Қашқардан келган кишилар ҳам яшаганлар⁶. Аммо «Бухоро хонадони»да кўпчиликни хивалик, бухоролик, самарқандлик, тошкентлик ва туркистонликлар ташкил қилган.

¹ Астраханский областной государственный архив. Ф. 394, оп. 1, д. 1858, л. 28.

² Ўша жойда, л. 31-32.

³ Ўша жойда, д. 12762, л. 1.

⁴ Ўша жойда, д. 4701, л. 1.

⁵ Ўша жойда, д. 1019, л. 1-22.

⁶ Ўша жойда.

Манбаларни ўрганиш жараёнида ўзбек хонликларидан кишилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб Астрахонга ўрнашган даврлар мавжудлигига аҳамият қаратиш мумкин. Бундай ҳолат, айниқса, хонликларга чет эл босқинчилари ҳужум қилган вақтларида рўй берган. Чунончи, Хива хонлигига Эрон ҳужум қилиб, Хива шаҳрини ва унинг атрофларини хонавайрон қилган. Астрахонда «Бухоро хонадони»да яшаётган савдогар бу фожианинг жонли гувоҳи бўлган. У Эрон қўшинларининг чангалидан омон қолиб, хиваликлар билан бирга Астрахонга йўл олган. Улар Гурьев деган жойга келиб ўрнашишган. Шу ер маҳкамаси бошлигининг Астрахон губернаторлиги идорасига юборган рапортида шундай дейилган: “шу 1745 йили Ёйиқ-Гурьев маҳкамасига эркак ва хотинлардан иборат 126 нафар хиваликлар келишиб, Хива эронликлар томонидан босиб олинганлиги учун улар ўзларининг Астрахонга қочиб келганликларини айтдилар. Уларнинг ихтиёрида 50 та от, 30 та туя ва битта сигир бўлиб, бошқа мулклари йўқ”¹. Хиваликларга Астрахон шаҳрига жойлашишлари учун рухсат берилди.

Эронга асирлар сифатида олиб кетилган кишилар ҳам Астрахонга бошпана қидириб келганлар, 1747 йилда 8 та хивалик ва 2 та туркман асирликдан қочиб келганликларини Астрахон маъмуриятига билдирганлар. Улар ватанларига қайтиш истагида бўлганликлари учун ҳукумат томонидан пул билан таъминланган². Шундан сўнг улар юқорида кўрсатилган элчи М.Турсунов билан Хивага қайтганлар. 1751 йилда ҳам эрон асирлигидан Астрахонга қочиб келганлар ватанига қайтарилган³.

«Бухоро хонадони»да бошқарув услуби ва суд ишлари шариат асосида олиб борилиб, унинг тепасида оқсоқол турган. Оқсоқол мансабидаги киши фуқаролар устидан раҳбарлик қилиши билан бирга марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг «Бухоро хонадони»даги расмий вакили ҳам ҳисоблан-

¹ Ўша жойда, д. 1083, л. 36.

² Ўша жойда, л. 153.

³ Ўша жойда, д. 1570, л. н.б. обозначен.

ган. Одатда, оқсоқол мансабига аҳолининг йиғилишида кўпчиликнинг қатнашуви ва розилиги билан номзод кўрсатиларди. Шундан сўнг оқсоқолликка номзодни рус ҳукуматининг тегишли вакиллари тасдиқлаши лозим эди. Аммо айрим шахсларнинг алдов йўли билан оқсоқоллик мансабини эгаллаган вақтлари ҳам бўлган. Чунончи, 1743 йилда Абдулла Бегим номли киши ўзини «Бухоро хонадони»га оқсоқол қилиб тайинлашларини сўраб ҳукумат сенатига ариза берган: «Ўтган замонларда, тахминан, 80 йил муқаддам, – дейилган аризада, – менинг бувам Мадаминов Бухородан келиб Астрахонга ўрнашган. Шундан сўнг у ва бошқа қариндошларимизнинг чақириги туфайли юздан ортиқ оила Астрахонга Бухородан келиб жойлашган. Уларга аввал бувам, сўнгра менинг отам оқсоқоллик қилган...¹» Сўнгра Абдулла бегим ўз аризасида унинг отасидан сўнг «Бухоро хонадони»нинг оқсоқолигига бошқа бир киши, яъни Сиддиқхўжа тайинланганлигини эслатиб ўтади. Сиддиқхўжа Дилдоров вафот этиши муносабати билан оқсоқоллик мансабига ўтириш Абдулла бегимга ота мерос эканлигини ва шунинг учун уни мансабга тайинланиши лозимлиги аризада баён этилган. Абдулла Бегимнинг бу сўрови сенат томонидан қондирилиб, Астрахон генерал-губернаторига махсус фармон юборилди. Шу асосида Абдулла Бегим оқсоқоллик мансабини эгаллаган. Ишлаб турган оқсоқол Хусаинхўжа Сиддиқов эса вазифасидан четлатилган.

Бироқ Абдулла Бегимнинг оқсоқоллиги кўп давом этмаган. «Бухоро хонадони»нинг аҳолиси рус подшосига унинг алдов йўли билан оқсоқоллик мансабини эгаллаганлигини кўрсатиб, ариза берган эдилар. Улар аризада шуни эслатиб ўтдиларки, Бухородан, Хивадан, Туркистондан ва бошқа жойлардан келган ота-боболаримиз сингари биз ҳам кўп вақтлардан бери Астрахонда яшамоқдамиз, олдинги оқсоқоллар сайлов йўли билан тайинланган бўлиб, улар бизларни хафа қилмаганлар ва хўрламаганлар. Бу билан бир

¹ ЦГАДА, Россия, Ф. 248, кн. 973, л. 175.

қаторда аризада 1723 йилда «Бухоро хонадони»нинг розилиги билан Сиддиқхўжа Дилдоров оқсоқол бўлиб тайинланганлиги ва бу киши то вафот этгунга қадар (1739 йили) ўз вазифасини ҳалоллик ва адолат асосида бажарганлиги қайд қилинган¹. Шунингдек, унинг ўрнига ўғли Ҳусаинхўжа Сиддиқов оқсоқол бўлиб сайланганлиги ва бу киши ўз вазифасини яхши давом эттираётган бир вақтда Абдулла Бегимнинг оқсоқоллик мансабини фирибгарлик билан эгаллаганлиги маълум қилинган. Аризада кўрсатилишича, Абдулла Бегимнинг ота-боболари ҳеч қачон оқсоқол бўлмаган. Унинг бу ҳақида ёзган аризаси мутлақо асоссиз эди. Бунинг устига Абдулла Бегим оқсоқол бўлгач, ўз қўл остидаги кишиларга кўп азоб берган ва порахўрлик қилган. Хуллас, аризада оқсоқоллик мансабига Ҳусаинхўжа Сиддиқовни қайта тайинлаш ҳақида «Бухоро хонадони»нинг қарори баён этилган. Аризага биноан сенат оқсоқоллик мансабига Ҳусаинхўжа Сиддиқовни қайта тайинлаган. Шундай қилиб, «Бухоро хонадони» аъзолари ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган оқсоқол тайинланишига эришдилар. Бу ҳолат оқсоқолнинг «Бухоро хонадони»даги аҳамияти муҳимлигидан далолат беради. Маҳаллий ҳокимиятнинг айрим вакиллари ўзбекларга берилган имтиёزلарни ўзбошимчалик билан бузишга уринганлар ёки уларни бекор қилинишини сўраб ҳукуматга мурожаат қилганлар. 1745 йилда Астрахон маҳаллий ҳокимияти «Бухоро хонадони»ни шаҳар магистрати (маҳкамаси) ихтиёрига ўтказиб, ўзбекларни бир қатор солиқларни тўлаш ва мажбуриятларни бажариш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Бунга кўра, ўзбеклар ҳам рус, татар ва бошқа маҳаллий халқлар сингари шаҳар маҳкамасига бўйсунуши керак эди. Бу уларга берилган имтиёزلарни бекор қилиш хавфини тўғдирди. Шу боис «Бухоро», «Гилён» ва «Агрижон хонадон»ларининг оқсоқоллари Ҳусаинхўжа Сиддиқов, Мавлонберди Пиреклев ва Адит Балувевлар биргаликда рус ҳукуматига махсус хат

¹ Ўша жойда, кн. 942, л. 605.

билан мурожаат қилишди. Унда «Бухоро хонадони»нинг аҳолиси узоқ пайтлардан бери тутун солиғи ва савдо божларини ўз вақтида тўлаб келаётганликларини, ҳозирда эса маҳаллий ҳокимият уларга берилган имтиёзларни бекор қилиш ҳамда турли солиқларни тўлашга қаратилган тадбирлар белгилаганлигини маълум қилганлар. Хатда улар Ўрта Осиё шаҳарларидан келиб Астрахонда яшаётганликлари ва савдо соҳасида Рус давлатига катта фойда келтираётганликларини ҳам баён этганлар¹. Айни пайтда улар рус савдогарларига қараганда анча камбағалликларини эслатиб ўтганлар. Зеро, руслар савдо, турли касблар, шу жумладан, балиқчилик билан ҳам шуғулланиб, ерлари, дўконлари, омборлари, кемалари ва заводлари борлиги эслатилиб, катта даромадга эга эканликлари таъкидланган. Булардан улар катта даромад олганлар. Бу билан ўша оқсоқоллар ўзларининг қўл остидаги кишиларни русларга нисбатан анча камбағалликларини ва шу боис улар турли солиқларни тўлашга қодир эмасликларини билдирганлар. Шунингдек, улар ўзбекларга берилган имтиёзлар бекор қилинса, Ўзбекистон ва Эрондан қатнаб турадиган савдогарлар Астрахонга келмай қўйишлари натижасида, Рус давлатининг савдо манфаатларига путур етиши мумкинлигини маълум қилдилар². Шу билан баробар, агар ўзбеклар магистратга киритилса, рус тилини билмасликлари натижасида давлат хизматини ўташда катта хатолик ва туншунмовчиликларга йўл қўйилиши уқтириб ўтилган. Бунга қарши ўлароқ, Астрахон магистрати ўзбеклар орасида нафақат рус тили, балки немис ва бошқа хорижий тилларини билувчи кишилар ҳам борлигини кўрсатиб ўтган.

Улар ўзларини шаҳар магистратига бўйсундирмаслик ва берилган имтиёзларни ўз кучида қолдириш ниятида рус подшоҳидан сўраган эдилар. Хива элчиси Ортиқ Ботир Рўзибоев ўзбекларни шаҳар магистратига бўйсундиришга ўз муносабатини рус подшосига маълум қилган. Хат мазму-

¹ Ўша жойда, кн. 943, л. 101.

² Ўша жойда. л. 102.

нан қуйидагича: “Сиз император олий ҳазратларига шуни маълум қиламанки, Астрахон губернатори «Бухоро», «Гилён» ва «Агрижон хонадон»ларида яшовчи кишиларини магистратга ёзмоқчи, агар шундай қилинса ва буни хиваликлар билан туркманлар эшитса, у вақтда улардан кишилар Астрахонга келмай қўядилар. Шунинг учун «Бухоро хонадони»даги кишиларни шаҳар магистратига бўйсундирмасликларини сўрайман”.

Рус ҳукумати 1746-йил 17 сентябрда «Бухоро хонадони»ни шаҳар магистратига киритилмаслик ҳақида Астрахон губернаторига махсус фармон юборди. Унда «Бухоро хонадони» Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан алоқаси туфайли узоқ вақтлардан буён ташкил топганлиги ва ундаги кишиларнинг савдо фаолиятлари орқасида давлат хазинасига катта фойда бўлаётганлиги қайд қилинди². 1731 йили ўша фармонда ҳарбий кишиларни “Бухоро хонадони”га яшашга қўймаслик ҳақидаги кўрсатма қайта тасдиқланди³. Фармон чиққандан сўнг кўп ўтмай, рус ҳукумати иккинчи бир қарор қабул қилди. Сенат муҳокамасидан ўтган бу қарорда Астрахондаги «Бухоро хонадони»да яшовчиларнинг фаолиятига тўла шароит туғдириш, бунинг учун уларга турли солиқ ва мажбуриятларни қўлламаслик ҳақида маҳаллий ҳокимиятга буюрилди. Рус ҳукумати 1681 йилда «хонадон»лардаги идора услубини такомиллаштириш мақсадида аҳолини урф-одати ва динини сақлаган ҳолда, уларнинг ҳаммаси учун битта радгауз тузиш ҳақида кўрсатма берилди. «Бухоро», «Гилён» ва «Агрижон хонадон»ларининг ҳар бири радгауз судига ўз вакилини сайлаши лозим эди. 1765 йилга келиб эса Астрахонда яшовчи ўзбек (бухоролик), арман, грузин ва шунга ўхшаш «хонадон»ларининг радгаузга сайланган судьяларини бир уйга жойлаштиришга қарор қилин-

¹ Ўша жойда, л. 187.

² Астраханский областной государственный архив. Ф. 394, оп. 1, д. 1083, л. 32.

³ Ўша жойда, л. 194.

ди. Ҳар бир «хонадон»нинг сайланган кишиси миллатига тегишли муаммоларни кўриб чиқиш жараёнида бошқа «хонадон» судларидан алоҳида ўтириши керак эди. Бордию масала ҳамма «хонадон»ларга тегишли бўлса, у вақтда ҳамма судьялар биргаликда ишни кўриши ва қарор қабул қилиши лозим эди. Шу қарордан норози бўлган кишилар Астрахон шаҳар маҳкамасига шикоят қилиш ҳуқуқига эга эдилар¹.

Рус ҳукумати «Бухоро» ва «Гилён хонадон»ларидаги кишилардан тутун солиғи ўрнига 150 сўм пул тўлашни жорий қилди. Солдат казармаларини қуриш учун ўша хонадонлардан ҳаммаси бўлиб 350 сўм ундириш Астрахон маъмуриятига топширилди. Аммо жуда камбағал кишилардан ҳеч қандай йиғим олмаслик ва мажбуриятларни бажаришга мажбур қилмаслик кўрсатиб ўтилди². Кейинчалик солдат казармаларини қуриш учун тўланадиган пул миқдори камайтирилиб, 300 сўм деб белгиланди. Бундан мақсад «бухоролик ва хиваликларни кўпроқ Астрахонга жалб қилиш» эди³.

Солдат казармаларини қуриш учун тўланадиган пул миқдори руслар тўлайдиган сўмга нисбатан анча оз бўлган.

1770 йилда Астрахон генерал-губернатори Бекетов ўзбеклар имтиёзларини қисқартириш мақсадида сенатга махсус хат билан мурожаат қилди. Унда шундай фикр юритилган: бухоролик ва хиваликлар ҳеч қандай мажбуриятларни адо этмай яшайдилар. Аммо улар руслар билан бирга савдо ва бошқа касблар билан шуғулланидилар. 1746 йил 17 сентябрь фармонида кўрсатилган тарзда савдодан ва ишлаб чиқарган маҳсулотларидан бож олинади⁴. Губернатор буни оз деб ҳисоблаб, «Бухоро хонадонидан» 80 тийин ҳажмида жон солиғи олишни таклиф этади. Бироқ сенат бу сўровни инобатга олмади⁵.

¹ ЦГАДА России. Ф. 259, снота 1-го департамента, кн. 3804. л. 12.

² Астраханский областной государственный архив, Ф. 394, оп. 1, д. 1083, л. 171.

³ ЦГАДА России. Ф. 259 сената, кн. 3799, л. 1102.

⁴ Ўша жойда, кн. 3878, л. 1079.

⁵ Ўша жойда, л. 1126.

Рус ҳукумати 1800 йилда «Бухоро», «Гилён» ва «Агрижон хонадон»ларида қўлланиладиган суд тартибига ўзгаришлар киритди. Бунга кўра, русларнинг ўзбек, арман ва бошқа шунга ўхшаш миллат вакилларига даъвоси рус судларида кўрилиши лозим эди. Мусулмонлар билан арманлар ўртасида содир бўлган даъволарни арман судида кўриш тавсия қилинди. Мусулмонлар ўртасидаги ишлар эса татарлар учун ташкил этилган идорада ҳал этилиши буқорилди¹.

«Бухоро хонадони»нинг кўпчилики аҳолиси савдо, ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. 1746 йилда ўша хонадон аъзоларининг император Елизавета Петровнага юборган хатида шундай дейилган: Қадимги вақтларда Астрахонда «Бухоро» ва «Гилён»дан иборат иккита «хонадон» юзага келган. Улар Астрахонга келадиган савдогарлар учун қурилган бўлиб, четдан келтирилган моллар эвазига рус молларини олиб кетганлар. Улар белгиланган божларни ўз вақтида кам-кўстсиз тўлаб, давлатга фойда келтирганлар². Баъзи бир тўла бўлмаган маълумотларга кўра, айрим ўзбек савдо аҳли Ўзбекистондан 1633 йилда – 8769, 1634 йилда – 2018, 1637–1638 йилларда – 543, 1640–1641 йилларда – 10585, 1642 йилда – 6294 ва 1666 йилларда эса 248 сўмлик молларни Астрахонга келтирганлар. XVII асрнинг 70–80-йилларида Астрахондан Ўзбекистонга юборилган моллар ҳажми тахминан 3 мингдан сўмдан 10 минг сўмгача борган³. Бу ўз даври учун катта маблағ ҳисобланган, лекин у ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Чунки ёнғин тушиши натижасида архив ҳужжатлари бизгача сақланмаган. Ўзбекларнинг барча савдо-сотик ишлари асосан «Бухоро хонадони»да олиб борилган. Бу ерда шуни айтиш лозимки, улар фақат Ўзбекистон эмас, балки эрон ва ҳинд моллари билан ҳам савдо олиб борганлар ва шунинг ортидан бойлик эгасига айланганлар.

¹ Ўша жойда, Ф. 276, коммерц-коллегия, д. 577, л. 1.

² ЦГАДА России. Ф. 248, кн. 943, л. 187.

³ Чулошников А. Торговля Московского государства в Средней Азии в XVI-XVII в (МИУТТ), с. 81, 83.

Кўрсатмада шундай ёзилган: «Бухоро» ва «Гилён хонадонлари»да кўп чет эллик кишилар яшаб, ҳашаматли уйларга эгадирлар. Улар ўзларининг уйларига четдан келадиган савдогарларни ижарага қўйиб, даромадларини кўпайтирмоқдалар. Ўша «хонадон»ларда бож олинишидан бекитилган кўп молларнинг бўлиши оқибатида давлат хазинасига катта зиён етказилмоқда. Шу боис шаҳарда алоҳида раста қурилиб, молларнинг бошқа жойларда сотишга йўл қўймаслик буюрилди¹.

1685 йилда рус ҳукумати яна бир фармон чиқарди. Унда ўзбек хонликларидан келган савдогарлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ва уларнинг молларини божхона рўйхатисиз «Бухоро хонадони»га қўймаслик Астрахон маъмуриятига топширилди. Шунингдек, ўша «хонадон» кишиларига давлат монополияси (эгалиги)га айлантирилган томорқани экишларига ва рухсатсиз татар қулларини сотиб олишларига йўл қўймаслик кўрсатилди².

Ўзбек савдогарлари хонликлардан Астрахонга ипак ва ип газламалари, олача, бўз, хом сурп, босма оқ сурп, қизил мато, миткал қалами, пардалар, белбоғлар, рўмолчалар, тўнлар, чодирлар, калава ип, пахта, қуруқ мева ва бошқа молларни келтирганлар. Уларнинг орасида араб ва эрон моллари ҳам бўлган. Булар эвазига хонликларга қуйидаги рус моллари олиб кетилган: темир асбоблар, чўян қозонлар, ниналар, мовутлар, тўғноғичлар, тугмачалар, чармлар, турли мўйналар, ёғоч идишлари, каллақанд, қоғоз, мум, мунчоқ, жун газламалар, қалай идишлар, қайчилар ва бошқалар. 1712 йилда мана шундай молларни Астрахондан «Бухоро хонадони»нинг аъзоси Сиддиқхўжа Бухорога олиб кетган³.

Рус ҳукумати ўзбекларга берилган имтиёзларни вақти билан янгидан тасдиқлаб турди. Масалан, 1727 йилдаги

¹ Ўша жойда, с. 253.

² Архив Санкт-Петербургского отделения Института истории АН России. Ф. 178 (Астраханская приказная палата), Оп 1, № 101516. л. 1-4.

³ Астраханский областной государственный архив. Ф. 394, оп. 1, д. 251, л. 67.

унинг фармонида Бухоро ва Хива савдогарларига ҳеч қандай сиқув ва тўсқинлик қилмаслик Астрахон маъмуриятига топширилиб, уларнинг қимматли тошлар, олтин ва қумуш сингари молларидан бож олинмаслигига буюрилди. Шундай имтиёз хонликларга олиб кетиладиган рус молларига ҳам қўллаш таъкидланган¹. Ҳукуматнинг бундай тадбирлардан мақсади Ўзбекистон билан савдони юқори босқичга кўтаришдан иборат бўлган.

Бундай сиёсат савдогарлар томонидан мамнуният билан қарши олиниб, 1732 йилда катта савдо карвони уюштирилди. Унинг таркибига «Бухоро хонадони»дан – А.Аллоқулов, Е.Уразов, П.Абдуллаев, Х.Қурбонов; руслардан – А.Ефремов, И.Моисеев, Д.Соколов, И.Кафтанов, А.Хрячин, К.Семенов, Я.Земеский, И.Чячин, Л.Молчалов, Г.Иванов, И.Бобошин, Л.Болахонов, В.Кондратьев; ҳиндлардан – А.Бендрабанов, В.Балчандав, К.Задаев; татарлардан – Алихон, Андуганов, Донатов, Цетаха; арманлардан – В.Семенов; греклардан – Я.Кобачинков, Ф.Сречеев, А.Христофоров ва бошқа савдогарлар кирди. Бундан ташқари, карвонга «бир хивалик» қўшилганлиги қайд қилинган. Уни карвон кузатувчиси сифатида қўшилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Рус ҳукумати ушбу карвонга шу даражада эътибор бердики, император Анна Ивановна уни Бухоро ва Хивагача йўл хавфсизлигини таъминлаш лозимлиги ҳақида фармон чиқарди. Бундай қилишни Бухоро, Хива хонликлари ва карвон йўлларидаги барча ҳукмдорлардан сўралган².

Ўз навбатида ўзбек хонликлари ҳам Астрахон орқали Россия билан алоқани ривожлантиришга қаратилган айрим чора-тадбирларни кўришга ҳаракат қилганлар. 1732 йилда Хива хони Ўз вакилини Астрахон губернаторига юбориб, агар савдо карвони юбориладиган бўлса йўлда унинг хавфсизлигини таъминлаш ва қароқчилар талонидан сақлашни

¹ Ўша жойда, д. 64, л. 46.

² Ўша жойда, д. 3639, л. 222.

Ўз зиммасига олишини маълум қилади¹. Ўша вақтларда карвон йўлларида савдогарларни қароқчилар талаб турарди. Шу боис, карвонлар хавфсизлигини таъминлаш осон бўлмаган. Шунга қарамай, «Бухоро хонадони»даги савдогарлар ўзбек хонликлари билан алоқани давом эттираверганлар. 1735 йилда «хонадон»нинг савдогари Лочин Аблаев, Хивадан Астрахонга 42 та парда, 5 та парча ва 137 мўйна сингари молларни келтирган². 1744 йилда унинг касбдошлари – Е.Уразов, М.Латипов, Н.Абдурахмонов, А.Муратов, А.Абасов, С.Тенчинбаев, А.Махматов, Н.Ўразаев, И.Одилбаев, У.Ниёзов, Н.Боқиев, А.Ниёзов ва А.Охунжоновлар ҳам турли моллар билан Бухоро, Хива ва бошқа жойларига кетганлар³. 1741 йилда Астрахонда русларга мансуб бўлмаган аҳолининг дўкондорлари 508 кишини ташкил этган. Улардан 233 таси арманларни, 114 таси ўзбекларни ва 94 таси қозон татарларни ўз ичига олган⁴. Бинобарин, ўзбеклар сон жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаганлар.

Астрахон губерния идорасининг маълумотига кўра, 1743–1745 йилларда «Бухоро», «Гилён» ва «Агрижон» савдогарлари томонидан жами 74,087 сўмлик моллар Астрахонга келтирилган⁵. Ўша учта «хонадон»да 139 дўкон бўлиб, 106 таси ўзбекларга тегишли эди. Бу уларнинг савдода салмоқли ўрин эгаллаганлигидан далолат беради. 1745 йилда Астрахон губерния идораси учта «хонадон»лар савдогарлари фаолиятини шундай баҳолаган эди: “улар ўзлари қурган дўконларда савдо-сотик билан шуғулланадилар. Бошқа шаҳарлар ва Эрондан келтирган молларни олиб келиб белгиланган божларни тўлайдилар”⁶.

¹ Ўша жойда, л. 314.

² Ўша жойда, л. 539, л. 47.

³ Ўша жойда, д. 1019. л. 1-22.

⁴ Якоцевский В. Купеческий капитал в феодально-крепостнической России. М., 1953. С. 71.

⁵ Астраханский областной государственный архив. Ф. 394, оп. 1, д. 89, л. 6-15.

⁶ Ўша жойда. л. 15.

«Бухоро хонадони» кишилари Дербент, Кизляр, Қозон ва бошқа шаҳарлар билан ҳам савдо қилишган. 1692 йилда Саичанка (Сайиджон) ҳинд Атикар Мазейка билан Дербентдан 80 тўп газлама, 1 той пахта ва тамакини Астрахонга олиб келганлар¹. 1727 йилда И.Маматов моллар билан Дербентга жўнатилган². Ўша йили А.Бегимов ўзининг гумаштаси билан отларни сотиш учун Святой крест деган жойга юборилган. Иброҳим Оружев эса ўзи тиккан телпаклари билан ўша жойга жўнатилган. «Бухоро хонадони»дагилар Нижнийновгород ярмаркасида ҳам қатнашганлар. 1757 йилда савдогарларнинг 20 кишидан иборат катта гуруҳи хизматкорлари билан ярамаркага ва шунингдек, Қозонга борганлар. Улар орасида А.Абдуллаев, К.Қурбонов, А.Мирзаев, А.Кенжаев, Н.Эрматов, А.Хўжамқулов, И.Саидқулов, К.Раҳмонқулов ва бошқа савдогарлар бор эди³. 1763 йилда ҳам Р.Оғаматов ва Бошбеков бошчилигида савдогарлар ярмаркага келганлар⁴.

1726 йилда савдогарлар А.Ёдгоров, Б.Бошқориев, А.Ниёзов ва У.Мамадовлар ўзларининг хизматкорлари билан қалмоқ улусига кетганлар⁵. 1770 йилда савдогар Х.Абдуллаев бир йил муддатга қалмоқ улуси ва Енажев истеҳкомига жўнаган. Бундай ҳолат 1795 йилда ҳам содир бўлган⁶.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига оид маълумотларга кўра, Астрахонда ўзбек савдогарларининг фаолияти сезиларли даражада пасайган. Бу Оренбургнинг барпо этилиши ва унинг Ўзбекистон билан алоқада бўлган йирик савдо марказига айланиши орқасида содир бўлган. Ҳатто ўзбек элчилари аввалгидек Астрахон эмас, балки ҳар жиҳатдан қулай ва яқин бўлган Оренбург орқали Россияга қатнай бошлаганлар. Бундан ташқари хонликлардаги Астрахонга борадиган

¹ Архив Санкт-Петербургского отделения Института истории АН России. Ф. 178, (Астраханская приказная палата), оп. 1, д. 12227, л. 1-2.

² Ўша жойда, Ф. 394, оп. 1, д. 133, л. 187.

³ Ўша жойда, д. 2002, л. 249.

⁴ Ўша жойда, д. 2153, л. 204.

⁵ Ўша жойда, д. 64, л. 46.

⁶ Ўша жойда, д. 64, л. 46.

йўлларда қароқчилик кучайиб кетиб, савдога катта талафот етказган. Бу хусусда 1806 йилда Астрахан губерния идораси шундай деган: “Ўзбеклар 1766 йилгача Ўзбек ва эрон моллари билан қизгин савдо олиб бордилар. Кейинчалик эса Бухорога юборган карвонларининг қароқчилар томонидан таланиши, Астрахонда ёнғиндан моллари ва дўконларининг ёниши натижасида мулкларидан жудо бўлдилар. Ҳозирда улар майда-чуйда молларни, ип-газламаларни сотиш, бўёқчилик, новвойчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланиб, тирикчиликни ўтказмоқдалар”.

Гарчанд мазкур сатрларда баён қилинган фикрлар умуман олганда ҳақиқий аҳволни акс эттирсада, лекин ўзбеклар орасида айрим кишилар Бухоро ва Хива хонликлари билан савдони ҳамон давом эттирганлар.

Масалан, 1785 йилда у ерларда савдогарлар томонидан 409 сўмлик моллар Астраханга келтирилган¹. 1829 йилда улар Астрахондан 8330 сўмлик молларни олиб кетганлар². 1842 йилда Хива хонлигига олиб кетилган моллар орасида турли газламалар, темир, мис, пўлат ва тунокадан ишланган буюмлар бор эди³. Шунингдек, қўрғошин ва чўян қуймаси, чарм ва ундан ишланган буюмлар, бўёқ, қоғоз, ойна ва бошқа молларни кўриш мумкин эди... Эндиликда ўзбек моллари қаторида ҳам айрим ўзгаришлар юз бериб, пахта ва калава ипи келтириш кучайди.

«Бухоро хонадони» аҳолиси ҳунармандчилик, хусусан, газламаларни бўяш, кўнчилик, ипакчилик, новвойчилик, ошпазлик, телпакчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланганлар. 1667⁴, 1674⁵ ва 1668⁶ йилларда Бухоро хонадониди

¹ Ўша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 628, л. 58.

² Ўша жойда, ф. 679, оп. 1, д. 95, л. 3.

³ Архив Санкт-Петербургского отделения института истории АН России, ф. 178 (Астраханская приказная палата). Оп. 1. № 5076, л. 1.

⁴ Ўша жойда, № 8010, л. 1-3.

⁵ Ўша жойда, № 5753, л. 1-2.

⁶ Ўша жойда.

ипакчилик билан шуғулланувчи усталар борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ҳунар билан шуғулланувчилар ҳукумат томонидан рағбатлантирилиб, ун, дон ва шунга ўхшаш нарсалар мукофот сифатида берилган. 1688 йилда мана шундай мукофотни «ипакчилик устаси» Пирмат Камолов олган¹. Бундай қилинишидан мақсад, Астрахонда ипак маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйишдан иборат эди. Ўзбек хонликларидан келтирилган газламаларни турли рангларга бўяш ҳунари муҳим ўрин эгаллаган. Бундай газламалар Россиянинг турли томонларига олиб кетилган. Ўзбеклар Астрахонда бўёқчиликни биринчи бўлиб йўлга қўйганлар. Шу боис улар унга танҳо эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бироқ 1723 йилда Астрахон генерал-губернатори Волинский газламаларни бўяшни армени Ивановга ижарага бериши орқасида «Бухоро хонадони»даги бўёқчилар ундан маҳрум қилинди. Бу ўзбекларнинг қатъий норозилигини келтириб чиқарди. Ҳатто бу масала Бухоро хонигача бориб етди. 1731 йилда Ёдгор Мулла Алимов Бухородан хоннинг бўёқчилик масаласига доир махсус хатини келтириб, рус ҳукуматига топширган. «Узоқ вақтлардан бери, -- дейилган хатда, -- бухороликлар Астрахонда турли бўёқлар билан газламаларни бўярдилар. Ҳозирда эса бир арман кишиси ўша бўёқчиликни ижарага олган. Илгари бундай ижарага олиш бўлмаган. Шунинг учун бу ижара тўғрисидаги келишув бекор қилиниши керак»².

Ҳукумат сенати бу масалани муҳокама қилиб, ижарани бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ унда бўёқчилик билан рус, ўзбек ёки арманларнинг бари бир ким бўлишларидан қатъи назар ҳамма шуғулланиши мумкинлиги қайд этилди³. Шунга қарамай, бўёқчилик касби асосан ўзбеклар қўлида қолаверди. 1745 йилга тегишли маълумотга кўра, «Бухоро хонадони»да И.Якубов, А.Носиров, Т.Дўстмуҳамедов,

¹ Ўша жойда.

² ЦГАДА России. Ф. 248, Сената, кн. 914, л. 264.

³ Ўша жойда, л. 268.

М.Мирзаев ва бошқа кишилар буюқчилик касби билан шуғулланганлар. 1745 йилда рус ҳукумати пойтахтда буюқчиликни йўлга қўйиш мақсадида Бухоро, Хива, Балх ва бошқа жойларда буюқчилик ва арқон тайёрлаш бўйича усталарни топиб ва уларни Петербургга юборишни Астрахон маъмуриятига топширди¹. Ўзбеклар кўнчилик ва ундан турли буюмларни тайёрлаш билан шуғулланганлар².

Деҳқончилик билан ҳам машғул бўлишган. Ҳукумат томонидан ажратилган ерлардан ташқари татарлардан сотиб олинган ерларда ҳам турли экинларни етиштирганлар. Хусусан, улар хонликлардан тарвуз, қовун, бодринг, қовоқ ва бошқа полизчилик ва сабзавотчилик ўсимликларини Астрахонга олиб келиб, иқлимлашгирганлар. Натижада оқ ва сариқ рангли Хива қовунидан яхши ҳосил олинган. Шунингдек, кўкимтир Хива қовуни ҳам етиштирилган. Астрахонда Бухоро қовуни экилиб «Бухарка» номи билан юритилган.

Хуллас, ўзбеклар Астрахонда қишлоқ хўжалигини янги ўсимлик навлари билан бойитишга муносиб ҳисса қўшганлар. Бу хусусда, 1913 йилда муаллифлардан бири шундай деган: “Бизнинг ота-боболаримиз Астрахонда Ўзбекистонда ўсадиган бодринг, қовоқ, тарвуз ва қовун экиб ўстирганлар. Бизда қовун ва бодринглар Фарбий Европага нисбатан олдин тарқалган. Астрахон ва унинг атрофларида полиз экинлари билан Ўрта Осиё ичкарасидан келган кишилар шуғулланганлар. Табиийки, улар Волга қирғоқларига ўрнашиб, ўзлари билан қовун, тарвуз ва бодринг уруғларини олиб келганлар. Шу пайтгача Астрахон полизчилиги ва сабзавотчилиги Ўрта Осиёникига жуда яқиндир”³.

Ҳозирда Астрахонда етиштирилаётган арбуз, ўтмиш даврларда ўзбеклар томонидан иқлимлаштирилган тарвуз авлодидир.

¹ Краткий очерк развития русского плодового хозяйства за Романовский период в истории России. СПб., 1913, с.27.

² Астраханский областной государственный архив, ф. 394, оп. 1. д. 89, л 6.

³ Краткий очерк развития русского плодового хозяйства за Романовский период в истории России, с. 10, 22.

XVII асрда рус подшоси Алексей Михайлович фармон чиқариб, Астрахондан чигит, ток, қовун ва тарвуз уруғларини топиб, уларни экиш учун Москвага юбориш тўғрисида маҳаллий ҳокимият бошлиғига кўрсатма берди. Фармонда агар юқорида кўрсатилган уруғлар Астрахонда топилмаса, уларни Ўзбекистондан келтирилиши лозим эди. Бу экинларни етиштиришга ўртаосиёликларни жалб қилиш буюрилган эди. Подшо фармонига биноан, чигит, қовун ва тарвуз уруғлари Москва яқинидаги Измайлова қишлоғида тажриба учун экиб кўрилди. Лекин ёғин-сочин, ноқулай иқлим шароити сабабли бу экинлар яхши ўсмади.

«Бухоро хонадони»да араб, форс ва рус тилларини яхши биладиган кишилар бор эди. 1732 йилда «хонадон»да Хива хонининг рус подшосига юборган ёрлиғи рус тилига таржима қилинган¹. 1869 йилги ҳужжатда «хонадон»даги бир хивалик хонликлардан келган савдогарларга таржимонлик қилган². 1645 йилда рус ҳукумати топшириғига биноан, П.Зверов деган кимса араб, форс ва туркий тилларни ўрганиш учун Москвадан Астрахонга «Бухоро хонадони»га юборилган³. 1688 йилда «Бухоро хонадони»даги кишилар томонидан араб, форс ва туркий тилларидаги расмий ҳужжатлар рус тилига таржима қилинган⁴. Ўша йили, «Бухоро хонадони»да яшовчи Мамад ака Шарқ тилларининг таржимони сифатида Москвага олиб кетилган.

Шуниси диққатга сазоворки, Волга бўйидаги собиқ Булғор подшоҳлигининг еридан чиққан олимлар Бухорода яшаб ижод қилганлар. Масалан, Ҳисомиддин ибн Шарафиддин Булғори (XVI аср), Абдулваҳҳоб Жанки ал-Булғори (XVIII аср), Абу Шароф Муҳаммад Ҳусайн ибн Умар ал-Булғори, Муҳаммад Латиф ибн Абдасса Салом ал-Булғори

¹ Астраханский областной государственный архив, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 314.

² Ўша жойда. Ф. 1, оп. 6, д. 17, л. 16.

³ Архив Санкт-Петербургского отделения института истории АН России. Ф 178 (Астраханская приказная палата), оп. 1, д. 1566, л. 1.

⁴ Ўша жойда. д. 10867. л 2.

(XIX аср) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирда улар томонидан ёзилган нодир асарлар Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Улар араб ва форс тилларини яхши билганлар¹. Шубҳасиз, улар Бухорода таълим олганлар. Астрахонда ўзбеклар орасида нуфузли ва масъулиятли ҳисобланган элчилик мақомига лойиқ кишилар бўлган. Масалан, 1675 йилда Муҳаммад Юсуф Қосимов Рус давлатининг элчиси сифатида Ҳиндистонга юборилган. У даставвал Хива ва Бухорода ҳурмат билан қарши олинди. Ҳатто Хива хони уни йўлда хавфсизлигини таъминлаш учун кўриқчиларни тайинлайди. У булар билан Балхга омон-эсон келиб, Рус давлатининг элчиси сифатида Ҳиндистонга бормоқчилиги ҳақида Бобурийлар сулоласи ҳукмдорига хабар юборади. Аммо Ҳиндистон шоҳи ҳеч қачон рус подшоси билан алоқа қилинмаганлигини маълум қилиб, элчини қабул қилишга розилик билдирмаган.

Муҳаммад Юсуф Қосимов, Балх ҳокими Субҳонқул Баҳодирхон томонидан ҳурмат ва иззат билан қарши олинади. У ўзининг Алимурод исмли элчисини Муҳаммад Юсуф Қосимов билан бирга Россияга юборади. У рус подшосига ёзган ёрлиғида элчи Муҳаммад Юсуф Қосимовни мамнуният ва ҳурмат билан қабул қилганлиги ва ҳар жиҳатдан етарли даражада таъмин қилинганлиги маълум қилинган. Рус подшосининг Балх ҳокимига юборган ёрлиғида изҳор этилган ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатиш ҳақидаги таклифлар миннатдорчилик билан инobatга олинганлиги қайд қилинган. 1678 йилда Муҳаммад Юсуф Қосимов Бухоро ва Хивага келиб, бу ердан Хива хонлигининг элчиси билан Астрахонга қайтган. Сўнгра улар яна Москвага боришган.

Муҳаммад Юсуф Қосимов савдо карвони билан биргаликда Ҳиндистонга ҳам йўл олган эди. Моллар орасида рус хазинасига тегишлиси ҳам бор эди. Унинг Москвада берган ҳисо-

¹ Вильданова А.Б. Ценные источники по истории культурных связей Средней Азии с Волжской Булгарией. «Общественные науки в Узбекистане», 1997, № 1-2, с. 56.

ботида таъкидланишича, 1355 сўмлик хазина моллари Қобул бозорида савдога чиқарилган. Бундан 857 сўмига Хивада 18 рус асирлари сотиб олиниб, Москвага олиб келинган.

Айрим маълумотлардан аниқланишича, Астрахондаги ўзбеклар ўзларининг эски турмуш тарзи ва урф-одатларини узоқ вақтгача сақлаганлар¹.

Афсуски, бизнинг ихтиёримизда «Бухоро хонадони» аҳолисининг сони ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Булар масалаларни етарли даражада ёритиш имконини бермайди.

1744 йилда «хонадон»да эркаклар сони 493 киши ҳисобланиб, улардан 24 киши савдо иши билан турли жойларга кетган².

1764 йилда «хонадонда» 152 хўжалик бўлиб, улардан 42 таси савдогар, 9 таси қассобчилик, 6 таси бўёқчилик, 3 таси кўнчилик билан шуғулланган. Дин пешволари 7 кишини ташкил қилган³. Аммо бу ҳисоб тўла бўлмай «хонадон»нинг фақат 70 аъзосини ўз ичига олади, холос. Ваҳоланки, хонадонда истиқомат қилувчилар сони ўрта ҳисобда 500–600 киши атрофида бўлган. Бу ерда шуни ҳисобга олиш керакки, у вақтларда рўйхатга фақат эркаклар сони ҳисобга киритилган. 1836 йилда «Бухоро хонадони»да 800, «Гилён»да 250, «Агрижон»да 220 киши яшаган⁴.

Булардан ташқари Астрахонда Россия фуқаролигига ўтмаган 109 хиваликлар ва 10 бухороликлар яшаганлар. Улар ўзбек моллари билан савдо қилганлар⁵.

XIX аср бошларига келиб, ўзбек хонликлари билан Россия ўртасидаги савдо алоқаларини кўпроқ Оренбург ва Троицк орқали олиб борилиши, Астрахон савдосига сезиларли зарба берди. Ўзбек савдо аҳли ва элчилари йўлнинг

¹ Журналъ МВД. СПб., 1836, кн. 10-12, с. 435.

² Архив Санкт-Петербургского отделения Института истории АН России. Ф. 178 (Астраханская приказная палата), д. 1019, л. 1.

³ Ўша жойда, д. 89., л. 6.

⁴ Журналъ МВД. С. 434.

⁵ Ўша жойда, 438-бет.

анча яқинлиги ва қулайлиги туфайли, асосан, Оренбург орқали алоқани ривожлантириб юбордилар. Шу муносабат билан Астрахондаги «Бухоро хонадони»нинг собиқ аҳамияти тобора пасайиб борди. Бу ҳолат ўз-ўзидан ўзбекларнинг имтиёзларини сақлашга эҳтиёж қолмади. 1836 йилга оид маълумотда қайд қилинишича, «Бухоро хонадони» аъзоларининг жон бошига 5 сўм ҳажмда ҳарбий солиқ солинган. Уларга бошқа тўловлар ҳам жорий этилган. Йирик савдогарлар руслар сингари савдо гильдияларига ёзилишлари ва бунинг учун ҳақ тўлашлари лозим эди. Айниқса, ўзбек хонликлари Рус давлати томонидан урушиб олингандан кейин «Бухоро хонадони»нинг аҳамияти деярли йўқ бўлди.

– Хулоса шуки, Волга бўйида бухороликлар, хиваликлар, самарқандликлар ва шунга ўхшаш номларда юритилган ўзбеклар узоқ йиллар мобайнида ўзларининг тили, дини, турмуш тарзи ва урф-одатларини сақладилар. Аммо уларнинг, айниқса, ўртаҳол ва камбағал қисмининг татар аёлларига уйланишлари орқасида этник тузилишлари ўзгариб, татарларга аралашиб жараёни кучайиб борди. Вақт ўтиши билан уларнинг асосий қисми Астрахонда туғилиб ўсиб, маҳаллий аҳолига айландилар. Айни пайтда ўзбек хонликларидаги қариндош-уруғлари ва борди-келдилар камайиб, ўзаро алоқалар узилиб борди. Пировардида, ўзбекларнинг татарларга аралашиб жараёни ниҳоясига етди. Бу ҳолат, айниқса, собиқ совет даврида яққол кўзга ташланди. Аммо шунга қарамай, улар ўзларини ўзбекларнинг авлоди эканликларини унутмадилар. Бунга мен Астрахонда уларнинг айрим вакиллари билан суҳбатлашганимда ишонч ҳосил қилдим. Бу ерда айтиш лозимки, уларнинг орасида баъзи оилалар татарларга аралашмай, ўзларининг ўзбеклигини сақлаганлар. Улардан бири Пўлат Солиев Ўзбекистонга келиб олим сифатида шуҳрат қозонди. У тарих фани бўйича ўзбеклардан биринчи бўлиб профессор илмий даражасини олди. Пўлат Солиев бўлажак академик Яҳъё Ғуломов ва бошқа тарихчилар устози ҳисобланган. У мудҳиш қатағон вақтида отиб ташланган.

Шундай қилиб, қадимги даврлардан Волга бўйларига бориб ўрнашган ўзбеклар Ўзбекистоннинг у жойлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиш ва ўсишида муҳим ўрин эгалладилар. Улар Волга бўйининг ички ва ташқи савдоси, иқтисоди ва маданиятининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

УРАЛ БЎЙЛАРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР

ЎЗБЕКЛАРНИНГ МАШҒУЛОТИ ВА ТУРМУШ ТАРЗИ

Урал атамаси туркий тилдаги Ёйиқ дарёсини ва унинг атрофидаги бепоён ерларни англатади. Бу ном Рус давлати эгаллагандан сўнг жорий этилди. Қадимдан Ўзбеклар Урал дарёси атрофидаги жойларда шакилланган карвон йўллари орқали савдо-сотиқ қилишган. 1732 йилда улардан бир гуруҳи Урал бўйига келганларида молларини қароқчилар талаган. Шу боис Дўстмуҳаммад ва Абдужабборлар савдогарлар Россия Ташқи ишлар коллегиясига шикоят аризасини юборганлар¹. Рус давлати Урал бўйларини ўзлаштириш мақсадида рус поселкаларини, шаҳар ва ҳарбий истеҳкомларини, шу жумладан, Оренбургни қуришга киришди.

1734 йилда Император Анна Ивановна И.Кирилловнинг бу шаҳарни барпо этиш ҳақидаги фармонига имзо чекди. Мазкур ишни амалга ошириш И.Кирилловга топширилди. Янги шаҳар қурилиши вақтида Тошкент савдогарлари ҳам қатнашдилар. Кўп ўтмай янги шаҳар учун танланган жойда сув тошқини рўй бериб, кўп қийинчиликни юзага келтирди. Шу боис 1743 йилда Сакман дарёсининг Уралга қуйиладиган жойидан 252 км узоқликда Оренбург шаҳри қайтадан бунёд этилди. Шу йили Упелки ариғи бўйида Троицк қалъаси ҳам қурилди. Ҳар иккала жой Россиянинг Ўрта Осиё ва бошқа жойлар билан савдо-сотиқ алоқасида салмоқли ўринни эгаллади.

1744 йилда Оренбург генерал-губернаторлиги ташкил қилиниб, у Кама, Каспий денгизи, Ғарбий Сибирь ва Қозоғистон чўллари орасидаги улкан ерларни ўз ичига олди. У Уфа, Исет, Ставрополь ва Оренбургдан иборат тўртта катта вилоятлардан ташкил топди. Шу тариқа Оренбург шаҳри мавқеининг оширилиши натижасида у ерга Ўзбекистон ва бошқа жойлардан савдогарлар серқатнов бўлиб қолдилар.

¹ Витевский В.Н., И.И.Неплюев. Оренбургский край. Казонь, 1891, 671-бет.

Рус ҳукумати 1739 йилда бухоролик, хивалик, тошкентлик ва бошқаларга Оренбургга ўрнашишга, савдо ва ҳунармандчилик билан бемалол шуғулланишларига рухсат берди¹.

Айтиш лозимки, даставвал Оренбургда Сайид Каргалин номли татарларни ўз ичига олган жамоа юзага келади. Унинг аҳолиси ҳарбий хизматни ўташдан, уйларига ҳарбий кишиларни ижарачи (постой) сифатида қўйишдан озод қилинди. Жамоага экин майдонлари ва яйловлардан фойдаланиш, бошқирдлардан ерларни сотиб олиш, ҳунармандчилик, савдо ва бошқа ишлар билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди². Ўзбеклар ўша жамоа орасида яшаб ва имтиёзлардан фойдаландилар. Бундан ташқари улар Оренбургнинг Ногойбоқи деган жойига ҳам ўрнашдилар³.

Айрим маълумотларга кўра, Оренбургда яшашни хоҳловчи кишилар ариза берганлар. 1807 йилда бухоролик Мерган Худойназаров император Александр Павлович номига ёзган аризаси шулар жумласидандир. Унда шундай дейилган: “Бундан 16 йил илгари карвонда ўн битта туям билан Оренбургга келган эдим. Бу ерда иш ҳақимни олиб, Бухорога жўнаш учун Красногор қалъасига келдим. Шу ерда туяларим ўлиб қолди. Камбағаллигим туфайли Бухорога бора олмай, Оренбургга қайтишга мажбур бўлдим. Эндиликда Россия фуқаролигига ўтиш истагидаман⁴.

Бу ариза маъмурият томонидан инобатга олиниб, сўров қаноатлантирилди.

1808 йилда Оренбургда тошкентлик, бухоролик, хивалик ва қисман қашқарликлардан иборат 46 оила (1-жадвал) яшаган⁵.

¹ Оренбургский областной государственный архив, ф. 6, оп. 10. д. 2089, л. 9.

² ЦГАДА России, ф. 248 сената, кн. 499, Л. 636.

³ Витевский В.И. Ўша асар. 441-бет.

⁴ ЦГИА Казахстана, ф. 4, оң 1, д. 502, св. 252, л. 2.

⁵ Оренбургский областной государственный архив, ф. 6, д. 443, л. 5-10.

	Оила бошлиқларининг исми ва шарифи	Оила аъзолари	Касби
1.	Шаришов А.	Маълумот йўқ	савдогар
2.	Ниезмухамедов М.	-// -	-// -
3.	Апирмухамедов Б.	Хотини ва боласи	-// -
4.	Убайдуллаев М.	Маълумот йўқ	-// -
5.	Мирҳасанов М.	-// -	-// -
6.	Эшмухамедов	-// -	-// -
7.	Мухамедов Ш.	-// -	-// -
8.	Хўжабеков Ш.	-// -	-// -
9.	Шангин (?) Р.	-// -	-// -
10.	Нигматжонов М.	-// -	-// -
11.	Хожибердиев Ш.	-// -	-// -
12.	Даминов М.	-// -	-// -
13.	Файзуллаев Г.	Хотини ва 5 нафар боласи	даллол
14.	Зарифов Ш.	Маълумоти йўқ	савдогар
15.	Тахиров Ш.	-// -	-// -
16.	Бобоев Х.	-// -	-// -
17.	Мухамедов М.	Хотини ва 5 нафар боласи	-// -
18.	Нуржанов Г.	Хотини ва 1 нафар боласи	-// -
19.	Нурмухамедов Г.	Маълумот йўқ	-// -
20.	Эшмуродов М.	Хотини	-// -
21.	Гиашгулобов А.	Хотини	-// -
22.	Боқиев К.	Маълумот йўқ	-// -
23.	Иброҳимов Д.	Хотини	-// -
24.	Раҳматиллаев И.	Хотини	-// -
25.	Зокиров Х.	Маълумот йўқ	-// -
26.	Ҳасанов К.	-// -	-// -
27.	Шаришов Ю.	Хотини ва 3 нафар боласи	-// -
28.	Мирзаев Ф.	Хотини ва 3 нафар боласи	савдогар
29.	Ҳасанов Ш.	Хотини	бўёқчи
30.	Мирзашихов Б.	Хотини ва 1 нафар боласи	Маълумот йўқ
31.	Сайидкулов К.	Хотини ва 2 нафар боласи	
32.	Аллакулов В.	Акаси	-// -
33.	Ражаббеков М.	Хотини ва 1 нафар боласи	Маълумот йўқ
34.	Гўлмухамедов Н.	Хотини ва 1 нафар боласи	- II -
35.	Бекмуродов А.	Хотини ва 2 нафар боласи	Заргарчи
36.	Шаришов У.	Хотини ва 1 нафар боласи	Савдогар
37.	Мирҳошимов М.	Хотини ва 4 нафар боласи	Елланма ишчи
38.	Жумакулов Б.	Хотини ва 1 нафар боласи	-// -
39.	Мухамедов Б.	Хотини ва 1 нафар боласи	Савдогар
40.	Абдураҳимов М.	Маълумот йўқ	-// -
41.	Олимжонов З.	Хотини	Заргар
42.	Ҳасанов М.	Хотини ва 2 нафар боласи	Ишчи
43.	Ҳасанов А.	Хотини	Чўпон

44.	Муҳаммадмуродов А.	Хотини	Елланма шпчи
45.	Муҳаммадшин А.	Хотини ва 2 нафар боласи	Деҳқон
46.	Бақшиев И.	Маълумот йўқ	Савдогар

Жадвалдан кўриниб турибдики, Оренбургдаги ўзбеклар деярли ҳаммаси савдогарлик билан шуғулланган. Аммо бу маълумотлар тўла бўлмай, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчиларнинг кўпчилиги рўйхатга киритилмаган. Жадвалда кўрсатилган 46 оиланинг 25 таси шаҳарда, 21 таси «Сайид жамоаси»да истиқомат қилган. Улар орасида XVIII асрда Оренбургга келиб жойлашган ўзбеклар авлодлари ҳам бор эди. Баъзи вақтларда Оренбург маъмуриятининг вакиллари ўзбекларга берилган имтиёзларни йўққа чиқаришга интилишган. Шунинг учун ўзбеклар 1804 йилда Оренбург ҳарбий губернатори князь Т.С.Волконскийга шикоят қилганлар. Унда ёзилишича, бухоролик, хивалик, тошкентлик ва бошқалар Оренбургда узоқ вақтлардан буён яшаб, Россиянинг ўзбек хонликлари билан савдонинг олиб борилиши натижасида Оренбургга жойлашганлар. Аммо маъмурият вакиллари уларнинг уйларига ҳарбий кишиларни (постой) ижарачи сифатида киритишни бошлаб юборган¹. Бундай қонунбузарликка қарши улар норозилик билдиришган.

Мазкур аризага жавобан, маъмуриятнинг вакиллари билан бири Ханданов ўзининг ҳарбий губернаторга ёзган хатида шундай деган: “Бухороликлар, хиваликларнинг катта даромадга эга бўлмай, фақат савдо билан шуғулланишлари ва шу боис постойдан озод этилганликлари ҳақидаги сўзлари нотўғридир. Чунки уларнинг кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланадилар. Улардан кимники иккита уйи бўлса, биттасига ҳарбий киши киритилди. Уларнинг 3 – 4 хоналик уйлари бор, шунинг учун ҳарбий кишилар сонининг кўпайиши муносабати билан бухоролик ва хиваликларни уйла-

¹ Оренбургский областной государственный архив, ф. 6, оп. 10, д. 40, л. 1.

рига ҳарбий киши қўйиши лозим. Акс ҳолда оғирлик бошқа фуқаролар зиммасига тушади”¹.

Айтиш лозимки, ўзбек хонликларидан қатнаб турадиган савдогарлар ҳам ижарачи қўйишга қарши чиқиб, Оренбург ҳарбий губернаторига ариза билан мурожаат қилганлар².

Рус ҳукумати вакиллари эса ўзбеклар имтиёзларини ўз кучида қолдириш ҳақида кўрсатма берди.

Ўзбеклар орасида татар аёлларига уйланган кишилар ҳам оз эмас эди. Шу боис, баъзи ўзбеклар ўз ватанига қайтиш истагини билдирганида қийинчилик туғилган. Нега деганда уларнинг аёллари Россия фуқароси ҳисобланарди. Маъмурият розилигисиз ўзбеклар уйга қайтолмасдилар. Афтидан, маъмурият қаршилик кўрсатган бўлса керакки, бу масалага Бухоро хонининг аралашishiга тўғри келган. 1816 йилда Бухоро элчиси Азимжон Мўминжонов Оренбургдаги ўзбекларни хоҳлаган тақдирида ватанига бемалол қайтишини таъминловчи қарор чиқарилишини сўраган. Рус ҳукумати бу сўровни ижобий ҳал қилиб, Бухоро хони Мирҳайдар номига махсус хат жўнатган. “Россияда, – дейилган унда, – мусулмон динидаги татар аёлларига уйланган шахслар асл ватанига қайтмоқчи бўлсалар, хотини ва фарзандларининг розилигини олиб, биргаликда Оренбургдан чиқиб кетишлари мумкин. Ўз навбатида Бухоро хони ўзининг ерида Россия фуқаролари татар аёлларга уйланган бўлса уларга ҳам кетишларига рухсат бериши лозим”³.

Оренбург атрофида жойлашган Троицк шаҳри ҳам салмоқли савдо марказига айланди. Бу шахарга талайгина ўзбек савдогарлари ҳам турли моллар билан савдо қилишган. Оренбургда ҳам ўзбек маҳаллалари ташкил топган бўлса керакки, рус ҳукумати у ерда мактаб, масжид ва меҳмонхона биноларини қуришга рухсат берган.

Сибирь ва Волга бўйларида бўлганидек, Оренбургда ҳам ўзбек ва рус савдогарлари ўртасида рақобат кучайиб, им-

¹ Ўша жойда, л. 3-4.

² Ўша жойда, д. 887, л. 1.

³ Ўша жойда. л. 257.

тиёзларга қарши кураш қизгин тус олди. Ҳукуматта шикоят аризалари жўнатилди. Бу масала Санкт-Петербургда Осиё департаментида муҳокама қилиниб, махсус тавсиянома тузилди. Бу 1832 йил 15 мартда шахсан император томонидан тасдиқланди.

У қўйидаги масалаларни ўз ичига олган:

1. Оренбургда истиқомат қилаётган барча бухоролик, хивалик ва тошкентлик 1832 йилнинг 1 июнидан то 1833 йил 1 июль орасида хоҳлаган тақдирда Россия фуқаролигига ўтсинлар. Улар солиқларни тўлаш ва губерниянинг ичкарисидида яшаш шарти билан фуқароликка қабул қилинсин. Бордию улар савдо гильдияларига ёзиллишга хоҳиш билдириб, Россия фуқаролигига ўтмоқчи бўлсалар, у вақтда қаерда яшашликларини ўзлари белгиласин. Агар бухороликлар, хиваликлар ва тошкентликлар бир йил мобайнида рўйхатдан ўтмасалар саёқлар (бродяга) тоифасига киритилади¹.

Мазкур қарор ўзбекларнинг Оренбургда яшашини расмийлаштириб, ҳужжатсиз юришига барҳам беришга қаратилган. Унда уларнинг имтиёзларини чегаралаб, солиқ тўлаш ҳақида сўз юритилган. Қарор қанчалик амалга оширилганлиги бизга номаълум. Аммо ўзбеклар имтиёзлари чегараланганлиги кўриниб турибди. Бироқ қарорда энг малол келадиган ижарачи қўйиш хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Мазмунан бунга тегишли имтиёз ўз кучида қолдирилган. Афтидан, ўзбеклар ҳукумат қароридан олдин ўзларининг имтиёзларини сақлаш учун Оренбург уезди судига мурожаат қилган бўлсалар керак. Чунки суд Оренбург маҳкамасига юборган хатида шундай деган: “Бухороликлар, хиваликлар ва тошкентликлар сингари Осиё савдогарлари турли вақтларда карвонлар билан Оренбургга қатнаганлар. Улардан маълум қисми Оренбург шаҳрида, бошқалари «Сайид жамоаси» ёки қишлоқларда доимий яшаш учун қолганлар. Бу ерда улар татар аёлларига уйланиб, уй-жойли ва фарзандли бўлишган, асосан савдо билан шуғулланишади, ле-

¹ ЦГИА России в Санкт-Петербурге, ф. 18, он. 4, д. 501, л. 3-6.

кин улар бирор табақа (сославия)га ёзилмаган, ҳатто савдо гувоҳномасини олмай иш юритганлар. Улар ҳеч қандай ҳужжатсиз кўп йиллар давомида Оренбург шаҳрида, Орск қалъаси ва қишлоқларида яшаб келишмоқда. Ораларида оиласини ташлаб ватанига кетганлари ҳам бор. Айрим кишилар савдо табақасига, бошқалари казаклар жамоасига ёзилиш истагини билдирган. Бироқ уларнинг кўпчилиги ҳеч қандай табақаларга ёзилишга розилик беришмади”¹.

Оренбург губерниясида яшаётган ўзбеклар хонликлардан қатнайдиغان ватандошлари билан биргаликда савдони тобора ривожлантириб бордилар.

Ўзбеклар фақат савдо-сотик билан шуғулланмай деҳқончилик соҳасида ҳам фойдали ишларни қилдилар. Улар Оренбургда полизчилик ўсимликларини иқлимлаштириш ва қишлоқ хўжалиги таркибини бойитишга ҳаракат қилдилар. 1752 йилда рус ҳукуматининг нуфузли вакили қовун ва тарвузни иқлимлаштириш учун уруғларидан маълум қисмини Санкт-Петербургга юбориш ҳақида Оренбург губернаторига буйруқ йўллади. Бу ерда ўша полиз экинлари гоҳ яхши, гоҳ қониқарсиз ҳосил берганлиги ҳақида маълумотлар бор². Оренбургда ўзбеклар иштирокида пахтани иқлимлаштиришга ҳам киришилган. 1753 йилда Оренбург губернатори П.Рычковнинг Санкт-Петербургга ҳукумат вакилларида бирига юборган ахборотида: «Сиз жаноб олийларга бир тўп ғўзани юбораётган чоғимда экилган пахта батамом пишиб етилар, деган умидда эдим. Ғўзалар бир нечта кўсак тукканда баногоҳ совуқ тушиб, уларни мужмайтириб қўйди. Шу боис камоли эҳтиром ила Сиз муҳтарам зотга беш донагина бўлса ҳам кўсак юбораётирман. Бу ерда пахтани етиштиришнинг ҳеч иложиси йўққа ўхшайди»³.

Оренбургда Хоразм чигити экиб кўрилган эди. Оренбургга келтирилган қовун, тарвуз, кунжут, қовоқ уруғлари

¹ Центральный государственный архив Республики Башкирии, ф. I, оп. 1 д. 2882, л. 1-2.

² ЦГАДА России, ф. гос архив, р. XVI, д. 808, л. 353.

³ Ўша жойда, л. 365.

экиш учун Санкт-Петербургга жўнатилган. Бу ерга Самарқанд олмасининг кўчати ёки уруғини ҳам юборишлик ҳақида Оренбург маъмуриятига буюрилади¹. Ўз-ўзидан маълумки, пойтахтда кўрсатилган ўсимликларни етиштириш ҳаракати ноқулай иқлим шароити туфайли қутилган натижани бермаган. Оренбургда ўзбеклар қаллачилик билан ҳам шуғулланганлар.

Улар орасида форс тилини яхши ўзлаштирган кишиларни ҳам учратиш мумкин эди. Масалан, 1803 йилда Мулла Фатҳулла Мирзаев форс тилидаги расмий ҳужжатларни таржима қилган².

Бошқирдистонда ҳам ўзбекларнинг турар-жой манзиллари юзага келган эди. Мен Бошқирдистонда мазорни зиёрат қилган вақтимда ислом динини тарқатишда жонбозлик кўрсатган ўзбек дин пешволарининг қабр тошларини кўрдим. Улар XIV–XVII асрларда битилган. Демак, ўзбекларнинг у ерга бориб ўрнашишлари узоқ даврларга бориб тақалади.

Бошқирдистон Рус давлати томонидан босиб олингандан кейин ҳам у ерда ўзбекларнинг ўрнашиши давом этди. XVIII асрнинг таниқли олими Иоган Готлиб Георгнинг гувоҳлигига кўра, ўзбеклар ўзларининг маҳаллий бошқарув идораси – иккита Бухоро волостлари (гуманлари)га эга бўлганлар³. Улар «сартлар» ҳам деб юритилган. Маълумки, ўша даврларда ўзбек хонликларидаги шаҳар аҳолиси «сартлар» деб ҳам аталган. Бир эмас, иккита волостларнинг мавжудлиги шу ҳақида гувоҳлик бердики, Бошқирдистонда ўзбеклар сони бир неча юздан ошиб кетган. Шу боис, уларнинг маҳаллий бошқарув идорасини ташкил қилиш зарурияти туғилган. Айрим тўла маълумотларга кўра, Уфа атрофидаги жойларда 50 ва Исет маҳкамасида 51 та ўзбеклар

¹ Ўша жойда, л. 96.

² Оренбургский областной государственный архив. ф. 6, д. 877. л. 1.

³ Иоган Готлиб Георг. Описание всех обитающих в Российском государстве народов, их житейских обрядов, обыкновений, одежды, жилищ, упражнений, забав, вероисповеданий и других достопамятностей. СПб., 1797, с. 74.

оилалари истиқомат қилганлар¹. Улар орасида Бухоро элчиси Мирза Раҳимқул ҳам яшаган. Бу элчи ўз ватанига қайтмай, 12 йил мобайнида Россия подшоши паноҳида яшаб, савдо билан шуғулланган. У Бухорога қайтиш фурсати етганида Уфада турғун яшаш истагини билдирган. Унинг сафдошлари ва хизматкорлари ҳам қолганлар. Кейинчалик уларга қozoқлар асирлигидан қочган бухороликлар ҳам қўшилган².

Иоган Готлиб Георгнинг кўрсатишича, ўзбеклар турмуш тарзи Қозон татарларининг ҳаётига ўхшаб кетган. Уларнинг касб-кори, уй-жой тузилиши, дини ва урф-одатлари ҳам татарларникини эслатган.

Ўша олимнинг ёзишича, «Бухороликлар ўзларининг кўринишларини сақлаб, озодаликка риоя қилганлар»³. Бу ерда эркакларнинг ўзларига хос этник тузилиш ва кийим-кечаклари назарда тутилган. Ўзбеклар орасида тўқчиликда яшаб, тўртта хотинли кишиларни учратиш мумкин эди.

Улар савдодан ташқари, деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Исет вилоятида яшовчи ўзбеклар асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Уларнинг валлачилик билан ҳам шуғулланганликларига оид маълумотлар мавжуд.

Бошқирдистондаги ўзбеклар сонига тегишли тўла маълумотларга эга эмасмиз. Аммо шу нарса маълумки, улар бир нечта алоҳида қишлоқларда яшаб, бир нечта юз кишилардан ошиб кетган. Масалан, улар Ғофурий туманидаги Сарт-батроков ва Сарт-Смирнов, Қарамислин туманидаги Сарт-наурозов ва Сарт-чашма, Аишев туманидаги Сарбош, Нуримон туманидаги Сартлабов номли қишлоқларда истиқомат қилишган. 1952 йилда Бошқирдистон давлат педагогика институти талабалари томонидан тўпланган маълумотларнинг кўрсатишича, Сарт-Лобов қишлоғи аҳолиси ота-боболари Ўзбекистондаги ўзаро урушлардан қочиб келганлар авлоди

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

эканликларини баён этганлар¹. 1954 йилда Ўша экспедиция аъзоларига Дувон туманидаги 7 қишлоқларнинг аҳолиси ўзларини ўзбеклар авлодлари эканликларини айтганлар².

Умуман айтганда, Оренбург губернияси, жумладан, Бошқирдистондаги ўзбеклар, хонликлар ва Россия ўрта-сидаги савдо алоқаларининг ривожланиши орқасида Урал бўйларига кўчиб келиш имконига эга бўлишди. Улар орасида хонликлар қўл остидаги ерларда ўзаро урушлар, нотинчлик ва беқарорликдан, кўчманчиларнинг асирлигидан қочиб келган кишилар ҳам бор эди.

Рус давлати томонидан берилган имтиёзлар, Урал бўйларидида ўзбек маҳаллаларини юзага келишида муҳим ўрин эгаллади. Улар савдо, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб, Уралнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, улар Россиянинг Ўзбекистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан алоқаларнинг ўрнатилиши ва ўсишида кучи ва тажрибасини аямадилар. Ўзбеклар узоқ йиллар мобайнида тили, дини ва урф-одатларини сақлашга ҳаракат қилишди. Маълумки, Урал бўйларига хотинларга нисбатан эркаклар кўп ўрнашганди. Шу боис буларнинг бошқирд ва татар аёлларига уйланишдан бошқа иложи йўқ эди. Айниқса, бундай ҳолат уларнинг ўрта ва камбағал қисмида кенг қулоч ёзди. Натижада вақт ўтиб бориши билан ўзбекларнинг этник тузилишлари туб аҳолига ўхшаб бораверди. Гарчанд ўзбек ва татар ёки бошқирд аёлларидан дунёга келган фарзандлар ўзларини бухоролик, хивалик, тошкентлик деб юритган бўлсалар-да, лекин вақт ўтиши билан уларнинг татарлар ёки бошқирдларга аралашшиш жараёни ниҳоясига етди. Бундай ҳолат, айниқса, собиқ совет даврида кўп содир бўлди.

¹ Кийикбсев Д.К. Вопросы башкирской топонимики. «Ученые записки Башкирского государственного педагогического института им. К.А.Тимирязева», вып. XVIII, серия филологическая. Уфа, 1956, № 2, с. 234.

² Ўша жойда, 236-бет.

ХУЛОСА

Биринчидан, ўзбеклар энг қадимги даврлардан моҳир савдогар, ҳунарманд, деҳқон, маърифатпарвар кишилар сифатида шуҳрат қозонган. Бу борада уларнинг Сибирь, Урал ва Волга бўйларидаги фаолияти ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу минтақалар ва Туркистон замини ўртасидаги алоқаларнинг бошланиши милоддан аввалги асрларга бориб тақалади. Мана шу қадимги ва ўрта асрларни ўз ичига олган алоқаларда сиёсий-иқтисодий ва маданий омиллар ўз ифодасини топди. Улар шу даражада самарали кечдики, милодимизнинг биринчи мингйиллигида Волга бўйидаги Ҳазар подшоҳлиги Хоразм билан қўшилиб, Ҳазар-Хоразм империяси ташкил топган даврларга тўғри келади. У ерларда кўплаб ўзбекларнинг турар-жой масканлари юзага келди. Улар бу ерда ҳокимиятни бошқариш ва қўшинга қўмондонлик қилиш ишларида қатнашиб, масъулиятли лавозимларни эгалладилар. Улар Волга ва Урал бўйларида ички ва ташқи савдо ҳамда маданият ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Ўз навбатида минтақалар билан Туркистон заминида ишлаб чиқариш кучларининг ўсишга ижобий таъсир кўрсатди. Бундай ҳолат кейинги XIII – XIX асрларда ҳам давом этди.

XIII асрнинг 30-йилларида Волга бўйида Олтин Ўрда давлати ташкил топиб, Волга ва Урал бўйлари ва Шимоллий Хоразмни ҳам ўз ичига олди. Бу вақтларда Туркистон билан тарихан шаклланган алоқалар янада юқори босқичга кўтарилди. Ўзбек маҳаллалари ташкил топиб, улар Олтин Ўрда ҳаётида салмоқли ўринни эгаллашди. Бу ерда савдогар, ҳунарманд, қурувчи, наққошлар, дин пешволари ва бошқа касб эгалари яшадилар. Олтин Ўрданинг ички ва ташқи савдоси маданияти ривожда ўзбекларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Ҳудудда ислом динини ёйдилар. Шу ўринда ҳукмрон сулола бўлмиш мўғуллар ҳам ислом ди-

нини қабул қилганини алоҳида этироф этмоқ жоиз. Айни пайтда, муғулларнинг туб аҳоли, қипчоқлар билан аралаш-шиш жараёни содир бўлди.

Иккинчидан, Олтин Ўрда, Астрахон, Қозон, Сибирь, Қрим хонликларига парчаланиб кетди. XVI асрнинг иккинчи ярми ва кейинги вақтларда ўша хонликлар Россия томонидан босиб олинди. Чор ҳукумати бу бепоён ерлар аҳолисини зарур моллар билан таъминлашга қодир бўлмаган. Айниқса, газлама, кийим ва бошқа молларга эҳтиёж катта эди. Бундай моллар қадимдан Ўзбекистондан келтирилиб турилганлигини ҳисобга олган рус ҳукумати ўзбек савдо аҳлига таянишдан бошқа иложи қолмади. Ўз навбатида ўзбек хонликлари Сибирь, Волга ва Урал бўйлари билан савдони давом эттиришдан жуда манфаатдор эди. Чунки бу ўлкалар асрлар мобайнида тайёр маҳсулот бозори бўлиб, бундан хонликлар катта фойда кўришган.

Шу тариқа икки томонлама манфаатдорлик ўзбек хонликлари ва Россия ўртасидаги алоқанинг ўрнатилишига олиб келди. Айниқса, рус ҳукумати савдони ривожлантиришга қаратилган муҳим чораларни кўрди. Хусусан, у ўзбеклар қаерда бўлмасин, иш фаолиятига қулай шароит яратиш, ҳурмат ва қадр-қимматини ўрнига қўйиш, адолатсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик ҳақида маҳаллий ҳокимият вакиллариغا фармон жўнатиб турди. Уларга бир қатор имтиёзлар берилиб, Сибирь, Волга ва Урал бўйларида доимий яшашга жойлашиш ҳуқуқи берилди. Шунини тан олиш керакки, ўзбек хонликларида ички ва ташқи савдога ҳамма вақт ҳам бирдек яхши шароит яратилмаган. Хусусан, тож-тахт учун узоқ муддатли қонли урушлар, ҳокимият вакилларининг таъмагирлиги ва бошқа тўсқинликлар савдо-сотик ривожига кўп зиён етказган. Шу боис, ўзбеклар рус ҳукумати имтиёзларидан мамнун бўлиб, Сибирь, Волга ва Урал бўйларида ўз маҳаллаларини ташкил қилдилар. Бунда биринчи навбатда савдо аҳли ташаббус кўрсатди, сўнг бошқа касб эгалари ўрнашдилар. Ўзбек савдогарлари

кўрсатилган жойларда илгаридан савдо билан шуғулланиб келган кишилар авлодлари бўлиб, уларнинг ишларини давом эттирган эдилар.

Шунингдек, Россиянинг ўзбек хонликлари, Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан алоқасида воситачилик қилдилар. Юксак ахлоқ-одобга эга ўзбеклар ҳаллоллигу, маърифатпарварликлари билан ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлдилар. Узоқ вақтдан кейин ўзбеклар ўрнашган жойларида маҳаллийлашдилар. Совуқ ўлка фарзандига айланиб, ота-боболарининг асл ватани Ўзбекистондан анча узоқлашдилар. XIX асрда рус ҳукумати хонликларни босиб олгандан кейин ўзбекларнинг бурунги мавқеи анча пасайди. Эндиликда уларнинг илгариги хизматидан фойдаланишга зарурат қолмади. Устига-устак ўзбекларнинг татар аёлларига уйланишлари оммавийлашиб, этник тузилишларида ўзгаришлар содир бўлди. Шунга қарамай, улар ўзларининг кимнинг авлоди эканликларини унутишмади.

Юқоридаги далиллар шуни кўрсатадики, шароит тақозоси ўзбекларни нафақат Сибирь, Урал ва Волга бўйларига, балки Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга ҳам ўрнашиб яшаб қолишга мажбур қилган. Юртдошларимиз мусофир юрт сарҳадларида кимлигини хотирасидан фаромуш қилмаган холда ўзга мамлакатларни сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашиб, ўзларининг ақл-заковати, юксак одоб-ахлоқи ва яратувчанлик кучини намойиш қилишган.

УЗБЕКИ В СИБИРИ, ПОВОЛЬЖЬЕ И ПРИУРАЛЬЕ

(с древнейших времен до начало XX века)

ВВЕДЕНИЕ

С древнейших времен Сибирь, Поволжье и Приуралье были связаны в политических, экономических и культурных отношениях. Для последней они были важным рынком сбыта готовой продукции. В частности, Узбекистан, в частности, вывозила туда различные виды тканей, одежду и другие товары.

Это обстоятельство в значительной степени способствовало подъему производительных сил в Узбекистане, где развивались различные ремесла, земледелие и торговля. Поэтому представители местной власти и торгово-ремесленных кругов всячески старались укрепить свою позицию в Сибири, Поволжье и Приуралье, где в свою очередь, также поощрялись деятельность узбекских купцов, удовлетворявших сбыту местной продукции в Узбекистане. Взаимная выгода сблизила сторон и создала между ними благоприятные условия для развития между ними торговых и других отношений. В результате этого в Сибири и Поволжье уже в первом тысячелетии нашей эры стали возникать поселения узбеков. Связи Узбекистаном были широко развиты в период существования Золотой Орды, созданной в XIII в. В первой половине XVI в. Золотая Орда распалась на самостоятельные ханства – Казанское, Астраханское, Крымское, Сибирское и др. в это время Русское государство превратилось в довольно сильную державу. Во второй половине XVI в. Россия покорило Казанское, Астраханское, и Сибирское ханство и стала одним из крупнейших государств Европы. В конце концов, после этого исторически сложившиеся связи Узбекистана с Сибирью, Поволжьем и Приуральем продолжали успешно развиваться, так как русское правительство было ещё не в состоянии обеспечить вновь обретенные территории тканями, одеждой и другими товарами в силу отсталости своей промышленности. Кроме того, само русское купечество было еще не готово вести торговлю с восточными странами. Этому особенно препятствовали опасности, которые подстрегали купцов на караванных путях. Учитывая

данные обстоятельства, русское правительство стремилось превлечь на свою сторону узбекских купцов, предоставляя им ряд привилегий. Это было вызвано желанием не только обеспечить нужды населения окраин в среднеазиатских товарах, но и через посредство купцов развивать торговые отношения с Ираном, Индией, Китаем и другими восточными странами.

В свою очередь, узбекские ханства в XVI – XIX вв. проявляли немалую активность в развитии торговых и дипломатических отношений с Россией через Сибирь, Поволжье и Приуралье. Благодаря обоюдной заинтересованности международные отношения между Россией и Узбекистаном развивались год за годом. Численность поселений узбеков в Сибири, Поволжье и Приуралье в конце XVIII в. достигла 20 тыс. человек. Что же тянуло их на холодные и ещё не обжитые окраины России?

Во-первых, как свидетельствуют архивные источники, бесконечные кровавые войны в борьбе за власть привели к кризису в политической и социально-экономической жизни ханств. Отсутствие мира и стабильности заставляло страдать все сословия общества, включая и купечество. Последнему было необходимо сильное государство, которое смогло бы обеспечить развитие внутренней и внешней торговли. Таковой была для него Россия, которая на деле демонстрировала свою мощь и покровительство. Поэтому определенная часть узбекских купцов выступало инициатором переселения на окраины России. За ними последовали ремесленники, земледельцы и др. В Сибири, Поволжье и Приуралье селились главным образом те купцы, отцы и деды которых торговали здесь на протяжении многих веков.

Во-вторых, русское правительство предоставляло узбекским купцам весьма существенные привилегии. Так, они свободно могли заниматься торговлей, ремеслами, земледелием. Помимо этого, им обеспечивалась неприкосновенность языка, образа жизни и религии. Узбекские купцы, поселив-

шиеся на окраинах России, вели торговлю с Китаем, Ираном, Индией и другими сопредельными странами. Среди них стали появляться люди, обладавшие довольно крупными капиталами. Они сыграли важную роль в распространении ислама среди татарского населения, в постройке мечетей, учебных заведений, вносили свою лепту в развитие внутренней и внешней торговли, ремесел и земледелия. С XIX в. в России наблюдается рост промышленности, усиливается деятельность русских купцов, которые значительно укрепляют свои позиции во внутренней торговле, вообще во всех сферах жизни окраин России. В результате этого началась борьба между узбекскими и русскими купцами. Последние стали требовать от правительства ликвидации привилегий для узбеков, проживавших в Сибири.

В течение многих лет мне довелось работать в нижеследующих архивных хранилищах:

1. Центральный государственный архив древних актов России (г. Москва)
2. Центральный государственный военно-исторический архив России (г. Москва)
3. Архивный фонд Государственного исторического музея (г. Москва)
4. Архив МИД России (г. Москва)
5. Центральный государственный исторический архив России (г. Санкт-Петербург)
6. Архив Российской Академии наук (г. Санкт-Петербург)
7. Архивный фонд филиала института истории АН России (г. Санкт-Петербург)
8. Рукописный фонд Государственной библиотеки им. Салтыкова-Щедрина (г. Санкт-Петербург)
9. Центральный государственный архив Республики Узбекистан (г. Ташкент)
10. Центральный государственный архив Республики Казахстан (г. Алматы)

11. Государственный архив Оренбургской области (г. Оренбург)

12. Центральный государственный архив Республики Татарстан (г. Казань)

13. Рукописный фонд Казанского государственного университета

14. Центральный государственный архив Республики Башкортостан (г. Уфа)

15. Государственный архив Тюменской области (г. Тюмень)

16. Государственный архив г. Ирбита

17. Государственный архив Свердловской области (г. Екатеринбург)

18. Государственный архив г. Тобольска

19. Рукописный фонд краеведческого музея г. Тобольска

20. Государственный архив Омской области (г. Омск)

21. Государственный архив Томской области (г. Томск)

22. Рукописный фонд библиотеки Томского государственного университета

23. Государственный архив Пермской области (г. Пермь)

24. Государственный архив Нижегородской области (г. Нижний Новгород)

25. Государственный архив Астраханской области (г. Астрахань)

Кроме того, я посетил те места в Сибири, где образовались поселения узбеков и записал их воспоминания. Из указанных выше архивов извлечены ценные материалы, касающиеся не только деятельности узбеков, но и торговых отношений вообще, состояния караванных путей и т.д. на их основе мною были написаны книги, брошюры и статьи. В русских официальных документах и литературе поселенцев называли по месту рождения: бухарцы, ташкентцы, кокандцы и т.д. Эти названия сохранены и в настоящей работе. А поскольку ведущее положение в среднеазиатском регионе занимало Бухарское ханство, жители этих поселений значи-

лись под общим названием – «бухарцы». Отсюда же берут свое происхождение и другие понятия: «Бухарский двор», «Бухарская волость», «бухарская община» и т.п. Нельзя не отметить тот факт, что научные круги Узбекистана и ответственность в целом не имели представления об узбеках, переселившихся в давние времена на окраины России. Поэтому, когда я в середине 50-х годов опубликовал статью на эту тему, она была воспринята как новая страница истории узбекского народа. Тогда же руководство Академии наук республики предложило мне продолжить работу на этой теме.

В данной работе преследуется цель показать причины, побудившие узбеков поселиться в Сибири, Поволжье и Приуралье, и осветить их деятельность.

УЗБЕКИ В СИБИРИ

СВЯЗИ С ДРЕВНЕЙШИХ ВРЕМЕН ДО КОНЦА XVI В.

Политические, экономические и культурные связи Узбекистана с Сибирью уходят своими корнями в глубокую древность. Согласно исследованиям археологов, заселение Сибири в эпоху палеолита шло из Восточной и Юго-Восточной Азии¹. О связях Узбекистана с Сибирью свидетельствует сходство инвентаря мезолитических памятников Южного Урала с аналогичными памятниками Средней Азии². Много общего у зрелой неолитической культуры Узбекистана и Сибири. В этом отношении представляют интерес и находки, обнаруженные на территории Забайкалья, где в ювелирной отточенности техники обработки камня мастерами, а также в ряде наиболее характерных изделий из ножевидных пластин явно прослеживается влияние микрополитических культур Узбекистана³.

О дальнейших связях Узбекистана с Сибирью свидетельствуют находки на территории Западной Сибири и Минусинского края, весьма сходные с памятниками, обнаруженными на территории долины р. Чу, в окрестностях Ташкента и даже по течению Амударьи. Памятники культуры Южной Сибири указывают на существование связей между двумя странами и в период бронзы. Весьма характерно, что по своему физическому типу местное население ближе всего стоит к тамироферганскому, или типу Среднеазиатского междуречья⁴.

Представляют большой интерес археологические находки на Татарском острове на Енисее, относящиеся к VII–IV вв. до н.э. Здесь обнаружены фигурки и головки лошадей из бронзы, высоко породных, стройных, с лебедиными шеями и тонкими длинными ногами⁵. Известно, что родиной такого рода лошадей была Узбекистан, в частности Ферганская

¹ Материалы по древней истории Сибири. Улан-Удэ, 1964, с. 58.

² Там же, с. 102.

³ Там же, с. 175.

⁴ Там же, с. 275.

⁵ Там же, с. 284.

долина. Поэтому можно предположить, что эти кони попали на Енисей из Узбекистана вместе с частью среднеазиатского населения, и оттуда же был принесен культ «небесного коня»¹.

В период существования Уйгурского каганата (745–840 гг.) связи Узбекистана с Сибирью ещё более расширились. Так, в это время появляется ряд признаков, свидетельствующих о влиянии на уйгуров узбекской культуры, что прежде всего наблюдалось в архитектуре и строительном деле. Отмечалось явное сходство с Семиречьем, Чачей (Ташкентом) и Согдом периода VII–IX вв. в планировке крепостей, характер оборонительных башен, сооружении длинных стен наконец, в применении сырцовых кирпичей².

Тесные связи Узбекистана с Сибирью способствовали возникновению на территории каганата колоний узбеков. Об этом свидетельствует указ уйгурского правителя от 757 г. о разрешении согдийцам «на берегу Селенги построить город Байбалык»³. С 763 г. Государственной религией уйгуров становится манихейство, заимствованное ими у согдийцев⁴. Характерно и то, что в каганате была в употреблении и согдийская письменность. Так, при раскопках столицы каганата Ордубалыка (городище Харбалгас) был обнаружен памятник уйгурскому кагану Ба-и (808–821 гг.) с надписями, среди которых есть и согдийский текст, рассчитанный на живших здесь согдийцев⁵.

В рассматриваемый период значительно усилились торговые отношения между двумя странами, в которых ведущую роль играло узбекское купечество.

Археологические данные свидетельствуют о связях Узбекистана и с Восточной Сибирью. В долине р. Ангары были обнаружены весьма ценные находки, в частности осколки

¹ Там же.

² Там же, с. 419.

³ Там же.

⁴ Там же, 423.

⁵ Там же, с. 419.

стеклянных сосудов, светильники типа чирков и печать из халцедона с изображением мифического животного с бычьим телом и головой человека. Оттиск печати очень похож на популярное в Узбекистане изображение Панат-шаха (Пастуха-царя)¹. Искусство Восточной Сибири также было сходным с художественным творчеством Хорезма².

В XII–XIII вв. узбекское купечество развернуло свою деятельность в Туве, образовав торговые факторы³. Купцы торговали не только в разных уголках края, но и ездили с различными товарами в Восточную Европу.

В период существования Золотой Орды Сибирь с ее тюрко-язычным населением входила в состав этого государственного объединения. Как свидетельствуют письменные источники, в это время из Сибири в Золотую Орду привозилась драгоценная пушнина – белки и соболь⁴, – пользовавшаяся большим спросом на рынках восточных стран.

В XV–XVI вв. сложились условия для образования Сибирского ханства. Первоначально столицей ханства был Чингиз-Тур, расположенный на территории современной Тюмени, а затем с конца XV в. она была перенесена на Иртыш и получила название Кашлык (Искер).

Сибирское ханство длительное время служило ареной борьбы между царевичами Золотой Орды (Шейбанидами) и верхушкой татарского населения Западной Сибири. Приблизительно с конца XIV в. правитель Золотой Орды Тухтамыш, кочевавший в низовьях Сырдарьи, распространил свою власть на Юго-западную Сибирь. В 1388 г. Тухтамыш, как пишет С.В.Бахрушин, отпал от своего верховного сюзерена Тимура, и это послужило сигналом для восстания в Ургенче – обстоятельство, устанавливающее с несомненностью связи завоевателя Сибири с торговым центром Хорез-

¹ Там же, с. 427.

² Там же, с. 438.

³ Там же, с. 449.

⁴ Тзенгаузен В. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, т. I, 1884, с. 236.

ма. Знаменитый хан Абулхайр, праправнук Мангу-Темура, потомка сына Джучи Шейбана, как известно, был избран ханом в сибирском городе Туре, т.е., вероятно, Тюмени¹. Во второй половине XV в. «тюменским царем» был и другой представитель шейбанидской династии – Ибрагим Ибак, а затем Кутлук. Таким образом, – говорит С.В.Бахрушин, – сибирский юрт первоначально был «как бы уделом (Шейбанидской) державы, почему русские источники называют сибирских ханов Шибинскими царевичами»².

В XIV в. 366 шейхов и ходжей – последователей бухарского «святого», знаменитого Ишан Ходжи (Баховиддина Накшбанди) с отрядом в 1700 человек отправился в Сибирь. На берегах Иртыша произошло несколько жестоких сражений между войсками и с местным населением. В результате обе стороны понесли существенный урон³. Тем не менее определенная часть миссионеров осталась на Иртыше для проповеди здесь ислама. В этом деле активное участие приняли и женщины – выходцы из Узбекистана по имени Акилабиби, Анилабиби, Хадичабиби, Салихабиби и др⁴.

Поход в Сибирь был высоко оценен религиозной верхушкой Бухары⁵.

Характерно, что после этой религиозной войны, по преданию, сформировались условия для дальнейшего пребывания в Сибири не только шейхов и ходжей, но и торговых караванов⁶. Так при деятельном участии мусульманских религиозных миссионеров и купечества круг распространения ислама среди коренного населения Западной Сибири стал постепенно расширяться. Вместе с тем все более интенсивный характер приобретают и торговые связи. В том

¹ Бахрушин С. В. Научные труды. Т. IV, 1959, с. 198.

² Там же.

³ Саади Вакоси ибн Раджаб Маматкулов. О религиозных войнах. – Рукопись Тобольского краеведческого музея, б/н.

⁴ Там же, л. 2.

⁵ Там же.

⁶ Там же.

же предании приводятся десятки имен выходцев из Средней Азии – шейхов, ставших «святыми», высоко почитаемыми местным населением Сибири религиозными деятелями¹.

Во второй половине XVI в. в Средней Азии образовалось довольно сильное и обширное государство во главе с шейбанидом Абдуллаханом (1557–1598), которое стремилось укрепить свое влияние в Сибирском ханстве. Однако в 1555 г. власть в Сибирском ханстве перешла в руки Едигера – представителя местной татарской знати, который признал себя данником царского правительства, что не могло не ущемлять интересы торгово-ремесленных кругов Узбекистана. Абдуллахан предпринимает решительные меры, направленные на низложение власти Едигера и установление господства шейбанидов в Сибирском ханстве. Так, по утверждению Г.Ф.Миллера, в 1563 г. шейбанид Кучум с большим военным отрядом прибыл из Бухары и овладел престолом в Сибирском ханстве².

О военной помощи Абдуллахана Кучуму сообщает также С.В.Бахрушин³.

Кучумхан в вопросах религии опирался на поддержку Абдуллахана. В 1572 г. он снаряжает посольство к Абдуллахану с просьбой отправить к нему шейхов и саидов. В Бухаре сибирские послы были приняты Абдуллаханом, который дал указание о снаряжении миссионеров для посылки «к сибирскому народу для наставления его в веру»⁴. Было решено набрать таковых в Ургенче, куда и приехали сибирские послы с письмом Абдуллахана, адресованным правителю города хану Сейиду: «По священному повелению и приказанию муфтиев да будет известно Вам, – говорилось в письме, – о получении его письма перепоручите послам хана Кучума, Сибирского хана, Ярым Сейида и Шербети

¹ Там же.

² Миллер Г. Ф. История Сибири, т. I. М—Л., 1937, с. 196.

³ Бахрушин С.В. Указ. соч., с. 199.

⁴ Катанов Н. О. Указ. работа, с. 3.

Шейха, да проводить потомков Сейида и Шейха с хорошим почетом и уважением, а сколько нужно расходов, да выдаст их из казначейства. Кроме того, пусть даст им в спутники 10 человек из хороших людей. Посылаемые люди пусть будут средних лет»¹.

В Ургенче оказалось много желающих отправиться в Сибирь. Так Ярым Сейид (Мулла Якуб) и Шербет Шейх с ахунами, мирзами и слугами в количестве 500 человек прибыли в Бухару, где Абдуллахан принял их с почетом и уважением. Из Бухары Шербет Шейх и Ярым Сейид с отрядом в 1000 человек отправились в Сибирь. Вполне вероятно, что в числе этих людей были и войны, обеспечивавшие Безопасность в пути, а так же способные оказать помощь Кучуму. По прибытии бухарской миссии на Иртыш Кучумхан «переплыл со своими слугами через Иртыш» и встретил посланцев с большим почетом. Кучумхан «приказал Ярым Сейиду быть хакимом и находиться при нём»², т.е. Ярым Сейиду было оказано большое доверие не только как духовному наставнику, но и как должностному лицу.

Ярым Сейид прожил в Сибири недолго, через два года по прибытии он скончался, а Шербет Шейх вернулся в Бухару с письмом, в котором Кучумхан просил Абдуллахана: «Подле нас нет людей для священных повелений, ни для наставления вере – пусть пришлют ещё потомков Сейида и Шейха»³. По указанию Абдуллахана из Ургенча в Сибирь было решено отправить племянника покойного Ярым Сейида Дин Али Ходжу и того же Шербет Шейха.

Вскоре, о приезде миссионеров, Кучум выдал замуж за Дин Али Ходжу свою дочь Наилашооханум. Так Дин Али Ходжа стал одним из влиятельных лиц в Сибирском ханстве. В состав миссии по указанию Абдуллахана был включен и Ахмед Гирей с бухарскими войсками – старший брат Ку-

¹ Там же.

² Там же.

³ Там же.

чумхана. Одни источники свидетельствуют, что по прибытии Ахмеда Гирея Кучум уступил ему свою власть¹, а другие – что они оба управляли ханством².

Кучумхан и Ахмед Гирей, в целях захвата Казани, совершили нападение при участии бухарских войск. Одним словом, Абдуллахану удалось установить своё влияние в Сибирском ханстве³.

При Кучумхане связи Сибири со Узбекистаном укрепились настолько, что на территории Сибири вновь возникают поселения выходцев из Средней Азии.

Установление тесных связей между Узбекистаном и Сибирью привлекло внимание царского правительства. Так, в 1574 г. выдается царская грамота крупному землевладельцу и промышленнику Строганову с предоставлением ему свободной и беспопшлинной торговли с бухарцами⁴.

Строгановы, владевшие обширными землями и лесами Прикамья, расположенными на путях в Сибирь, организовали вооруженные отряды из казаков с Поволжья и Дона и использовали их не только для самообороны, но и для активных военных действий против Сибирского ханства. В свою очередь, Кучумхан неоднократно вторгался во владения Строгановых. Так, в 1574 г. брат Кучумхана Маматкули совершил нападение на поместье Строгановых и, захватив пленных, возвратился в Сибирь.

В результате отношения между обеими сторонами настолько обострились, что Строгановы послали в Сибирь вооруженный отряд казаков во главе с Ермаком, который в 1581 г. в битве с Кучумханом одержал победу и овладел столицей ханства Искером. Так Ермаком был заложен фундамент для дальнейшего покорения Сибири Российским государством.

¹ Ходи Атлас и. Сибирь тарихи, 1918, с. 89.

² Миллер Г.Ф. Указ. соч., т. I, с. 200.

³ Андреевич В. К. История Сибири, часть, 1. СПб., 1889, с. 7.

⁴ Карамзин М. История государства Российского, т. IX. СПб., 1834, с. 374.

